

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

14-сон
(982)
2021 йил
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

163. «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ–6199-сон Фармони
164. «Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ–6200-сон Фармони
165. ««Зомин» туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ–6201-сон Фармони
166. «Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш

- тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги ПФ–6202-сон Фармони
167. «Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ–5054-сон қарори
168. «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ–5055-сон қарори
169. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ–5057-сон қарори
170. «Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги ПҚ–5060-сон қарори
171. «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 апрелдаги ПҚ–5062-сон қарори
172. «Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 апрелдаги ПҚ–5063-сон қарори
173. «II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 апрелдаги ПҚ–5070-сон қарори

Учинчи бўлим

174. «Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарори
175. «Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 апрелдаги 189-сон қарори
176. «Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги

низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 апрелдаги 193-сон қарори

Бешинчи бўлим

177. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2021 йил 23 мартдаги 85-сон «Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш қоидаларининг 5-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2968-2*)
178. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2021 йил 23 мартдаги 86-сон «Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларининг 5-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2967-2*)
179. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/11-сон «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2764-2*)
180. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/12-сон «Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2443-3*)
181. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/13-сон «Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2665-2*)
182. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/14-сон «Диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш бўйича услубий кўрсатмаларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2666-2*)
183. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2021 йил 9 апрелдаги 19-2021-Б-сон «Ўзбекистон Республикаси

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163-3*)

184. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 6 мартдаги 01-02/12-01-сон ва Энергетика вазирлигининг 2021 йил 26 февралдаги ИНЛ-841/20-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан магистрал газ ўтказиш қувурлари орқали олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3295*)

185. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 6 мартдаги 01-02/12-02-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1609-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

163 Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнги йилларда республикада туризм ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, инфратузилмани яхшилаш, туризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали туристлар саёҳати учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, яратилган имкониятларга қарамасдан туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларини ривожлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаган, рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик, шу жумладан хусусий секторнинг ушбу йўналишлардаги ролини ошириш бўйича ўз ечимини топмаган масалалар мавжуд.

Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш, илғор хорижий тажрибага таяниб ушбу йўналишларда инфратузилмани жадал ривожлантириш, объектлардан самарали фойдаланиш, аҳолига етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Туризм ва спорт вазирлиги;

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари негизида Туризм ва спорт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ташкил этилсин.

Туризм ва спорт вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Туризм ва спорт вазирлиги туризм, жисмоний тарбия, спорт ва маданий мерос соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Туризм ва спорт вазирлиги ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 апрелда эълон қилинган.

давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари Туризм ва спорт вазирлигининг мурожаатига кўра тегишли маълумотларни ўрнатилган тартибда тақдим этади;

туризм, жисмоний тарбия, спорт ва маданий мерос масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Туризм ва спорт вазирлиги билан келишилади.

3. Туризм ва спорт вазирлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) туризм соҳасида:

туризм объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан оширишга, туризм соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишига йўналтирилган туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва амалга ошириш;

туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотлари олиб боришга, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилишга, мамлакатимизнинг туризм қиёфасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларининг халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган туризм инфратузилмасини ривожлантиришга инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш;

туризм турларини диверсификациялаш, энг аввало, зиёрат туризми, экологик туризм, этнотуризм, ишбилармонлик туризми, спорт, гастронимик, тиббий, таълим ва илмий туризмни ҳамда уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

туризм соҳасида хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаштириш ҳамда туризм хизматларининг белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш;

туризм хизматларини ташкил этишда туристларнинг хавфсизлиги ва соғлиғини таъминлашга йўналтирилган туризм хизматларини кўрсатиш сифати ва хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқиш;

туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама қўмаклашиш, ушбу соҳага илғор ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш;

туризм объектларини жойлаштириш учун салоҳиятли ҳудудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишларини ташкил этиш, уларга инвесторларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

туризм фаолияти соҳасида туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар ҳамда туризм соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хорижий ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва давлат-

лараро стандартлар ҳамда нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш;

туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни юқори даражада ташкил этиш, тармоқ туризм фанларини ривожлантиришга қўмаклашиш;

б) жисмоний тарбия ва спорт соҳасида:

спорт объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонида муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган ягона сиёсатни амалга ошириш;

вазирликлар ва идораларнинг жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клубларининг, спорт федерацияларининг (ассоциациялари) фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим ҳамда олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари, инструктор ва тренерлари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

махаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш, оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш борасида кенг қўламли ишларни ташкиллаштириш;

болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда спорт объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун истиқболли спортчиларни саралаш (селекция қилиш), тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш;

республикадаги барча вазирлик ва идоралар (жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар) учун спорт нормативларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ягона сиёсатни олиб бориш;

мамлакатимизда оммавий ва профессионал спортни, шу жумладан, спорт ўйинлари, экстремал ва кишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий

этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоглом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришни таъминлаш;

оммавий ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланишни таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этиш;

в) моддий маданий мерос соҳасида:

маданий мерос объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

давлат назоратини амалга ошириш ҳамда моддий маданий мерос объектларининг, шу жумладан музей ашёлари ва коллекцияларининг давлат ҳисобини юритиш, уларни муҳофаза қилиш, илмий тадқиқ этиш ва оммалаштириш, шунингдек, улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, хусусан, Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция талаблари ҳамда ЮНЕСКО ва бошқа тегишли халқаро ташкилотлар тавсияларини самарали бажариш, халқаро ва хорижий ташкилотлар, олимлар, экспертлар ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик қилиш;

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар, Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар ва тарихий маҳаллаларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолиш;

чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базасини яратиш ва уни мунтазам янгилаб боришни ташкил қилиш.

4. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш Туризм, спорт, маданий мерос, транспорт логистикаси ва хизматлар соҳаларида давлат-хусусий шериклик ҳамда рақамлаштиришни ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда —

Кенгаш) этиб қайта ташкил қилинсин ҳамда унинг таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Кенгаш туризм, спорт ва маданий мерос объектларининг давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқарилишини ҳамда мазкур соҳаларга замонавий ахборот технологиялари жорий этилишини мувофиқлаштиради.

5. Вазирлар Маҳкамаси:

а) уч ой муддатда:

маданий мерос объектларининг ўзига хос хусусиятини инобатга олиб, уларга ҳар қандай салбий таъсирларни олдини олиш, узлуксиз равишда давлат ва илмий-техник назорат олиб боришни назарда тутган ҳолда соҳада давлат-хусусий шерикликни жорий этиш тартибини;

туризм, спорт ва маданий мерос объектлари, шу жумладан уларнинг ер участкалари, бинолари ёки қисмлари ва хоналарини давлат-хусусий шериклик асосида бериш юзасидан хатловдан ўтказилишини ҳамда унинг натижаларидан келиб чиқиб, ушбу объектларнинг рўйхати (кейинги ўринларда — рўйхат) тасдиқланишини таъминласин;

б) рўйхатга киритилган ҳар бир объект бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаси ва унинг концепцияси, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларини тайёрласин.

Кенгашга рўйхатга киритилган умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида тендер ўтказмасдан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузиш юзасидан рухсат бериш ҳуқуқи берилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида:

Бош вазир ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозими тугатилсин;

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири лавозими киритилсин;

Спорт ва туризмни ривожлантириш масалалари котибияти Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибияти этиб қайта номлансин ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 15 нафар этиб белгилансин. Бунда, қўшимча ажратилаётган 3 та штат бирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг қисқартирилаётган ходимлари сони ҳисобига шакллантирилади;

Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти Таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти этиб қайта номлансин ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 18 нафар этиб белгилансин;

Давлат тилини ривожлантириш департаменти Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти этиб қайта номлансин ва

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 7 нафар этиб белгилансин;

10 та штат бирлигидан иборат Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси ташкил этилсин.

Белгилансинки, Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси штат бирликлари Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказининг 10 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

7. Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази негизида Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурида Маданий мерос агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилсин.

Маданият вазирлигининг ҳудудий маданият бошқармалари тузилмаларидаги моддий маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўлимлари тугатилсин ва уларнинг штат бирликлари тегишлилигича Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига ўтказилсин.

8. Маданият вазирлиги тизимидаги давлат музейлари, музей қўриқхоналар ва уй музейлари, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва «Мозийдан садо» журнали мавжуд штат бирликлари ва моддий-техника базаси билан тўлиқ ҳажмда, молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Маданий мерос агентлигига ўтказилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Маданий мерос агентлиги Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

2021 йилда ва келгуси йилларда Маданият вазирлигига Давлат бюджетидан маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек, археологик ишлар харажатлари учун ажратиладиган маблағлар Туризм ва спорт вазирлигига ажратилади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишларни амалга ошириш бўйича Маданий мерос агентлиги буюртмачи ҳисобланади.

10. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибияти, Таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти, Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти ҳамда Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекциясининг тузилмалари, янгиланган штат жадваллари ҳамда котибият ва инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқласин;

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири ҳамда Бош вазир-

нинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг функционал вазифаларини тасдиқласин;

Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибиятини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, қўйилган вазифалар самарали бажарилишини юксак профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган малакали мутахассислар билан тўлдирсин;

Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ Хукумат қарорини қабул қилсин.

11. Туризм ва спорт вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Кадастр агентлиги, Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2021 йил якунига қадар:

Туризм ва спорт вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, Маданий мерос жамғармаси, маданий мерос соҳасига Давлат бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан махсус электрон портални яратсин, ушбу порталга барча спорт ва маданий мерос объектлари ҳақидаги маълумотларнинг (шу жумладан паспорти, давлат кадастри) жойлаштирилишини ва уни давлат электрон хизматлари билан интеграция қилинишини таъминласин;

барча моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказсин ҳамда Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари давлат реестри, электрон каталогини, паспорти ва давлат кадастрини тўлиқ шакллантирсин.

12. Транспорт вазирлигининг белгиланган штат бирликлари доирасида вазирнинг туризм соҳасида транспорт логистикасини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилсин.

13. Белгилансинки, транспорт вазирининг туризм соҳасида транспорт логистикасини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси:

Кенгашнинг тақдимномасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади;

ўз фаолияти даврида амалга оширган ишлари юзасидан ҳар ойда Кенгашга ҳисобот бериб боради.

14. Белгилаб қўйилсинки:

моддий маданий мерос объектнинг ўзгартирилиши мумкин бўлмаган ўзига хос хусусиятларини ва унинг тарихий муҳитини сақлаб қолиш мақсадида унга туташ ҳудуддаги муҳофаза теграларида капитал қурилиш ишларини ҳамда уларга зарар етказиш билан боғлиқ фаолиятни;

рухсатнома олмасдан туриб моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини консервациялаш, реставрация қилиш, тузатиш, таъмирлаш, ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштириш, шунингдек, улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишларини амалга ошириш тақиқланади.

15. Туризм ва спорт вазирлиги, Фанлар академияси, Қурилиш вазирлиги, Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) икки ой муддатда молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда маданий мерос объектларини уларнинг муҳофаза тегралари бўйлаб ўраб олиш

(тўсиб қўйиш) ва ҳимоя қилиш ҳамда қўриқлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича таклиф ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) уч ой муддатда Бош прокуратура билан биргаликда маданий мерос объектларининг қўриқланадиган теграларида ноқонуний қурилган қурилмалар ва бино-иншоотларни бартараф этиш, уларнинг ер майдонларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин;

в) 2022 йил 1 январга қадар:

тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган кўчмас мулк объектларини ҳар бирининг жойига борган ҳолда аниқлаш, янги объект бўйича тарихий-маданий экспертиза ўтказиш ва уларни давлат муҳофазасига олишни таъминласин;

моддий маданий мерос объектларининг қўриқланадиган теграларини, шу жумладан муҳофаза тегралари, иморатлар қуриш ва хўжалик фаолиятини тартибга солиш тегралари, қўриқланадиган табиий ландшафт теграларини белгиласин;

халқаро экспертларни жалб этган ҳолда маданий мерос, шу жумладан археология мероси объектлари, маданий бойликларни олиб кириш ва олиб чиқиш, номоддий мерос соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар нормаларини умумлаштириб, тўғридан-тўғри амал қилувчи ягона қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Бош прокуратура ташкилий-штат тузилмасида 3 та штат бирлигидан иборат бўлган маданий мерос соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан, шу жумладан, маданий меросни муҳофаза қилиш, асрашга доир ишлар ва улардан фойдаланишнинг оқилона ташкил этилишини назорат қилиш бўйича тегишли бўлим ташкил этилсин.

Бунда, 3 та штат бирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ходимлари сонини қисқартириш ҳисобига ажратилади.

17. Туризм ва спорт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Жисмоний тарбия ва спорт университетига қабул қилиш талабларини қайта кўриб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

18. Вазирликлар ва идоралар ҳудудларда ишбилармонлик туризмини (MICE-туризм) янада ривожлантириш мақсадида 2021–2022 йилларда ўтказилиши режалаштирилган спорт, маданият, илм-маърифат, иқтисодиёт, инвестиция ҳамда бошқа йўналишлардаги йирик халқаро тадбирларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиш чораларини кўрсин.

19. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 апрель,
ПФ-6199-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

164 Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, сув хўжалигини модернизация қилиш ва ривожлантириш, сув ресурсларини бошқариш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш, сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш, давлат экспертизасидан ўтказиш, қуриш ва реконструкция қилиш, айниқса, сув омборлари ва бошқа йирик сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашда жиддий камчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

Сув хўжалиги объектларининг аксарият қисми 30 — 40 йилдан ортиқ хизмат қилаётганлиги ҳамда уларни лойиҳалашга малакали хорижий экспертларни жалб қилиш, илғор хорижий тажрибани жорий этиш каби масалаларга етарли эътибор қаратилмаётганлиги сабабли кейинги йилларда айрим сув хўжалиги объектларида техноген вазиятлар ва авариявий ҳолатлар кузатилмоқда.

Сув хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш, сув хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, сув хўжалиги объект-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 апрелда эълон қилинган.

ларининг хавфсизлигини ошириш ҳамда самарали назорат тизимини ўрнатиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ–6024-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланганлиги ҳамда Концепциянинг устувор йўналишлари белгилаб берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

сув ресурсларини бошқариш, сувларнинг ҳисоби, ҳисоботи ва балансини шакллантириш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

республика аҳолиси, иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳитнинг сувга бўлган муттасил ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитларни яратиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

сув хўжалиги объектларини модернизациялаш, ривожлантириш ва қурилиш ишларини сифатли ташкил этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, хавфсизлик даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш ва экспертиза қилиш ишларига малакали хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш;

хар бир лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини ҳамда сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини аниқ кўрсаткич ва мезонлар асосида чуқур таҳлил қилиш орқали унинг устуворлигини белгилаш ва амалга ошириш;

сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини экспертиза қилиш ҳамда амалга ошириш ишларини илмий-техник таъминлаш;

сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш чораларини кўриш;

сув хўжалиги соҳасида ресурс тежайдиган технологиялар, замонавий қурилиш материаллари, илғор хорижий тажрибани кенг қўллаш;

сув хўжалиги объектларини бошқариш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда тегишли маълумотлар базасини шакллантиришда рақамли технологияларни жорий қилиш;

сув ресурсларининг ҳисоби ва электр энергияси истеъмоли бўйича шаффофликни таъминлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш;

сув хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойиллари, давлат-хусусий шериклик механизмлари ва аутсорсингни жорий қилиш;

сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар малакасини оширишни тизимли

ташқил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этишни тизимли ташқил қилиш;

трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблағларини жалб қилиш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш.

3. Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг сув хўжалиги вазирлигининг:

сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ўринбосари;

давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси лавозимларини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикасида барча сув ресурсларини ҳисобга олиш ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тадбирларни мувофиқлаштириш, шунингдек, сув балансини шакллантириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

5. Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда беҳатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) этиб қайта ташқил этилсин.

6. Белгилансинки, Инспекция Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда беҳатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекциясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

7. Белгилансинки:

а) Қўйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларининг (кейинги ўринларда — хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари) хавфсизлигини, ишончли ишлашини ҳамда қўриқланишини назорат қилиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини жойлаштириш ва лойиҳалаш бўйича топшириқларни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қоидаларни келишиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлиги қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, уларни фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тугатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли хулосалар бериш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлик даражасини аниқлаш ишларига замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий қилиш;

фавқулодда вазиятларда хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

б) Инспекцияга:

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда хавфсизлик бўйича кўрсаткичлар ва мезонларга амал қилинмаган ҳолларда сув тўплашни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар, лойиҳа ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини эксперт сифатида жалб қилиш ҳуқуқи берилади.

8. «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини замонавий талаблар ва ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби ва «Йўл харитаси» 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

Жаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи, Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи негизида Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш марказини;

Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлигини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб:

бир ҳафта муддатда Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги;

икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш,

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ижро учун масъул идоралар фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 апрель,
ПФ-6200-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги
ПФ-6200-сон Фармониغا
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5017-сон Фармони 2-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишинча учинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5883-сон Фармонида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошисидан «, шунингдек, ягона сув балансини шакллантириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «, шунингдек, ягона сув балансини шакллантириш бўйича» сўзлари;

иккинчи хатбошидаги «орқали республиканинг ягона сув балансини шакллантиришни ташкил этиш» сўзлари чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги
ПФ–6200-сон Фармониға
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим фармонлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 24 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси («Давсувхўжаликназорат»)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ–2272-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ва сув ҳўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5418-сон Фармони 3-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**165 «Зомин» туристик-рекреацион зонасини ва халқаро
умуммавсумий курортни ташкил этиш чора-тадбир-
лари тўғрисида***

Тоғли ҳудудларнинг мавжуд туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, халқаро умуммавсумий курортлар, меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Туризм ва спорт вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг:

«Зомин» туристик-рекреацион зонасини (кейинги ўринларда — Туристик зона);

«Зомин» туристик-рекреацион зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда — Дирекция);

Туристик зона ҳудудида замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 апрелда эълон қилинган.

соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар куриш, шунингдек, замонавий муҳандислик инфратузилма объектларини;

Туристтик зона ҳудудида «Суффа платоси. 2 400» халқаро умуммавсурий курорти ва «Ўриклисой» туризм мажмуасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, Туристтик зона фаолият кўрсатиш муддати кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилга ташкил қилинади.

3. «Зомин» туристик-рекреацион зонаси маъмурий кенгаши таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 31 декабрга қадар хорижий лойиҳа институтларини, шунингдек, маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда Туристтик зонанинг бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини қўйидагиларни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин:

худуддаги электр тармоқларини ер остидан ўтказиш;

Туристтик зона ҳамда уни бошқа ҳудудлар билан боғловчи йўлларда махсус пиёдалар ва велосипед йўлаклари мавжуд бўлиши;

худуддаги электромобиллар ва бошқа турдаги транспорт воситалари (қувват олувчи гибрид транспорт воситалари) учун электр қувватланиш станциялари нуқталарини белгилаш;

худудда ўрнатилган тартибда аэронавигация воситалари ва кичик сифимдаги ҳаво кемалари (вертолётлар) учун учиш-қўниш майдончаларини жойлаштиришни белгилаш;

спортнинг экстремал турлари, шу жумладан зиплайн, фотосуратлар олиш учун манзарали ва ноёб жойларда селфи зоналар каби объектларни жойлаштириш;

худудда ўрнатиладиган йўл кўрсаткичлари ва намунавий санитария-гигиена шохобчаларини жойлаштириш ҳамда чиқиндиларни ташлаш нуқталарини белгилаш;

туристик кўчаларни, шу жумладан сувенир ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси объектларини жойлаштириш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Туристтик зонанинг бош режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун лойиҳалаштириш ва консалтинг компаниялари, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда бошқарувчи компаниялар хизматлари учун ҳақ тўлаш ҳамда Дирекция фаолиятини молиялаштириш Тоғли ва олис ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Туристтик зонадаги туристик инфратузилмани яратиш имконияти бўлган ер участкалари кейинчалик самарали фойдаланиш ва (ёки) инвесторларга бериш учун Дирекцияга ўтказилади;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Дирекцияга ўтказилган ер участкаларини реализация қилиш Дирекциянинг қарорига асосан электрон онлайн-аукцион орқали белгиланган тартибда амалга оширилади;

истисно тариқасида, Туристик зона ҳудудидаги ер участкаларини ва давлат мулки объектларини реализация қилишдан тушган маблағлар Жамғармага йўналтирилади.

Молия вазирлиги мазкур банднинг иккинчи хатбошисида белгиланган тадбирларни дастлабки молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6165-сон Фармонининг 9-бандида белгиланган маблағлар ҳисобидан 10 миллиард сўмни Жамғармага йўналтирсин.

6. Туризм ва спорт вазирлиги:

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда дор йўллари лойиҳалаштириш ва тоғ-чанғи кўтаргичлар қуриш учун нуфузли ташкилотларни, шу жумладан салоҳиятли хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

2021 йил 1 майга қадар Туристик зона ҳудудида тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун меҳмондўстлик ва хизмат кўрсатиш этикаси бўйича, шу жумладан масофавий ўқув семинарларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

уч ой муддатда Туристик зонага хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш, ҳудудда кўрсатиладиган хизматларни диверсификация ва монетизация қилишга доир тарғибот дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги ва Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Туристик зона ҳудудидаги истиқболли ва устувор лойиҳалар рўйхатларини шакллантириш ҳамда дастлабки туризм, йўл-транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

8. 2024 йил 1 январга қадар қайта тикланувчи энергия манбаларини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан импорт қилинадиган асбоб-ускуналар, техника, хомашё, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа материаллар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

9. Туризм ва спорт вазирлиги Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда:

уч ой муддатда Зомин миллий табиат боғи, Зомин давлат ўрмон хўжалиги ҳамда Бахмал туманида жойлашган Бахмал давлат ўрмон хўжалиги ҳудудларида туризм инфратузилмасини барпо этиш юзасидан истиқболли лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил 1 сентябрга қадар ушбу ҳудудларда ташриф буюрувчилар учун, шу жумладан тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда енгил конструкцияли туризм ахборот марказларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Туристик зона ҳудудида «Хавфсиз туризм» тизимини жорий этиш дастурини тасдиқласин.

11. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Зомин» туристик-рекреацион зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

12. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда ушбу Фармондан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Вазирлик ва идоралар икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

14. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 апрель,
ПФ-6201-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**166 Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида***

Миллий кино санъатини ривожлантиришга қаратилган ислохотларни тизимли давом эттириш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, юртимизда жаҳон тажрибаси асосида кино ишлаб чиқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, замонавий киносаноат инфратузилмасини яратиш ва кинопрокат тизимини ривожлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар миллий кинематографияни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

кино санъатини жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий ҳаётида, жумладан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда стратегик манба сифатида шакллантириш;

кино саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш, шунингдек, хорижий кинокомпанияларни мамлакатга жалб қилиш ва ҳамкорликда фильмлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

кино саноатини иктисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида ривожлантириш, замонавий ва юқори технологик моддий-техник базага эга инфратузилмани яратиш;

кинематография соҳасида кадрлар тайёрлаш, кино ижодкорлари ва техник ходимлари малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

миллий сериаллар ишлаб чиқаришни давлат томонидан рағбатлантириш, анимацион фильмлар ишлаб чиқаришга ёш мультимедия ва аниматорларни кенг жалб қилиш;

соҳада муаллифлик ҳуқуқининг кафолатли ҳимоя қилинишини таъминлаш, кинопрокат тизимини ривожлантириш ва миллий фильмларни жаҳон кино бозорларига олиб чиқиш.

2. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) этиб қайта номлансин.

3. Агентлик, кино санъати ва саноати вакилларининг қуйидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин:

«Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивалини таъсис этиш ва уни 2021 йилдан бошлаб мунтазам ўтказиб бориш;

кино санъати ва саноати вакилларининг муаллифлик ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарадиган Ўзбекистон кино саноати вакиллари уюшмаси нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 апрелда эълон қилинган.

олий таълим муассасаларининг кинематография йўналишида таълим олаётган талабаларини қўллаб-қувватлаш учун Худойберган Девонов номидаги давлат стипендиясини таъсис этиш;

«Олтин Ҳумо» миллий кино мукофоти тақдимотини ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб бориш;

миллий кинематография соҳасида самарали фаолият кўрсатаётган ижодкорлар ва мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида «Кинематография фидокори» кўкрак нишонини таъсис этиш.

4. Агентлик ва Ўзбекистон кино саноати вакиллари уюшмаси муассислигида Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш ва I-иловага* мувофиқ унинг васийлик кенгаши таркибини шакллантириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

васийлик кенгаши Марказ фаолиятига амалий ёрдам кўрсатади ҳамда Марказ маблағлари ҳисобига фильмларни молиялаштириш шarti ва тартибини белгилайди;

миллий фильмларнинг халқаро кинофестиваллар ва жаҳоннинг нуфузли кинобозорларида иштироки Агентлик буюртмасига асосан Марказ томонидан ташкиллаштирилади;

Марказ ўз фаолияти, жумладан ҳар бир молиялаштириладиган фильм, молиялаштириш ҳажми ва шартлари тўғрисида жамоатчиликни мунтазам равишда хабардор қилиб боради.

5. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:

миллий фильм ва сериаллар ишлаб чиқаришни ҳамда ҳамкорликда киномахсулотлар яратишни молиявий қўллаб-қувватлаш;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмлар прокатини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш;

маҳаллий ва хорижий инвесторларни миллий фильмларни ишлаб чиқариш, прокатга бериш ва намойиш этишни молиялаштиришга жалб қилиш;

миллий фильмларни хорижий тилларга ҳамда жаҳоннинг энг сара кино асарларини давлат тилига субтитрлаштириш ва дубляж қилишни молиялаштириш;

миллий кино санъати асарларининг халқаро кинофестивалларда иштирок этишини таъминлаш ҳамда маҳаллий ва халқаро кинотадбирларни ташкиллаштириш;

Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси ҳамда фаолият йўналиши кино санъати ва саноати вакиллариининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларини грант ва ижтимоий буюртмалар орқали қўллаб-қувватлаш.

6. Агентлик буюртмаси асосида фильмлар ишлаб чиқариш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

* I-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқарилиши белгиланган фильмлар давлат буюртмаси ҳисобланади;

фильмлар ишлаб чиқариш учун давлат бюджетидан Агентликка ажратилган маблағларнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми давлат буюртмаси асосида, қолган қисми инвестиция маблағларини жалб этиш шарти билан фильмлар ишлаб чиқариш учун йўналтирилади;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильм сценарийси муаллифи (муаллифлар жамоаси) ва сценарийга мувофиқ фильмни тасвирга олувчи кинокомпания алоҳида танлов ўтказиш орқали аниқланади;

ҳар бир фильм учун Агентлик Бадий кенгаши томонидан шакллантириладиган фильмнинг бадий-ғоявий мазмунини кўриб чиқувчи зарур малага ва билимга эга беш нафар шахсдан ортиқ бўлмаган таркибда алоҳида маслаҳатчилар гуруҳи ташкил этилади ҳамда уларнинг ойлик иш ҳақи фильм харажатлар сметасида назарда тутилади;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильм харажатлар сметаси Агентлик томонидан белгиланган талабларга мос келувчи аудиторлик ташкилотининг экспертизасидан ўтказилади;

фильм молиявий-иқтисодий харажатларининг асослилигига аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси асосида Агентлик ҳузурида фаолият юритувчи Экспертлар кенгаши баҳо беради;

фильм ижодкорлари ва техник кўрсатувчи ходимларнинг гонорари (иш ҳақи) фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида эркин белгиланади;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмнинг бир йил давомидаги прокатидан топилган фойданинг 10 фоизи тасвирга олган кинокомпанияга берилади, 15 фоизи Агентлик Бадий кенгашининг қарорига мувофиқ фильм ижодкорлари ўртасида тақсимланади;

кинокомпанияларга фильмни ишлаб чиқариш жараёнида фильм бюджетининг 10 фоизигача миқдорда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишга рухсат этилади. Бунда, нақд пул билан боғлиқ харажатлар бўйича фильм директори (продюсер), режиссёр ва хизмати учун нақд пулни олган шахс томонидан далолатнома тузилади ва у солиқ органига топширилади;

фильм прокати Марказ томонидан амалга оширилади ҳамда бунинг учун фильм смета харажатларида пиар-компания учун ажратилган маблағ Марказга йўналтирилади.

7. Белгилансинки, миллий сериаллар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун республика миқёсида фаолият юритувчи телеканалларга Агентлик томонидан ҳар йили 12 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда субсидия маблағлари ажратилади.

Бунда:

субсидия олиш учун талабгор телеканал сериал ижодий лойиҳасини Агентликка тақдим этади;

Агентлик Бадий кенгаши сериалнинг мазмун-моҳияти, мавзуси, телеканал аудиторияси ва рейтингини ҳисобга олган ҳолда субсидия маблағлари ажратиладиган телеканалларни аниқлайди;

субсидия олувчи телеканал сериаллар бюджетининг камида 50 фоизи ни ўз маблағлари ҳисобидан қоплаши лозим.

Агентлик уч ой муддатда миллий сериаллар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш бўйича қўшимча молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда давлат дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ҳужжатли ва хроникал фильмлар ишлаб чиқариш қўйидаги тартибда амалга оширилсин:

фаолиятида долзарб ислохотлар амалга оширилаётган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари рўйхати ҳамда фильмларни молиялаштириш манбалари ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

ушбу рўйхат ва унга киритилган фильмларни тасвирга олиш учун зарур маблағлар Марказга йўналтирилади;

Марказ ҳужжатли ва хроникал фильмлар ишлаб чиқаришни очиқ танлов асосида ташкил этади.

9. Аудиовизуал асарлар (кино, сериал, мультфильм, ҳужжатли фильм, телекўрсатув) яратишда республика ҳудудида амалга оширилган харажатларнинг бир қисмини давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш («rebate») бўйича қўйидаги тартиб жорий этилсин:

а) хорижий кинокомпаниялар учун, агар харажатлар суммаси:

3 миллиард сўмгача бўлса — 10 фоиз, бироқ битта фильм учун 250 миллион сўмдан ошмаган миқдорда;

3 миллиард сўмдан 5 миллиард сўмгача бўлса — 15 фоиз, бироқ битта фильм учун 650 миллион сўмдан ошмаган миқдорда;

5 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлса — 20 фоиз, бироқ битта фильм учун 1,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда;

10 миллиард сўмдан ортиқ бўлса — 25 фоиз, бироқ битта фильм учун 3 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда қоплаб берилади;

б) маҳаллий кинокомпанияларга улар томонидан фильм ишлаб чиқаришда тўланган солиқ суммасининг 50 фоизи ҳисобот йили якунига кўра қайтариб берилади.

Белгилансинки:

мазкур банднинг «а» кичик бандида белгиланган компенсациялар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан тўлаб берилади ва бу мақсадлар учун ҳар йили 20 миллиард сўм маблағ ажратилади;

мазкур банднинг «б» кичик банди сценарийси Агентлик билан келишилган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳаллий аудиовизуал асарларга нисбатан қўлланилади;

мазкур банд давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилдиган фильмларга нисбатан татбиқ этилмайди.

10. Миллий кинематография, кинокомпания ва кинотеатрлар тармоғини янада ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси

(кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил этилсин ва унинг таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

а) Агентлик Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади;

б) кинокомпаниялар замонавий инфратузилмага эга фильм тасвирга олиш объектларини (павильонларни) барпо этиш бўйича инвестиция киритиш мажбуриятини олган тақдирда, Республика комиссиясининг тақдимномасига кўра:

уларга ер майдонлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан электрон аукцион савдоларисиз ажратилади;

уларга нисбатан асосий фаолият тури бўйича фойда ва павильон жойлашган майдон бўйича ер солиқлари 3 йил давомида 50 фоизлик ставкада ўрнатилади;

улар 2024 йил 1 апрелига қадар объектларни жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган кино ишлаб чиқариш қурилмалари бўйича божхона божи тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

Бунда, Агентлик инвестиция шартномасини давлат номидан имзолайди ҳамда ижара муддати давомида ажратилган ердан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатади.

11. Кинотеатрлар тармоғини ривожлантириш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ҳар бир туманида (шаҳрида) таркибида жами ўриндиқлар сони 250 тадан ва кинозаллари сони 3 тадан кам бўлмаган савдо-кўнгилочар комплексларини қуриш учун тadbиркорлик субъектларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган 25 сотих ер майдонлари бепул ажратилади;

2021 йил 1 июлдан бошлаб янги қуриладиган савдо майдони 15 минг квадрат метрдан ортиқ савдо-кўнгилочар комплексларида жами ўриндиқлар сони 300 тадан ва кинозаллари сони 4 тадан кам бўлмаган кинотеатр ташкил этиш мажбурий ҳисобланади;

2024 йил 1 январга қадар кинотеатр (кинозал)лар муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш имконини берувчи рақамли (DCP ва ундан юқори форматдаги) кино намоёиши қурилмалари билан жиҳозланган тақдирда, уларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, бироқ битта қурилма учун 50 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

янги ташкил этилган кинотеатрларга улар фаолиятининг дастлабки уч ойи давомида Агентлик буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган миллий фильмлар бепул етказиб берилади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Республика комиссияси билан биргаликда мазкур Фармон 11-банди иккинчи хатбошисининг ижросини таъминлаш мақсадида:

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2021 йил 1 июнга қадар кинотеатрлари мавжуд савдо-кўнгилочар комплекслари ташкил этиш учун ҳар бир туман марказларида битта, шаҳар марказларида иккита ер майдонларини ажратсин;

2021 йил 15 июлга қадар ажратилган ер майдонларига инвесторларни жалб этиш учун очиқ танлов ўтказсин ва ғолибларни аниқласин.

13. Агентлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар муддатда кино санъати ва саноати вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида киношаҳарлар барпо этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Агентлик Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар фильмларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва сотилган ҳар бир чиптага доир ҳаққоний маълумот билан тезкор таъминловчи республикада фаолият юритаётган кинотеатрлар фаолиятини автоматлаштиришга қаратилган ахборот тизимининг ишлаб чиқилишини, 2022 йил 1 майга қадар ахборот тизимининг тўлиқ синовдан ўтказилишини таъминласин.

Белгилансинки, 2022 йил 1 августдан бошлаб мазкур ахборот тизимига уланмаган ҳолда кинотеатр (кинозал)ларда фильмлар намойиш этиш чакана савдо қилиш қоидаларини бузиш сифатида баҳоланади.

15. Агентликнинг Марказ ҳузурида ахборот-мультимедиа стриминг платформасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 августга қадар ахборот-мультимедиа стриминг платформасини ишга тушириш ва уни доимий тўлдириб бориш юзасидан ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Марказ маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

2021-2022 йиллар давомида давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган 100 миллиард сўм миқдоридagi бир марталик ажратма;

Марказ маблағлари ҳисобига ишлаб чиқарилган фильмлар кинопрокатидан тушадиган тушумлар;

Марказ маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман қайтариш шarti билан молиялаштирилган фильмлар бўйича қайтарилган маблағлар;

бўш маблағларни вақтинча жойлаштиришдан, лотерея ташкил этиш ва унинг фаолияти орқали олинadиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг хомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

17. Белгилансинки, 2023 йил 1 январга қадар, эксперимент тариқасида, Агентлик маблағлари ҳисобига ишлаб чиқариладиган фильмларга жалб қилинган инвестиция маблағлари натижасида иқтисод қилинган бюджет маблағлари Марказга йўналтирилади.

Бунда:

Агентликка Давлат бюджетидан фильм ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағлар доирасида уларнинг иқтисод қилинган қисми Марказга йўналтирилади;

Марказга йўналтирилган маблағларнинг 15 фоизигача бўлган миқдори инвестиция маблағларини жалб этган юридик ёки жисмоний шахсларга рағбатлантириш сифатида ажратилади.

Молия вазирлиги Агентлик билан биргаликда эксперимент натижаси бўйича уни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

18. Агентлик:

а) бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини киритсин;

б) икки ой муддатда:

Молия вазирлиги билан биргаликда давлат буюртмаси асосида фильм ва сериалларни ишлаб чиқариш бўйича ижодий танлов ўтказиш тартибини такомиллаштириш;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильм ижодкорларини тоифалаш;

«Кинематография фидокори» кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

конун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. 2024 йил 1 январга қадар 3-иловага* мувофиқ кинокомпаниялар моддий-техник базасини кучайтириш ва кинотеатр (кинозал)лар учун товарлар олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси белгилансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Агентлик бош директори Ф.Ф. Абдухаликов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 7 апрель,
ПФ-6202-сон

* 3-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги
ПФ–6202-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва
Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5781-сон Фармони 2-бандининг «а» кичик бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3176-сон қарорида:

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2, 3, 9, 10-бандларда тегишли келишиқдаги «Ўзбеккино» Миллий агентлиги» сўзлари тегишли келишиқдаги «Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

«2¹. Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигига, зарур ҳолларда, асосланган ҳисоб-китобларига кўра, давлат буюртмаси учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қуйидаги мақсадлар учун маблағлар ажратишга рухсат берилсин:

республика, ҳудудий ва халқаро аҳамиятга эга маданий-ижтимоий кино тадбирларини ташкил этиш, ўтказиш, миллий фильмларни хорижда кенг тарғиб қилиш ва халқаро кинофестиваллардаги иштирокини таъминлаш;

ёш, истеъдодли ва истиқболли кино ижодкорларини етакчи хорижий таълим муассасаларида тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигига тизимидаги кинематография ташкилотларини модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шу жумладан фильмлар ишлаб чиқариш учун замонавий кино технологиялари, асбоб-ускуналари, жиҳозларни харид қилиш.»;

г) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигининг «Қорақалпоқкино» агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари 1 тадан «Дамас» русумли автомашина билан таъминлансин»;

д) 1 — 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 июлдаги

«Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3880-сон қарорида:

а) 1-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи-олтинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи-бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2, 4, 7, 12-бандларда тегишли келишиқдаги «Ўзбеккино» Миллий агентлиги» сўзлари тегишли келишиқдаги «Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 6-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

д) 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Белгилансинки:

2018 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги марказий аппаратининг ходимларига уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ойлик жамғармасининг 100 фоизи миқдориди;

2021 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ҳузуридаги «Ўзбекистон миллий кинофонди» давлат муассасасининг ходимларига уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ойлик жамғармасининг 50 фоизи миқдориди шахсий устамалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади»;

е) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1030-сон қарорида:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 3-банднинг учинчи хатбошисида «Агентликнинг марказий аппарати ва «Қорақалпоқкино» агентлигига» сўзлари «Агентликнинг марказий аппарати, «Қорақалпоқкино» агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**167 Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6199-сон Фармони-га мувофиқ:

1. Қўйидагилар:

Туризм ва спорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Туризм ва спорт вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 156 нафар бўлган тузилмаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маданият вазирлигининг моддий маданий мерос соҳасидаги ЮНЕСКО билан ишлаш ҳамда музейлар ва кутубхоналарни ривожлантириш билан боғлиқ вазифа ва функциялари тегишлилигича Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Маданий мерос агентлигига ўтказилсин.

3. Туризм ва спорт вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг чекланган сони 980 нафар этиб белгилансин.

4. Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазирига:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

зарур ҳолларда, ходимларнинг штатдаги белгиланган умумий сони доирасида Туризм ва спорт вазирлиги марказий аппарати, шунингдек, тизим ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Туризм ва спорт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари тузилмалари ва низомларини тасдиқлаш, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда маслаҳатчилари лавозимлари тегишлилигича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосарлари этиб қайта номланади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 апрелда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида тегишлича туризм ва спорт бош бошқармаларининг раҳбарлари ҳисобланади;

Маданий мерос агентлиги директори, туризм ва спорт вазирининг маслаҳатчилари (хорижий маслаҳатчилардан ташқари) ҳамда аппарат бошқарувчиси мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра туризм ва спорт вазирининг ўринбосарларига тенглаштирилади;

Туризм ва спорт вазирлигига ишга қабул қилиш Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири томонидан тегишли давлат органлари томонидан илгари амалга оширилган келишувларни инобатга олган ҳолда, мустақил амалга оширилади;

Туризм ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқлангунга қадар, Туризм ва спорт вазирлиги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тўланадиган тўловлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ–2666-сон қарори билан тасдиқланган Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади;

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта номланади. Бунда, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг бюджетдан ташқари «Спорт» махсус ҳисоб рақами маблағлари Жамғармага тўлиқ ўтказилади;

Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаси этиб Давлат бюджети маблағлари, вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар эса унинг фаолиятини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари ҳисобланади;

Жамғарма маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Туризм ва спорт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, тизим ташкилотлари ходимларини қўшимча рағбатлантиришга йўналтирилади.

Мазкур банднинг учинчи хатбошида кўрсатилган лавозимларга номзодлар Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири тақдимномасига асосан белгиланган тартибда тайинланиши ва лавозимидан озод этилиши белгилаб қўйилсин.

6. Молия вазирлиги ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Туризм ва спорт вазирлиги харажатлари учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича 2021 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин ва 2022 йилдан бошлаб зарур бюджет маблағларини кўзда тутсин.

Туризм ва спорт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Давлат бюджетининг 2021 йил учун тасдиқланган бюджет

параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

муассиси Туризм ва спорт вазирлиги ҳисобланган корхоналар ва ташкилотлар (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) ихтиёрида солиқлар ва йиғимлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойданинг бир қисми; хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорларга мувофиқ давлат мулки объектларини реализация қилишдан тушадиган тегишли маблағлар;

давлат ташкилотларининг мол-мулкани (қўчмас мулк бундан мустасно) сотишдан тушган маблағларнинг 50 фоизи;

давлат ташкилотларининг мол-мулкани ижарага беришдан тушган бюджетга йўналтирилаётган маблағларнинг 50 фоизи;

давлат ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Туризм ва спорт вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда Давлат бюджети маблағларининг, талон-торож, растраталар, камомадлар суммаларининг 50 фоизи;

давлат ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Туризм ва спорт вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадига ундирилган ноқонуний сарфланган бюджет маблағлари, талон-торож, растраталар, камомадлар суммалари;

давлат ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишдан тушадиган маблағлар;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник қўмаклашиш маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

8. Туризм ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб моддий маданий мерос объектларини консервациялаш, реставрация қилиш, тузатиш, таъмирлаш, илмий ва илмий-техник тадқиқ этиш, лойиҳалаш бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва ушбу соҳага етакчи мутахассисларни жалб қилиш мақсадида:

Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида маданий мерос объектларини асраш факультетларини ташкил қилиш;

Бухоро архитектура ва қурилиш коллежида Маданий мерос объектла-

рини асраш йўналишини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

9. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти этиб қайта номлансин.

10. Туризм ва спорт вазирлиги уч ой муддатда:

«Спорт медиа маркази» давлат унитар корхонасини «Миллий PR маркази» давлат унитар корхонасига;

«Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази» давлат унитар корхонасини «Туризм хизматларини сертификатлаш маркази» давлат унитар корхонасига;

Сув спорт турларини ривожлантириш Республика маркази ҳамда Сув спорт турлари бўйича Республика олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабини Сув спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабига қўшиш чораларини кўрсин.

11. Туризм ва спорт вазирлиги таъсисчилигида «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш дирекцияси» давлат унитар корхонаси ташкил этилсин.

Бунда, «Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш дирекцияси» давлат унитар корхонаси штат бирликлари Сув спорт турларини ривожлантириш Республика маркази ҳамда Сув спорт турлари бўйича Республика олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби бошқарув ходимларининг 14 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

12. Капитал бозорни ривожлантириш агентлиги Туризм ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда спорт соҳасида букмекерлик фаолиятини ташкил этиш орқали спортни қўшимча молиялаштириш тизимини кенгайтириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги:

а) бир ой муддатда:

вазирликнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларини зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга, юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдиришни;

вазирлик таркибий ва қўйи бўлинмалари тўғрисидаги низомлар (уставлар), шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тасдиқланишини таъминласин;

б) уч ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига:

вазирлик бўлинмалари ва бошқа ваколатли органларининг мазкур соҳадаги ваколатларини аниқ белгилаган ҳолда, шунингдек, давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигининг механизмларини назарда тутувчи Туризм ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин.

14. Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Маданий мерос агентлиги 2021 йил давомида моддий маданий мерос объектлари, музей, спорт мажмуалари ва бошқа намойиш объектларида электрон тўлов, турникет (лазер-датчикли) ва видео қайд қилиш мосламаларини ўрнатишни, кириш билетларини олдиндан сотиб олишни назарда тутувчи ягона марказлашган электрон тизимни жорий этсин. Бунда, электрон тизимни яратиш, ишга тушириш ва техник қўллаб-қувватлаш Жамғарма ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Туризм ва спорт вазирлиги:

икки ой муддатда ягона марказлашган электрон тизимга 2021 йилда интеграция қилиниши лозим бўлган объектлар рўйхатини шакллантирсин ва уларда жорий этилишини таъминласин;

2021 йил 1 сентябрга қадар Жамғарма маблағлари ҳисобидан моддий маданий мерос объектлари, музей, спорт мажмуалари ва бошқа намойиш объектларида электрон тўлов, турникет (лазер-датчикли) ва видео қайд қилиш мосламаларини ўрнатиш ҳамда кириш билетларини олдиндан сотиб олиш тизимини намуна сифатида Самарқанд шаҳрида жорий этсин.

15. Реставрация ва таъмиршунослик соҳасининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, ҳудудларда узоқ йиллар давомида шаклланган меъморчилик мактабларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида давлат муассасаси шаклида «Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси» ва босқичма-босқич равишда унинг минтақавий реставрация марказлари ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат бюджетидан маданий мерос объектларини асрашга доир ишлар учун ажратиладиган маблағлар устувор равишда тўғридан-тўғри шартнома асосида «Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси»га йўналтирилади.

«Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси» ва минтақавий реставрация марказлари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар, халқаро молия институтлари ва ташкилотлари грантлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

16. Белгилансинки:

ягона марказлашган электрон тизимни ташкил этиш учун Туризм ва спорт вазирлиги таъсисчилигида давлат ташкилоти ташкил этилади;

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Маданий мерос департаментининг мол-мулки, шу жумладан автотранспорт воситаларини Туризм ва спорт вазирлигига ўтказишда қайта расмийлаштириш учун тўловлар ундирилмайди.

17. Туризм ва спорт вазирлиги Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўча-

си, 107 б-уй манзили бўйича, Маданий мерос агентлиги эса Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 апрель,
ПҚ-5054-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**168 Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6200-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тузилмаси ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловаларга** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 апрелда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси 5-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги ирригация тизими бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони 6 ва 6а-иловаларга* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги туманлар (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимларининг намунавий тузилмаси ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони 7 ва 7а-иловаларга* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси 8-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги мелиоратив экспедициялар аппаратининг намунавий тузилмаси 9-иловага* мувофиқ;

Сув омборларидан фойдаланиш бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси 10-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Сув хўжалиги вазирлига:

зарур ҳолларда, Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, шунингдек, ҳудудий бўлинмалар, тизимдаги ташкилотлар тузилмаларига бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида ўзгартириш киритиш;

йирик гидротехника иншоотларининг, энг аввало, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда, қурилишида ва эксплуатация ишлари олиб борилишида хавфсизлик чоралари кўрилиши юзасидан буюртмачи, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари ҳамда сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг жавобгарлигини ошириш вазифаларини белгилаш;

юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини маслаҳатчи сифатида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6200-сон Фармони билан жорий қилинган сув хўжалиги вазирининг:

а) сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ўринбосари қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

сувни тежайдиган технологияларни ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитлари, ихтисослашуви ҳамда сув ва бошқа зарур ресурслар билан таъминланганлигидан келиб чиқиб жорий этишни ташкил қилиш;

* 5 — 10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонларнинг ҳисобини юритиш ҳамда давлат субсидияларини ажратиш механизмини автоматлаштириш;

сувни тежайдиган технологияларни қўллаш борасида илмий ва илмий-техник фаолиятни ривожлантириш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги интеграцияни таъминлаш;

б) давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси қўйидагилар учун шахсан жавобгардир:

сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва аутсорсинг механизмларини жорий этишни ривожлантириш;

сув хўжалиги объектлари бошқарувини рақамли технологиялар асосида автоматлаштириш;

сув хўжалиги объектларида сувнинг ҳисоби ва электр энергияси истеъмолини рақамли технологиялар асосида назорат қилиш орқали сувдан фойдаланиш шаффофлигини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш;

ер усти сувларидан фойдаланиш бўйича давлат сув кадастрини юритишни замонавий технологиялар ёрдамида такомиллаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) тузилмаси 11-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қўйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

сув хўжалигида капитал қурилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган устувор инвестиция лойиҳаларини ошкоралик асосида танлаш, уларнинг йиллик, қисқа ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш;

сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларининг манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши, экспертизадан ўтказилиши ва бош пудрат ташкилотларини танлов (тендер) асосида аниқлашни ҳамда тегишли шартномалар расмийлаштиришни ташкил қилиш;

сув омборлари ва бошқа тоифаланган сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертиза қилиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқишга хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан тизимли мониторинг юритиш, шунингдек, буюртмачи ва пудрат ташкилотлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш.

* 11-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) тузилмаси 12-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган хорижий инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг (кейинги ўринларда — ХМИ ва ХХМТ) маблағлари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳаларини ошкоралик асосида танлаш, уларнинг қисқа ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва шакллантириш;

сув хўжалиги соҳасидаги хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ХМИ ва ХХМТ маблағларини жалб қилиш;

ХМИ ва ХХМТ маблағлари иштирокидаги хорижий инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил қилиш;

сув хўжалиги соҳасидаги хорижий, шу жумладан ХМИ ва ХХМТ маблағлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

сув хўжалиги соҳасидаги хорижий, шу жумладан ХМИ ва ХХМТ иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тендер савдолари асосида бош пудрат ташкилотларини белгиланган тартибда аниқлаш ҳамда тегишли шартномаларни расмийлаштириш;

лойиҳалар ва сублойиҳалар амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб бориш, шунингдек, буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш.

6. Белгилансинки:

Агентлик фаолияти Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади;

Агентлик Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй манзилидаги «А» бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

Марказ Жаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи, Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳлари лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Марказга Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда сув хўжалиги вазирининг тақдимномаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Марказ директори мақоми, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ фаолияти Давлат бюджети маблағлари, ХМИ ва ХХМТ маб-

* 12-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лағлари, Марказ буюртмачи бўлган лойиҳалар доирасида амалга оширилмаган қурилиш ишларидан ажратмалар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади;

Марказга Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 1а-уй манзилидаги «А» блокнинг 2 ва 3-қаватлари текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилди.

7. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) тегишли халқаро молия институтлари билан келишилган ҳолда сув хўжалигида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида уч ой муддатда:

Агентликнинг объектларда техник назоратни амалга оширувчи мутахассислари меҳнат меъёрини белгилаш бўйича нормативлар тасдиқланишини;

Марказ томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг қарз (кредит) келишувлари муддатлари узайтирилишини;

Марказ ходимларининг ойлик иш ҳақи икки баробарга оширилишини таъминласин.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.А. Пекось) Агентлик ҳамда Марказнинг буюртманомаларига мувофиқ уларни белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқа воситалари билан ҳамда юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

9. Сув хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича «Йўл харитаси» 13-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) бир ой муддатда:

Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларини, шунингдек, Агентлик ва Марказни зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга, юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

Сув хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ва улар раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг аниқ кўрсаткичлари ва мақсадли индикаторларга эришишга асосланган мутлақо янги тизимини жорий этиш, яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган соҳани стратегик ривожлантириш дастурларини амалга ошириш сифати ҳамда самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Сув хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни;

Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги тўғрисидаги низомни;

Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

* 13-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4486-сон қарорига 14-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 15-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 апрель,
ПҚ-5055-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги
ПҚ-5055-сон қарорига
14-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил
9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
ПҚ-4486-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1 ва 4-бандлар, 5-банднинг «а» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 3-бандда:

иккинчи-учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 7-илованинг 3 — 10-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги
ПҚ-5055-сон қарорига
15-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3672-сон қарори 1-банди, 9-банди иккинчи хатбошиси ҳамда қарорнинг 1, 2, 3, 4, 5 — 5д, 6 ва 6а-иловалари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4039-сон қарори.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**169 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-
ридаги Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Спортда допинг қўлланилишининг олдини олиш ва допингга қарши курашиш соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция, Бутунжаҳон антидопинг кодекси ва бошқа халқаро антидопинг стандартлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Бутунжаҳон допингга қарши агентлигининг тавсия ва таклифларини инobatга олиб:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг:

Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сонини 2 бараварга кўпайтириш;

2021 йил 1 апрелдан бошлаб Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Агентлик ходимларининг лавозим маошларини белгилашда тариф коэффицентларини 1,5 баравар миқдорда қўллаш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 апрелда эълон қилинган.

Агентлик бош директорини мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлигининг янгиланган тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик бош директорига Агентликнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Агентлик (Н. Турсунов):

а) Бутунжаҳон допингга қарши агентлигининг талабларидан келиб чиқиб бир ой муддатда:

тақиқланган моддалардан фойдаланиш борасида спортчиларнинг ариза ва ҳужжатларини ўрганиб, хулоса чиқариш билан шуғулланадиган Терапевтик истисно бўйича комиссия;

антидопинг қоидалари бузилиши ҳолатларини ўрганиб, қарор чиқариш билан шуғулланадиган Ахлоқ бўйича комиссия;

Терапевтик истисно бўйича комиссия хулосаси ва Ахлоқ бўйича комиссия қароридан норози томоннинг аризасини ўрганиб, қарор чиқариш билан шуғулланадиган Апелляция бўйича комиссия фаолиятларини самарали ташкил қилсин, уларни малакали мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

б) икки ҳафта муддатда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини Бутунжаҳон допингга қарши агентлигига етказиш чораларини кўрсин.

4. Молия вазирлиги (Т. Ишметов):

Агентлик марказий аппарати учун 2 та махсус автотранспорт воситасини харид қилиш ва сақлаш учун лимит ажратсин;

ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Агентлик харажатлари учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича 2021 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин ва 2022 йилдан бошлаб зарур бюджет маблағларини кўзда тутсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Агентликни зарур шарт-шароитларга эга бўлган бинога жойлаштириш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 апрель,
ПҚ-5057-сон

* 1-2-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**170 Кинематография соҳасида давлат бoshқаруви тизими такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги «Кино санъати ва саноатини янги bosқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6202-сон Фармониға мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳузурида:

а) қўйидагилар ташкил этилсин:

Ўзбекистон Кинематография академияси олий таълим муассасаси;

«Республика кинофонди» ДУК негизида бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган «Ўзбекистон миллий кинофонди» давлат муассасаси;

«Ўзбекфильм» ДУК негизида хусусий кинокомпанияларға фильм, мультфильм ва сериаллар яратиш бўйича хизмат кўрсатувчи «Ўзбекфильм» киноконцерни» ДУК;

Агентликнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари;

б) қўйидагилар тугатилсин:

«Мультипликацион фильмлар студияси» ДУК;

«Республика кинопрокат маркази» ДУК ва унинг ҳудудий филиаллари;

«Кинематографчилар уйи» ДУК;

«Киноиндустрия соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази» ДУК;

в) «Ёшлар ижодий тажриба студияси» ДУК «Ёшлик» киностудияси» ДУК этиб қайта номлансин.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловаға** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловаға** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигининг «Қорақалпоқкино» агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмалари 3-иловаға** мувофиқ;

«Ўзбекистон миллий кинофонди» давлат муассасасининг тузилмаси 4-иловаға** мувофиқ;

2021-2022 йилларда миллий кинематография соҳасини ривожлантириш «Йўл харитаси» 5-иловаға** мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 апрелда эълон қилинган.

** 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Агентлик Бош директорига, зарур ҳолларда, Агентликнинг марказий аппарати, тизим ташкилотлари ҳамда «Қорақалпоқкино» агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси (А.А. Абдухакимов) бир ой муддатда Агентлик марказий аппарати ва унинг тизим ташкилотлари раҳбар ва ходимларини уларнинг билим ва салоҳиятлари бугунги кун талаблари ва эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аттестациядан ўтказсин ҳамда уларни малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

молиялаштириш манбаидан қатъи назар маҳаллий кинокомпаниялар томонидан ишлаб чиқарилган фильмлар ва уларнинг бошланғич материаллари, шунингдек, республикада амалга оширилаётган йирик лойиҳалар бўйича тайёрланган видео ва фото материаллар сақлаш учун бир нусхада Ўзбекистон миллий кинофондига топширилади;

мазкур қарорга мувофиқ тугатилаётган унитар корхоналарнинг қолдиқ маблағлари, уларга тегишли бино (иншоот)лар ва моддий-техника базаси Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳисобига ўтказилади.

5. Агентлик ва «Danpon group» компанияси (Дания Қироллиги) ўртасида 2020 йил 8 октябрда кино ишлаб чиқариш қурилмалари, технологик тизимлар ва мультимедиа маҳсулотларини харид қилиш бўйича танлов савдолари асосида импорт шартномаси имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиги уч ой муддатда имзоланган импорт шартномасининг олдиндан 15 фоиз тўловини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплашишни таъминласин. Бунда, импорт шартномаси ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари доирасида рўйхатдан ўтказилади.

Импорт шартномасининг қолган 85 фоиз тўловини қоплаш учун «Ўзмиллийбанк» АЖ Австриянинг «Райффайзенбанк» банкидан 5 йил муддатга, шу жумладан 1 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 0,8 фоиз ставкада жалб қилинадиган кредит линияси ҳисобидан кредит маблағларини ажратсин ва кредит бўйича «Ўзмиллийбанк» АЖнинг маржасини 1 фоиздан оширмаган ҳолда белгиласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Австриянинг «Райффайзенбанк» банки кредити бўйича асосий қарзни қоплаш, фоиз, суғурта ва комиссиялар бўйича тўловлар Молия вазирлиги Ҳазначилигида очиладиган махсус ҳисоб рақамда тўпланадиган сотиб олинган кино қурилмаларидан фойдаланишдан тушадиган пул маблағлари, етмай қолган қисми эса Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади;

кредитнинг импорт шартномасига асосан сотиб олинаётган кино қурилмалари билан қопланмаган қисми бўйича «Ўзмиллийбанк» АЖ томонидан таъминот сифатида гаров расмийлаштирилмайди;

импорт шартномаси бўйича харид қилинадиган кино қурилмалари, тех-

нологик тизимлар ва мультимедиа маҳсулотлари «Ўзбекфильм» киноконцерни» ДУКнинг моддий-техник базасини кучайтириш учун йўналтирилади.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК кино ишлаб чиқариш қурилмалари, технологик тизимлар ва мультимедиа маҳсулотларини сотиб олиш бўйича имзоланган импорт шартномасини бевосита товар ишлаб чиқарувчиларнинг нархлари асосида экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

8. Агентлик икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этиш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Бош вазир ўринбосари А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 7 апрель,
ПҚ-5060-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

171 Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида*

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар натижасида барча соҳалар қатори диний-маърифий ҳаётимизда ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Муқаддас динимизнинг тинчлик, дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик ғояларини, ислом цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ аجدодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларни шу руҳда соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасида кенг имкониятлар очилмоқда.

Айниқса, юртимиз мўмин-мусулмонлари халқимиз учун асрлар давомида эзгулик, меҳр-оқибат ва хайру саховат рамзи бўлиб келган муқаддас Рама-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 апрелда эълон қилинган.

зон ойини катта шоду хуррамлик ва шукроналик билан кутиб олиб, эзгу амалларни адо этмоқдалар.

Ушбу муборак ойнинг жамиятимиз ҳаётида тинчлик-барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг диний-маънавий қадриятларини асраш ва ривожлантириш борасидаги аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда уни ҳар томонлама муносиб ўтказиш мақсадида:

1. 2021 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 13 апрель кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб ҳолда ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъозлаш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, азалий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тарғибот тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 8 апрель,
ПҚ-5062-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**172** Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Бугунги кунда энергия ресурсларига бўлган талаб таркибий жиҳатдан ўзгармоқда, хусусан углеводород ресурсларидан қайта тикланувчи манбаларга ўтишда водород энергетикасини ривожлантириш долзарб масалага айланмоқда.

Шу билан бирга, соҳа ҳолатининг таҳлили иқлим ўзгариши шароитида республикада самарали, ресурстежамкор ва экологик хавфсиз иқтисодиётни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, жадаллашаётган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ўсиши иқтисодиётнинг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширмоқда, шунингдек, атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирни кучайтирмоқда.

Республиканинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва водород энергетикасини барқарор ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан ушбу соҳанинг илмий салоҳиятини кучайтириш талаб этилади.

Республикада водород энергетикаси инфратузилмасини барпо этиш, қайта тикланувчи ва водород энергетикаси соҳаларида илмий ва амалий изланишларнинг натижадорлигини ошириш, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишини таъминлаш мақсадида:

1. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг:

Фанлар академиясининг «Халқаро қуёш энергияси институти» МЧЖ негизда Энергетика вазирлиги ҳузурида Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институтини (кейинги ўринларда — Институт);

Институт тузилмасида Водород энергетикаси илмий-тадқиқот марказини ҳамда Қайта тикланувчи ва водород энергетикаси технологияларини синаш ва сертификатлаш лабораториясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловага** мувофиқ таркибда тузилсин ва унга қуйидаги вазифалар юклансин:

Институт фаолиятининг ташкил этилишини мувофиқлаштириш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 апрелда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича миллий стратегия ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни, шунингдек ушбу соҳалардаги истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

қайта тикланувчи ва водород энергетикаси соҳаларида зарур тадқиқотлар ўтказиш ҳамда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларида вазирлик ва идораларга кўмаклашиш;

қайта тикланувчи ва водород энергетикаси соҳаларида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий-техникавий лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш.

3. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва водород энергетикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантириш, ушбу соҳаларда фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш ҳамда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

қайта тикланувчи энергия манбалари ва водороддан олинган энергияни электр ҳамда иссиқлик энергиясига айлантириш ҳисобига улардан иқтисодиётнинг юқори технологик соҳалари ва тармоқларида самарали фойдаланиш усулларини ўрганиш ва жорий этиш;

қайта тикланувчи энергия ва водородни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва (ёки) уларни халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар талабларига мослаштириш;

илғор давлатларнинг мазкур соҳалардаги илмий муассасалари, марказлари ҳамда экспертлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва улар иштирокида тадқиқотларни ташкил қилиш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларда иштирок этиш;

маҳаллий ва хорижий олий таълим ташкилотлари билан биргаликда илмий изланишдан ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни ўзаро боғловчи яхлит тизимни шакллантириш ва юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш;

қайта тикланувчи энергия манбалари ва водородни ишлаб чиқарувчи, улардан фойдаланувчи ҳамда ушбу турдаги энергия билан ишловчи ускуна, қурилма ва технологияларни синовдан ўтказиш ва сертификатлаш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Институт давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз мустақил балансига, шахсий ғазна ва банк ҳисобварақларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади;

Институт ходимларига Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

Институт тугатилаётган «Халқаро қуёш энергияси институти» МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар, Чингиз Айтматов кўчаси, 2Б-уй, 2-корпус манзилидаги мавжуд ҳамда янгидан қуриладиган бино ва иншоотларда жойлаштирилади;

«Халқаро қуёш энергияси институти» МЧЖнинг тугатилиши пайтида Институтга ўтказиладиган мулклар, мулкӣ ҳуқуқлар, хусусан акциялар ва устав капиталларидаги тегишли улушларнинг қиймати барча турдаги солиқлар бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;

Институт «Халқаро қуёш энергияси институти» МЧЖнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқӣ вориси ҳисобланади.

5. Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмӣ-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда Институт фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

а) Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов):

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов), Фанлар академияси (С.З. Мирзаев) ҳамда Иқтисодӣ тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К. Абдиназаров) билан биргаликда бир ой муддатда Институтни жиҳозлаш учун зарур бўлган замонавий лаборатория асбоб-ускуналари, технологик қурилмалар, реагентлар, бутловчи қисмлар, инвентарлар, автотранспорт воситалари, махсус техника ҳамда дастурий таъминотлар рўйхатини шакллантирсин ҳамда белгиланган тартибда Иқтисодӣ тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда экспертизадан ўтказсин;

2021 йилда Институт фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан унинг моддий-техник базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, шакллантирилган рўйхатга мувофиқ товарларни харид қилиш, Институт биносини таъмирлаш, белгиланаётган йўналишларда тадқиқотларни жадаллаштириш, инновацияларни кенг жорий қилиш, етакчи хорижий олимларни тадқиқотларга жалб қилиш, ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Энергетика вазирлигининг бюджетдан ташқари Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 50 млрд сўмгача маблағларни ажратсин;

б) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳар йилги тасдиқланадиган харажатлар параметрларида Институт фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

7. Энергетика вазирлига:

зарур бўлганда, Институт ходимларининг белгиланган умумӣ сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида унинг тузилмасига ўзгартириш киритиш;

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Институт йўналишларини кенгайтиришга боғлиқ равишда Институт ходимларининг умумий сонини ошириш ҳуқуқи берилсин.

Бунда, Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов) Институт фаолиятига қайта тикланувчи ва водород энергетикаси соҳасида амалий ишланмаларни яратишга қаратилган илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишда ва бошқа устувор вазифаларни бажаришда аутсорсинг механизмлари доимий равишда жорий этилишини таъминласин.

8. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ўтказиладиган танловлар натижаларига кўра ажратиладиган маблағлар;

Энергетика вазирлигининг бюджетдан ташқари Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси маблағлари;

республика ва халқаро молия ташкилотларининг техник кўмаклари ва грантлари;

Институт томонидан шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов), «Эл-юрт умиди» жамғармаси (А.Ш. Бекмуродов), Фанлар академияси (С.З. Мирзаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (У.Ш. Бегимкулов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К. Абдиназаров) билан биргаликда Институтнинг илмий ва илмий-техник ходимларининг, шунингдек, республикада ушбу соҳаларда фаолият юритаётган ёш олим ва мутахассисларнинг ривожланган хорижий давлатлардаги етакчи илмий марказларда белгиланган тартибда илмий стажировкадан ўтишини молиялаштиришни таъминласин.

10. Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов):

икки ой муддатда Институтнинг устави, унинг молиявий-иқтисодий фаолият кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, тузилмаси ҳамда Институт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тартиби ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини;

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К. Абдиназаров) билан биргаликда 2021 йил якунига қадар Қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича миллий стратегия ишлаб чиқилишини ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги

(И.И. Норкулов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошкуллов) ҳамда Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов) билан биргаликда:

бир ой муддатда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети бакалавриятининг «Муқобил энергия манбалари» (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича қабул параметрларини водород энергетикаси йўналишида мутахассисларни тайёрлашни назарда тутган ҳолда ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетиде «Водород энергетикаси ва технологиялари» магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов), манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатда водород энергетикасининг ривожланиши ҳолати бўйича йиллик ҳисоботни тайёрлаш ва «InnoWeek.uz» инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида унинг тақдиротини ўтказиш амалиётини жорий этсин;

икки ой муддатда 2021 йилда Тошкент шаҳрида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро экспертлар, хорижий тадқиқот марказлари ҳамда технологик ускуналарни ишлаб чиқарувчи компаниялар иштирокида муқобил энергия манбаларини қўллаш масалаларига доир халқаро конференцияни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда амалга оширсин.

13. Энергетика вазирлиги (А.С. Султанов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х. Камиллов) ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) билан биргаликда Энергетика вазирлиги ва «ACWA Power» (Саудия Арабистони), «Air Products» (АҚШ) ўртасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш бўйича тузилган очиқ келишувга мувофиқ «ACWA Power», «Air Products» ва бошқа етакчи компанияларнинг инвестициялари ва илмий ходимларини Институтнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва халқаро даражадаги инновацион изланишларни кенгайтириш ишларига жалб қилсин.

14. «Ўзстандарт» агентлиги (Д.Н. Саттаров) белгиланган тартибда Институт лабораторияларининг аккредитациядан ўтказилишини таъминласин ҳамда кейинчалик ушбу лабораториялар аккредитация соҳасидаги халқаро стандартлар ва қоидалар талабларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро миқёсда эътироф этилган аккредитация органларида аккредитациядан ўтишига қўмақлашсин.

15. Институтнинг моддий-техник базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган олиб кириладиган ускуналар, технологик қурилмалар ва жиҳозлар, моддий-техника воситалари, дастурий таъминот ва хизматлар божхона божларидан озод қилинсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4142-сон қарорига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга шахсий жавобгар этиб инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов ва энергетика вазири А.С. Султанов белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 апрель,
ПҚ-5063-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 9 апрелдаги
ПҚ-5063-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги «Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1929-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 1 мартдаги ПҚ-1929-сон қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-2804-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 сентябрдаги «Халқаро қуёш энергияси институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 265-сон қарори.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**173** II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёр-
гарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлан-
тириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида*

Бахшичилик санъатини республика ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш, Халқаро бахшичилик санъати фестивалини республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида мавжуд бўлган ўзига хос ижро услублари асосида ижодий мактабларни «устоз-шоғирд» анъаналари асосида қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йилда Нукус шаҳрида II Халқаро бахшичилик санъати фестивалини (кейинги ўринларда — Фестиваль) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ–3990-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (А.Н. Арипов):

а) Фестивални Қорақалпоғистон Республикасида юқори ташкилий даража ва бадиий савияда ўтказиш бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга оширсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда:

Халқаро бахшичилик санъати фестивалини келгусида босқичма-босқич республиканинг бошқа ҳудудларида ўтказиш чораларини кўрсин;

санитария-эпидемиологик вазиятни инобатга олган ҳолда жорий йилдаги Фестиваль ҳамда келгусидаги Халқаро бахшичилик санъати фестивалларини ўтказиш муддатини белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 апрель,
ПҚ–5070-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 10 апрелдаги
ПҚ-5070-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-3990-сон қарорига:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Маданият вазирлиги ва Фанлар академиясининг ҳар икки йилда бир марта Халқаро бахшичилик санъати фестивалини (кейинги ўринларда — Фестиваль) ташкил этиш ҳамда ушбу фестивални биринчи марта 2019 йилнинг 5 — 10 апрель кунлари Термиз шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин»;

б) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Маданият вазирлиги ҳамда Фестиваль ўтказиладиган ҳудуд ҳокимлиги Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул этиб белгилансин»;

в) 8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Термиз шаҳридаги «Сурхондарё санъат саройи» давлат муассасаси майдони ҳудудида» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 9-банддаги «, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Белгилаб қўйилсинки, Фестивални тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Фестивални ўтказиш белгиланган ҳудуднинг маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда ҳамда ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4730-сон қарорига:

а) 1-илова «Ўзбекистон давлат филармонияси» давлат муассасаси» блокидан кейин «Ўзбекистон давлат симфоник оркестри» давлат муассасаси» блоки билан тўлдирилсин;

б) 2-илованинг «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси, Ўзбекистон давлат филармонияси, Халқаро фестиваллар дирекцияси, «Халқлар дўстлиги» санъат саройи, Ислом Каримов номидаги Фарғона вилояти театр ва концерт саройи, «Сурхондарё санъат саройи» давлат муассасаси, Республика бахшичилик санъати маркази, Ўзбек миллий мақом санъати маркази, давлат театрлари, театр студиялари, Ўзбек давлат цирки, кўзи

ожизлар кутубхоналари, давлат музейлари, музей-қўриқхоналар, уй музейлари» блокада «Ўзбекистон давлат филармонияси,» сўзларидан кейин «Ўзбекистон давлат симфоник оркестри» давлат муассасаси» сўзлари билан тўлдирилсин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

174 Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4804-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки, 2021 йил 10 апрелдан бошлаб:

а) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи «Ишга марҳамат» мономаркази масъулияти чекланган жамияти Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономаркази давлат муассасаси этиб қайта ташкил этилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4804-сон қарорига (кейинги ўринларда — Қарор) мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Ишга марҳамат» мономарказлари давлат муассасалари шаклида ташкил этилади. Бунда:

Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономаркази бош муассаса сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган «Ишга марҳамат» мономарказларига ўқув-методик жиҳатдан раҳбарлик қилади, улар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, жумладан, касб-ҳунарга, тадбиркорлик кўникмаларига, хорижий тилларга ўқитиш, ички ва ташқи меҳнат бозорида бандликка кўмаклашиш, касбий малакани баҳолаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради;

«Ишга марҳамат» мономарказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, улар учун касб-ҳунар, хорижий тиллар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш бўйича ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш мақсадида Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономаркази тузилмаси-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 апрелда эълон қилинган.

да 10 та штат бирлигидан иборат бўлган «Ишга марҳамат» мономарказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўқув-методик таъминлаш бошқармаси ташкил этилади.

2. Қуйидаги таълим муассасаларининг бино ва иншоотлари оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига икки ҳафта муддатда берилсин:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Нукус коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг бир қисми ва Ангор политехника касб-ҳунар коллежи;

Транспорт вазирлигининг Андижон транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг бир қисми;

Наманган вилояти ҳокимлиги оператив бошқарувидаги собиқ «Карбонам» масъулияти чекланган жамиятининг бино ва иншоотлари.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудларда ташкил этилаётган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш масканларига берилаётган бино ва иншоотларни (ёки уларнинг бир қисмини) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг касб-ҳунарга ўқитиш марказларига текин фойдаланиш учун ажратсин ҳамда зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

4. Қуйидагилар:

«Ишга марҳамат» мономарказларининг мақоми, мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш ҳамда молиялаштириш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ишга марҳамат» мономарказлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

касб-ҳунарга ўқитиш марказлари мақоми, мақсади ва асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, шунингдек, уларни молиялаштириш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг касб-ҳунарга ўқитиш марказлари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

ишсиз ҳамда иш қидираётган шахсларни меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари асосида касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тартибини назарда тутувчи Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш муассасаларининг аҳоли бандлигини таъминлашда иштирокини қўллаб-қувватлаш тартибини назарда тутувчи «Энг яхши касбга тайёрлаш дастури» бўйича нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида очиқ танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларини сақлаш, қайта таъмирлаш, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталарининг иш ҳақларини тўлаш

учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 2020 йил учун ажратиладиган маблағларга кўшимча равишда 150 млрд сўм маблағ ажратилганлиги инобатга олинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларини қуриш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари буюртмачиси ҳисобланади, шунингдек қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

«Ишга марҳамат» мономарказлари ўқув жараёнида фойдаланиши учун асбоб-ускуна ва жиҳозлар Ишчи касбларни оммалаштириш ва ривожлантириш ассоциацияси (WorldSkills Uzbekistan) талаблари асосида (WorldSkills стандартлари асосида) белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан харид қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги 2021 йил августга қадар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан «Энг яхши касбга тайёрлаш дастури» бўйича нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида ўтказиладиган очиқ танловларни шаффофлик ва ҳолислик тамойилларига асосан баҳолаш, грантлар ижросини мониторинг қилиш ҳамда натижадорлигини аниқлашни «онлайн» режимда амалга ошириш имконини берувчи электрон дастурий таъминот ишлаб чиқилишини таъминласин.

Бунда «Энг яхши касбга тайёрлаш дастури» бўйича нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида очиқ танлов ўтказиш ишлари ушбу қарор билан ташкил этилган Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўргатиш ва уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи томонидан мувофиқлаштирилади.

Белгилансинки:

танлов ташкилотчилари танлов ғолиблари аниқлангандан кейин уч кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига танлов ғолиблари тўғрисидаги маълумотни тақдим этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари танлов ғолибларини улар томонидан бино ва иншоотга зарурат бўлган тақдирда, ўн беш кун муддатда ижара тўловлари бевосита танлов ғолиби томонидан тўланиши шарти билан мақбул шарт-шароитларга эга бинолар билан таъминлаш чораларини кўради;

танлов ғолибларига грант ажратиш билан боғлиқ харажатлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

а) жамоат ишларида, шунингдек, бандликни таъминлаш бўйича субсидия ажратилишида шаффофликни таъминлаш, суиистеъмолликларнинг ол-

дини олиш мақсадида жамоат ишларида иштирок этаётган ва бандликни рағбатлантирувчи субсидиялар ажратилаётган фуқароларнинг биометрик авторизация ҳамда GPS-треккинг тизимларини жорий этиш;

б) меҳнат органларига мурожаат этаётган, айниқса, ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар, чет элдан қайтиб келаётган меҳнат мигрантларини меҳнат бозорига мослаштириш (реинтеграция қилиш), жумладан, улар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиш асосида ижтимоий, психологик ва бошқа синаб кўриш усулларида фойдаланган ҳолда ҳар бир шахснинг соғлигини, касбий қизиқишини, қобилиятини, шахсий хусусиятларини ўрганиб, касб-хунарга мойиллигини аниқлаш, иш берувчи билан суҳбатга тайёрлаш, меҳнат жамоасида ишлаш кўникмаларига ўргатиш, меҳнат фаоллигини оширишга рағбатлантириш мақсадида аутсорсинг шартларида психолог мутахассисларни жалб этиш;

психолог мутахассислар меҳнатига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаш;

в) 2021 йил 1 майга қадар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларини ишга жойлаштиришга йўлланма берилаётган ишсизларнинг электрон анкетаси ва шахсий резюмеини шакллантириш мақсадида зарур жиҳоз ва мосламалар (рақамли фотокамера ва планшет) билан таъминлаш;

г) мазкур банднинг «а» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган жиҳоз ва мосламаларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириш.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ҳудудда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда вақтинча яшаш жойига эга бўлган фуқаролар ушбу ҳудудда жойлашган меҳнат органи томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиниши мумкин. Бунда уларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда иш қидираётган шахсларга тақдим этиладиган барча бандлик хизматлари тури ва шаклидан қатъи назар, кўрсатилади ҳамда унинг харажатлари хизмат кўрсатаётган меҳнат органларининг харажатлар сметасида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг мазкур мақсадлар учун назарда тутилган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

меҳнат органлари томонидан иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдаги ҳамда вақтинча яшаш жойига эга бўлган фуқароларни тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш қонунчилик ҳужжатлари ҳамда мазкур қарорда белгиланган тартибда амалга оширилади;

меҳнат органлари томонидан иш қидираётган ва ишсиз шахс сифатида рўйхатга олинган шахсларни ишга жойлаштириш 5-иловага* мувофиқ шакллардаги ишга жойлаштиришга доир йўлланма ва ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан мурожаатнома бериш орқали амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазир-

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лиги 2021 йил 1 майга қадар меҳнат органлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини мониторинг қилиш мақсадида Вазирлик марказий аппарати ҳузурида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари фаолиятини видеокузатув камералари ва «abkm.mehnat.uz» тизими орқали доимий назорат қилиш имконини берувчи Ситуацион тезкор марказни ташкил этсин. Бунда:

а) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги «Меҳнат соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш маркази» масъулияти чекланган жамияти Ситуацион тезкор марказ фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун масъул этиб белгилансин;

б) Ситуацион тезкор марказни ташкил этиш ва керакли ускуналарни харид қилиш Жаҳон банкининг «Ўзбекистонда ижтимоий химоя тизимини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида жалб этилаётган кредитлар ҳисобидан амалга оширилсин;

в) қуйидагилар Ситуацион тезкор марказнинг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний ва юридик шахсларга бандлик соҳасида хизматлар кўрсатишда шаффоф тизимни яратиш;

аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш;

соҳада юзага келиши мумкин бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар бўйича маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, жамлаш ва таҳлил қилиш;

аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан кўрсатилган хизматларни фуқаролар томонидан баҳолаш имкониятини яратиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 апрель,
183-сон

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг
«Ишга марҳамат» мономарказлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ишга марҳамат» мономарказлари (кейинги ўринларда — мономарказ) мақоми, мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мономарказлар ишсиз ва иш қидираётган шахсларга хизмат кўрсатувчи давлат муассасаси ҳисобланади.

Мономарказлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи мономарказлари тизимидан иборат.

3. Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономаркази бош муассаса сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган мономарказларга ўқув-методик жиҳатдан раҳбарлик қилади, улар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, жумладан, касб-хунарга, тадбиркорлик кўникмаларига, хорижий тилларга ўқитиш, касбий малакани баҳолаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради.

4. Мономарказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, улар учун касб-хунар, хорижий тиллар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш бўйича ўқув-методик материаллар Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономаркази таркибидаги мономарказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўқув-методик таъминлаш бошқармаси томонидан ишлаб чиқилади.

5. Мономарказларнинг ходимлари малакасини оширишни ташкил этиш Вазирлик тизимидаги меҳнат органлари ходимлари малакасини ошириш республика курсларида амалга оширилади. Бунда Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономаркази ходимлари малака ошириш жараёнига жалб этилади ва малака ошириш жараёнида амалиёт машғулоти Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида олиб борилади.

6. Мономарказлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Вазирликнинг қарорларига, мазкур Низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ўз уставига амал қилади.

7. Мономарказлар устави Вазирлик томонидан тасдиқланади.

8. Мономарказларни моддий-техник таъминлаш ва сақлаш харажатла-

ри Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Давлат жамғармаси) маблағлари, хўжалик фаолияти натижасида тушган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

9. Мономарказларнинг таркибий тузилмаси, штатлар жадвали, раҳбар, ўқитувчи ва бошқа ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Бунда Тошкент шаҳар «Ишга марҳамат» мономарказининг амалдаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизими сақлаб қолинади ҳамда янгидан ташкил этилаётган «Ишга марҳамат» мономарказлари ходимларига ҳам татбиқ этилади.

10. Мономарказлар фаолияти ҳудудий жихатдан тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар бандлик бош бошқармалари томонидан мувофиқлаштирилади.

11. Мономарказларнинг ўқув-методик фаолияти Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган тартибда мувофиқлаштирилади.

12. Мономарказлар юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансига, алоҳида мол-мулкига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампга, давлат намунасидаги бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигида, шу жумладан, хорижий валютадаги ва бошқа ҳисобварақларига, реквизицларига эга бўлади, ўз номидан шартномалар тузади, мулкӣ ёки шахсий номулкӣ ҳуқуқларни амалга оширади, юкланган мажбуриятларни бажаради ҳамда суд, арбитраж органларида даъвогар ва жавобгар бўлади.

2-боб. Мономарказларининг мақсадлари ва вазифалари

13. Мономарказларининг асосий мақсади ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-ҳунарга, тадбиркорликка ва хорижий тилларга ўқитиш, шунингдек, белгиланган тартибда хорижга вақтинча ишга жойлашиш учун кетаётган фуқароларни олдиндан мослаштириш, шу жумладан, уларни касб-ҳунар, тадбиркорлик ва чет тилларига ўқитишдан иборат.

14. Қўйидагилар мономарказларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

банд бўлмаган аҳолини сервис ва хизмат кўрсатиш, техника, умумқурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳалари, рақамли технологиялар бўйича ҳамда ички ва ташқи меҳнат бозорида талаб юқори бўлган бошқа касбларга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш;

хорижий тилларга ўқитиш;

тадбиркорлик асослари ва молиявий саводхонликка ўқитиш;

ишчи касбларини ривожлантириш ва оммалаштириш;

хорижий иш берувчиларнинг талабларига асосан ишчи кучини тайёрлаш;

касб фаолиятини амалга ошириш учун талаб қилинадиган билимлар,

маҳорат, малака ва кўникмалар, шахсий ва касбий билим ва кўникмаларни баҳолаш;

хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширмоқчи бўлган фуқароларни касб-хунарга ва хорижий тилларга ўқитиш, улар билан олдиндан мослаштириш тадбирларини амалга ошириш, хорижда ишлаш учун талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун мономарказлар томонидан хорижий тажрибага, касб-хунарга, тадбиркорлик кўникмаларига ва хорижий тилларга ўқитишнинг инновацион технологияларини жорий этиш, жумладан:

мономарказларда касб-хунарга ўқитиш жараёнига юқори малакали ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталарини жалб этиш, зарур ҳолларда WorldSkills ва бошқа халқаро стандартларга асосан уларнинг малакасини ошириб боришни таъминлаш;

ишсиз ва иш қидираётган шахсларни меҳнат бозорининг жорий ҳамда истиқболдаги эҳтиёжлари асосида қисқа муддатларда замонавий касбий кўникмаларга ўқитишнинг самарали инновацион дастурларини ишлаб чиқиш;

мономарказлар битирувчиларининг касбий малакасини миллий ва WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш, шунингдек, баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга мамлакат ҳудудида ва халқаро даражада тан олинадиган Skills паспорти берилишини йўлга қўйиш ва уларни Тасдиқланган малакага эга шахслар миллий реестрига ўрнатилган тартибда киритиш;

касб-хунарга ўқитиш ва билим ва кўникмаларни баҳолашга доир турли танловлар ўтказиш, WorldSkills стандартлари асосида ишчи касблар бўйича миллий ва минтақавий чемпионатларни ўтказиш;

таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган, ҳудудларнинг асосан қишлоқ ва чекка жойлари, чегара ҳудудларини қамраб олган ҳолда ишсиз ва иш қидираётган шахслар, айниқса, камбағал фуқаролар, ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга, хорижий тиллар ёки тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни зиммасига олган, ўқув дастури ва қўлланмаларига эга, ўқиш жараёнида ахборот-коммуникация воситаларидан ва инновацион ўқитиш услубларидан кенг фойдаланадиган нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари билан ҳамкорлик қилиш;

банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашга доир ҳудудий ва тармоқ дастурларини амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этиш;

ўз ваколатлари доирасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

аҳолини мономарказларда касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, тадбиркорлик асосларига ва хорижий тилларга ўқитиш, билим ва кўникмаларни баҳолаш, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва хорижга вақтинча ишга жойлашиш учун кетаётган фуқароларни тайёрлаш масалалари бўйича оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда мунтазам тарғибот-ташвиқот ва ахборот-тушунтириш тадбирлари амалга оширилади.

3-боб. Мономарказларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

15. Мономарказлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз номидан ваколати доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар, келишувлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар тузиш;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган ва ушбу Низомга зид бўлмаган фаолият турларини амалга ошириш;

ўқитиш сифати, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, ходимларнинг бошқа тоифаларининг меҳнат фаолияти самарадорлигини ва рақобатбардошлигини ошириш, соҳага илғор меҳнат, ўқув-методик тажрибаларни жорий этиш мақсадида турли танловлар, тадбирлар, реклама фаолияти, оммавий-ахборот воситаларида кўрсатувлар, эшиттиришлар, чиқишлар ташкил қилиш;

бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш мақсадида ўқув жараёнлари давомида тайёрланган маҳсулотларни (товар, иш, хизматларни) сотиш;

ўқув жараёнига хорижий мутахассисларни жалб этиш;

ўқувчиларга халқаро даражадаги сертификатни (гувоҳнома, диплом ва бошқа ҳужжатлар) бериш;

ўқув жараёнида ишлаб чиқарилган ярим тайёр, тайёр маҳсулотларни (товар, иш, хизматларни) ўз ҳудудида жойлашган кўргазмали павильонлар ва ярмаркалар ҳамда электрон тижорат орқали намойиш қилиш ва сотиш (тушган маблағларни ўқув жараёни учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва хом ашё материалларини харид қилиш, ходимлар малакасини ошириш ва уларни рағбатлантириш учун сарфлашга йўналтириш шарти билан);

ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушган маблағларни аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш бўйича моддий-техник базани ривожлантиришга ва ўқитиш жараёнини замонавий ўқув-техник воситалар, мебеллар билан жиҳозлашга, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга ва уларнинг фаолият самарадорлигини оширишни рағбатлантиришга сарфлаш;

мономарказларда ҳудудий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олинган ишсиз ва иш қидираётган шахслар, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда «lbr-migrtin» дастурий мажмуасида рўйхатга олинган фуқароларни Давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш буюртмачи ҳамда ўқув маркази ўртасида белгиланган тартибда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш асосида амалга оширилади.

Давлат жамғармаси ва ўз маблағларидан самарали фойдаланиши ҳамда маблағ билан таъминлашнинг муқобил манбаларини, шу жумладан, ташкилотлар ўз маблағларини, ҳомий хайриялари, хорижий инвестицияларни жалб этиши мумкин.

Мономарказлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Мономарказлар:

қонунчилик ҳужжатлари, Вазирликнинг ҳужжатлари ва топшириқларида белгиланган вазифаларни бажариши;

ишсиз ва камбағал аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш учун олти ойдан ошмайдиган ўқитишни ташкил этиши ҳамда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш борасида Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби билан ҳамкорликда фаолият олиб бориши;

фуқароларни илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий касб стандартлари, ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқа ўқув-методик материаллар асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитиши;

хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқитувчилар ва муҳандис-усталар малакасини илғор хорижий тажрибалар асосида мунтазам ошириб бориши;

меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб берадиган ўқув ва меҳнат шароитларини яратиши мумкин.

Мономарказлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

4-боб. Мономарказларни бошқариш

17. Мономарказга Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан (тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари бошлиқлари тавсиясига кўра) лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

Мономарказ директорининг Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

18. Директор:

мономарказ фаолиятига раҳбарлик қилади ва зиммасига юкланган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўринбосарлари ваколатларини ўрнатилган тартибда белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, мономарказ таркибий бўлинмалари раҳбарлари ваколатларини, уларнинг фаолият учун жавобгарлигини белгилайди;

қонунчилик ҳужжатларига асосан мономарказ номидан иш олиб боради, барча ташкилотларда унинг вакили сифатида қатнашади, шартномалар тузади, ишончномалар беради;

мономарказ таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди; мономарказ таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

мономарказ ўқитувчилари, муҳандис-усталари ва бошқа ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

мономарказ ходимлари ва ўқувчилари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

мономарказнинг ташкилий ва молиявий фаолияти масалаларини ҳал қилади;

мономарказнинг мол-мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилади;

нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини ташкил этаётган хусусий инвесторларга давлат ёрдами сифатида кўрсатиш мақсадида нодавлат касб-хунарга ўқитиш ташкилотларини ташкил этиш учун мономарказнинг бинолари ёки уларнинг бир қисмини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига кўра бўш турган бошқа бинолар ёки уларнинг бир қисмини оператив бошқарувга ёки узок муддатли имтиёзли ижарага беради;

мономарказнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

меҳнат фаолиятида эришган ютуқлари учун асосий иш ҳақиға устама ва қўшимча ҳақлар белгилаш орқали мономарказ ўқитувчилари, муҳандис-усталари ва бошқа ходимларини Давлат жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан рағбатлантириш масалаларини ҳал этади;

меҳнат қонунчилигига асосан ходимларга жамоа шартномаси ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлиги учун интизомий жазо чораларини белгилайди.

5-боб. Мономарказларнинг тузилиши

19. Мономарказларининг ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвали қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилади, тасдиқланади ҳамда рўйхатдан ўтказилади.

20. Мономарказлар фаолиятига тааллуқли илмий ва ўқув-методик масалаларни кўриб чиқиш учун директор ҳузурида коллегиял орган ҳисобланган Ўқув-методик кенгаш (кейинги ўринларда — Кенгаш) ташкил этилади.

Кенгаш таркиби директор томонидан тасдиқланади. Директор Кенгаш раиси ҳисобланади. Кенгаш таркибига Вазирлик тизимининг тажрибали ходимлари, ҳамкор ташкилотларнинг мутасадди вакиллари, Мономарказ директори ўринбосарлари, таркибий бўлинмалари раҳбарлари, Кенгаш котиби, тажрибали ўқитувчилар ва муҳандис-усталар қиради.

21. Кенгаш:

йиллик иш режасини ва бошқа тегишли ҳужжатларни тасдиқлайди;

бюджетдан ташқари маблағлар тушуми ва сарф-харажат ҳисоботларини кўриб чиқади;

ўқув-методик жараёнини ташкил этиш, моддий-техник базадан унумли фойдаланиш масалаларини кўриб чиқади;

устахоналар, ўқув хоналари, бинолар ва жиҳозларнинг санитария-гигиеник ҳолати, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш, ходим-

лар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини муҳокама қилади ва тегишли қарорлар қабул қилади;

фуқароларни ўқишга қабул қилиш, касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда касбий малакани баҳолаш жараёни, битирув малака имтиҳонларини топшириш ва касб-хунарга ўқитишни яқунлаш юзасидан тегишли бўлинмалар раҳбарлари, ўқитувчилар ва муҳандис-усталар ҳисоботларини эшитади;

директор ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, ўқитувчилар, муҳандис-усталар ва бошқа ходимлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни эшитади;

касб-хунарга ўқитишнинг илғор ўқув-методик, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни татбиқ этиш чораларини кўради;

ўқувчиларни курсдан четлаштириш, ўқишга тиклаш, битирувчиларга ўқишни тамомлаганлик тўғрисидаги ҳужжатлар, шу жумладан, уларнинг дубликатини бериш масалаларини кўриб чиқади;

юқори малакали ўқитувчилар ва муҳандис-усталар иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, уларни давлат мукофотларига тавсия этиш, ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этади;

ўз ваколати доирасида ички ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларнинг ба-жарилишини назорат қилиш ва мономарказлар фаолиятини тартибга солишнинг бошқа масалаларини ҳал қилади.

Кенгаш фаолияти масалалари мономарказ уставида белгиланади.

22. Мономарказлар таркибида касаба уюшмаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоатчилик тузилмалари ташкил этилиши мумкин.

6-боб. Мономарказларнинг фаолиятини ташкил этиш

1-§. Касб-хунарга, тадбиркорликка, хорижий тилларга ўқитиш

23. Мономарказда ҳудудий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олинган ишсиз ва иш қидираётган шахслар, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда «labor-migration» дастурий мажмуасида рўйхатга олинган фуқароларни тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Давлат жам-ғармаси маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри шартномага асосан бепул амалга оширилади.

24. Ушбу Низомнинг 23-бандида назарда тутилгандан ташқари шахсларни тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-хунар-га тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фуқароларнинг ўз маблағлари, буюртмачилар маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

25. Касб-хунарга, тадбиркорликка, хорижий тилларга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш йил давомида узлуксиз, ўқитиш жараёнини

бошлаш эса гуруҳлар ўқувчилар билан тўлдирилиш ҳолатига кўра амалга оширилади. Ўқитиш режасида касб йўналишлари (касблар, мутахассисликлар, ихтисосликлар ёки малака турлари) ва бошқа зарур ўқитиш параметрлари кўрсатилади.

Ўқитиш режасининг асосий кўрсаткичлари (касбий йўналишлар ва билим ва кўникмаларни баҳолаш параметрлари бўйича) аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш имкониятларидан хабардор қилиш, айниқса, аҳолининг ишсиз, банд бўлмаган ва камбағал тоифалари учун белгиланган иқтисодий-ижтимоий кафолатларни рўёбга чиқариш имкониятларини эҳтиёжманд фуқароларга етказиш мақсадларида мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиб борилади.

26. Касб-ҳунарга ўқитиш қуйидаги турлар бўйича амалга оширилади: узок муддатли ўқитиш — ўқув жараёни ўттиз ҳафтадан қирқ ҳафтагача давом этади;

ўрта муддатли ўқитиш — ўқув жараёни беш ҳафтадан йигирма беш ҳафтагача давом этади;

қисқа муддатли ўқитиш — ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади; ишлаб чиқаришда касб-ҳунарга ўқитиш — ўқув жараёни иш берувчида бир вақтнинг ўзида олиб бориладиган меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, бир нафар ўқувчи учун келгусида иш берувчида ишга жойлаштирилган ҳолда касб-ҳунарга тайёрлашдан (стажировкадан) ўтиши йигирма беш ҳафтагача давом этади;

мақсадли ўқитиш — ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади.

Узок муддатли ва ўрта муддатли касб-ҳунарга ўқитиш мономарказ, иш берувчи, маҳаллий меҳнат органи ва ишсиз шахс ўртасида тузиладиган тўрт томонлама шартнома асосида амалга оширилади.

Агар ишсиз шахс ўқиш тугагач, жисмоний ва юридик шахслар учун иш ҳақини (меҳнат даромадини) олишга қаратилган хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича меҳнат фаолиятини мустақил равишда амалга ошириш мажбуриятини ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишни ўз зиммасига оладиган бўлса, ўрта муддатли ўқитишга доир шартнома тузилаётганда иш берувчининг иштирок этиши талаб қилинмайди.

Бундай ҳолатда ўқитиш мономарказ, маҳаллий меҳнат органи ва ишсиз шахс ўртасида тузиладиган ижтимоий шартномага асосан ташкил этилади.

27. Ўқитиш жараёнида ўқувчилар ўқиш курслари бўйича гуруҳларга, ўқитиш йўналишлари бўйича бўлинмаларга бирлаштирилади.

Гуруҳларни ўқувчилар билан тўлдириш мономарказлар раҳбарияти томонидан мустақил белгиланади, бироқ ҳар бир гуруҳдаги ўқувчилар сони ўқитиш йўналишлари хусусиятларидан келиб чиқиб, йигирма нафардан ошмаслиги керак.

Ўқитиш муддатлари, ўқув жараёни ва ишлаб чиқариш амалиёти давомийлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари асосида белгиланади.

28. Бунда касб-ҳунарга ўқитишни амалга оширишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

ўқувчилар билимлари, малакаси ва кўникмаларининг тегишли касбий фаолият (касблар, мутахассисликлар) турлари бўйича белгиланган касб стандартларига мослигини таъминлаш;

олинган назарий билимларни амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаш ҳамда ўқувчиларда тегишли касбий фаолият (касблар) турлари бўйича зарур билим ва кўникмаларнинг шаклланишини таъминлаш;

ўқувчиларнинг билим даражаси ва амалий кўникмаларини баҳолаш.

29. Мономарказларнинг ўқув дастурлари тегишли касбий фаолият (касблар, мутахассисликлар) йўналишлари бўйича зарур мавзуларни ўз ичига олади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш ва ўқитиш амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиш ўқитишнинг замонавий инновацион услубларини қўллаган ҳолда, касбий таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилади.

Тадбиркорликка ва хорижий тилларга ўқитиш алоҳида ўқитиш курслари ёки модуль тизимида — касб-хунарга ўқитишга қўшиб олиб борилади.

30. Мономарказлар битирувчиларининг касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш, шунингдек, баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти берилади.

Бунда касбий малакаси тасдиқланган битирувчиларнинг ягона реестри юритилади.

Мономарказлар томонидан битирувчиларга белгиланган шакл ва талабларга мувофиқ бўлган:

ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат;

касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида ва хорижий давлатларда тан олинадиган Skills паспорти берилади.

Мономарказ томонидан битирувчиларга берилган ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Skills паспорти ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилади ҳамда эгаллаган билимларни меҳнат фаолиятида қўллаш ҳуқуқини беради, бироқ таълимнинг кейинги турини давом эттириш учун асос ҳисобланмайди.

2-§. Билим, кўникма ва малакани баҳолаш

31. Мономарказларда аҳолининг билим, кўникма ва малака даражасини баҳолаш учун ташкил этиладиган Касбий компетенцияларни баҳолаш марказининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

талабгорларнинг билим, кўникма ва малакасини миллий ва халқаро (Worldskills ва бошқа) стандартларга мувофиқ мустақил ва холис баҳолаш; кенг ва тор ихтисосликлар бўйича ишчиларга малака разрядларини ва мутахассисларга малака тоифаларини бериш;

талабгорнинг мавжуд билим, кўникма ва малакаси белгиланган касб стандартларига мослигини аниқлаш;

касб малакалари бўйича норматив ҳужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқишда қатнашиш.

Компетенцияларни баҳолаш маркази ўз фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун тааллуқли бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

32. Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономаркази таркибидаги Компетенцияларни баҳолаш маркази Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар мономарказларида фуқароларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун зарур бўлган методик ҳужжатлар ва тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги мономарказлар ҳамда касб-хунарга ўқитиш ташкилотларида билим, кўникма ва малакани баҳолаш талабларига риоя қилинишини мувофиқлаштиради.

3-§. Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларга кўмаклашиш

33. Мономарказда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширмақчи бўлган фуқароларни тайёрлаш бўйича қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

касб-хунарга ўқитиш;

хорижий тилларга ўқитиш;

хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва меҳнат қилиш шароитларини ўргатиш ва бошқа керакли маълумотлар бериш бўйича мослаштириш тadbирларини амалга ошириш;

хорижда ишлаш учун талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш, кредит олиш, суғурта полисини ва бошқа зарур ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиш;

халқаро стандартлар бўйича касбий малакани баҳолаш.

Мономарказларда хорижга ишга кетаётган фуқароларни кетишдан олдин касб-хунарга йўналтириш марказлари ташкил этилиши мумкин.

34. Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширмақчи бўлган фуқароларни тайёрлаш харажатлари:

Давлат жамғармаси;

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси;

хорижий иш берувчилар ёки уларнинг вакиллари маблағлари;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги маблағлари;

фуқароларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

7-боб. Мономарказлар ходимлари

35. Мономарказларда ўқитувчилар, муҳандис-усталар, бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи ходимлар фаолият юритади.

36. Мономарказлар ходимларини ишга қабул қилиш мос лавозимлар

(касблар) бўйича касб стандартларига (лавозим талабларига, касб-малака маълумотномаларига) кўра қонунчилик ҳужжатларига биноан амалга оширилади.

37. Белгиланган талабларга мувофиқ касбий тайёргарликка эга, замонавий талабларга жавоб берадиган ўқитувчилар ва муҳандис-усталар мономарказларда педагогик фаолият билан шуғулланишлари мумкин.

38. Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар мутахассислари ўриндошлик асосида ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари асосида Мономарказларнинг касб-хунарга ўқитиш ва бошқа фаолият йўналишларига жалб этилиши мумкин.

8-боб. Мономарказларнинг мол-мулки ва уларни молиялаштириш

39. Мономарказлар фаолиятини молиялаштириш Давлат жамғармаси ва қонунчилик ҳужжатлари тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Шартнома асосида фуқароларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, тадбиркорлик ва хорижий тилларга ўқитиш, хорижга ишчи кучини тайёрлаш, Касбий компетенцияларни баҳолаш маркази ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа хўжалик фаолиятдан тушган маблағлар тегишлича Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари бошлиқлари билан келишилган ҳолда касб-хунарга ўқитиш марказининг моддий-техник базасини ривожлантириш, ўқув-методик фаолиятини такомиллаштириш, ўқув қуроллари ва хом ашё харид қилиш ҳамда ходимларни рағбатлантириш учун сарфланиши мумкин.

40. Мономарказларнинг тузилмаси, штатлар жадвали, раҳбар, ўқитувчи ва бошқа ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, устама, рағбатлантириш ва мукофотлаш миқдори Вазирлик томонидан тасдиқланади.

41. Мономарказларнинг ўқитиш харажатлари қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланади:

меҳнат органлари йўлланмаси билан юборилган ишсиз фуқароларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар — Давлат жамғармаси маблағлари;

бошқа фуқаролар учун — фуқароларнинг ўз маблағлари ёки ўз ишчиларининг касбий малакасини ошириш учун (касб-хунарга ўқитиш, қайта ўқитишга) юборган иш берувчилар ёки янги ишчиларни касб-хунарга тайёрлаш учун буюртма берган ташкилотлар маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

42. Мономарказларда ишлаб чиқарилган товар-моддий, ўқув-методик,

дастурий-электрон ва бошқа кўринишдаги маҳсулотларга муаллифлик ҳуқуқи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ муҳофаза қилинади.

43. Мономарказларни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлигининг касб-ҳунарга
ўқитиш марказлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг (кейинги ўринларда — касб-ҳунарга ўқитиш маркази) мақоми, мақсадлари ва асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, шунингдек, уни молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Касб-ҳунарга ўқитиш маркази мустақил юридик шахс сифатида ташкил этиладиган касб-ҳунарга ўқитиш муассасаси ҳисобланади, ўзининг мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, бошқа зарур муҳр ва штампларга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банкларда ҳисобварағига ва бошқа ҳисобварақларга эга бўлади.

3. Касб-ҳунарга ўқитиш маркази давлат муассасаси ҳисобланади, уларнинг фаолияти ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларнинг касбий билим, кўникма ва малакасини баҳолаш ва тасдиқлаш, тадбиркорлик ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-ҳунарга йўналтириш ишларини амалга оширишга йўналтирилади.

Касб-ҳунарга ўқитиш маркази қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолиятни ҳам амалга оширишлари мумкин.

4. Касб-ҳунарга ўқитиш маркази ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг (кейинги ўринларда — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) қарорлари, мазкур Низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ўз уставига амал қилади.

Касб-хунарга ўқитиш марказининг устави Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқланади.

5. Касб-хунарга ўқитиш марказининг касбга ўқитиш жараёнини ташкил қилиш, касб-хунарга ўқитиш марказларига ўқишга қабул қилиш ва малака имтиҳонларини ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида» 2020 йил 15 майдаги 287-сон қарори асосида амалга оширилади.

6. Касб-хунарга ўқитиш маркази томонидан битирувчиларга берилган ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда Skills паспорти ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилиб, эгалланган билимларни меҳнат фаолиятида қўллаш ҳуқуқини беради, бироқ таълимнинг кейинги турини давом эттириш учун асос ҳисобланмайди.

7. Касб-хунарга ўқитиш маркази негизида чет элга ишга кетаётган фуқароларни кетишдан олдин касбга йўналтириш марказлари ташкил этилиши мумкин.

Чет элга ишга кетаётган фуқароларни кетишдан олдин касбга йўналтириш марказлари чет элга жўнаб кетаётган фуқароларни хорижий меҳнат бозорида талаб этилган мутахассисликлар ва хорижий тиллар бўйича қисқа муддатли ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш, шунингдек, профессионал компетенциясини тест синовдан ўтказиш ва тасдиқлаш ишларининг ташкил этилиши ва амалга оширилишини таъминлайди.

2-боб. Касб-хунарга ўқитиш марказининг мақсад ва асосий вазифалари

8. Қуйидагилар касб-хунарга ўқитиш марказининг мақсадлари ҳисобланади:

меҳнат бозори конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш;

талабдорларнинг касбий билим, кўникма ва малакасини ихтиёрий, ҳолис ва мустақил баҳолаш;

ишчи касбларини ривожлантириш ва оммалаштириш;

хорижга ишчи кучини тайёрлаш;

ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касбга йўналтириш.

9. Қуйидагилар касб-хунарга ўқитиш марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

касбий фаолиятнинг (касбларнинг) тегишли турлари бўйича сифатли касб-хунарга ўқитиш, қайта ўқиш ва малака оширишни таъминлаш;

шахснинг интеллектуал ва касбий ривожланишга бўлган эҳтиёжини қондириш;

иқтисодиёт тармоқлари субъектларининг жорий ва истиқболдаги кадр-

лар(га) ва уларнинг касбий кўникмаларига бўлган талабини мунтазам ўрганиб бориш;

касбий фаолиятнинг (касбларнинг) тегишли турлари бўйича меҳнат фаолияти билан машғул бўлиш учун билимлар ва юқори сифатли касбий тайёргарликни таъминловчи касб стандартлари доирасида касб-хунарга ўқитиш дастурларини амалга ошириш;

иктисодиёт тармоқларини касбий фаолиятнинг (касбларнинг) тегишли турлари бўйича касбий маълумотга эга бўлган ходимлар билан таъминлаш; хорижга вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетмоқчи бўлганларни тайёрлаш;

касбий фаолиятнинг (касбларнинг) тегишли турлари бўйича ўқув-методик ҳужжатлар ва касб стандартларини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

3-боб. Касб-хунарга ўқитиш марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Касб-хунарга ўқитиш маркази:

юридик ва жисмоний шахсларга ўз фаолияти ихтисослигига мувофиқ ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, касбий билим, кўникма ва малакасини баҳолаш ва тасдиқлаш, тадбиркорлик ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-хунарга йўналтириш соҳасида шартнома асосида пулли хизматлар кўрсатиш, кўрсатилган хизматлар учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ харажатлар ва ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кўрсатмасига мувофиқ ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида касб-хунарга ўқитиш марказида янги касб (мутахассислик) йўналишларини очиш ёхуд меҳнат бозори эҳтиёжи кўрсаткичлари даражаси паст бўлган касб (мутахассислик) йўналишлари бўйича фаолиятни тугатиш;

ўқув жараёнига хорижий мутахассисларни жалб этиш;

ўқувчиларга халқаро даражадаги сертификатни (гувоҳнома, диплом ва бошқа ҳужжатларни) бериш;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилган ҳолда касбий маҳорат танловларини ўтказиш;

Касбий малакани баҳолаш маркази фаолиятини ташкил этиш;

касб-хунарга ўқитиш марказининг ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталари, бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари таркиби ва ўқувчиларни алмашиш, қўшма тадбирлар, учрашувлар, тажриба алмашиш, стажировка, семинарлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш бўйича хорижий корхона ва ташкилотлар билан белгиланган тартибда битимлар тузиш;

иш берувчи ташкилотларга ўқувчиларни амалиёт ўташ, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарини тажриба алмашишга (малака оширишга) юбориш, касбий кўникмаларни эгаллашнинг дуал тизимини жорий этиш ҳамда ҳамкорликнинг бошқа шакллари бўйича шартномалар тузиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларнинг касбий билим, кўникма ва малакасини баҳолаш ва тасдиқлаш, тадбиркорлик ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-ҳунарга йўналтириш соҳасида халқаро фаолиятда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касб-ҳунарга ўқитиш маркази қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Касб-ҳунарга ўқитиш маркази:

касб-ҳунарга ўқитиш ва ўқув жараёнларига тайёргарликни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш, педагог-ҳодимлар жамоаси, бошқарув, хизмат кўрсатувчи ҳамда бошқа тегишли мутахассисларнинг ўз фаолиятига оид топшириқларнинг бажарилишини, шу жумладан, ўқувчилар томонидан ўз мажбуриятлари доирасида танлаган касб-ҳунар турлари бўйича ўқув дастурларини босқичма-босқич ўзлаштиришини таъминлаш;

белгиланган тартибга мувофиқ тасдиқланган ўқув дастурлари ва ўқув режасини, ўқув ва амалиёт жадвалини ишлаб чиқиш;

ўқув ва амалиёт машғулоти жараёни ўтказилаётган даврда ўқувчилар ҳамда педагог-ҳодимлар жамоаси, бошқарув, хизмат кўрсатувчи, техник ходимлар ҳамда бошқа тегишли мутахассисларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;

моддий-техника базаси ва мол-мулкнинг сақланишини ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлашга мажбур.

Касб-ҳунарга ўқитиш марказига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

4-боб. Касб-ҳунарга ўқитиш марказини бошқариш

12. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий меҳнат органлари касб-ҳунарга ўқитиш марказларига умумий раҳбарлик қилади, назоратни ташкил этади, унинг ташкилий-кадрлар ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради.

13. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Тошкент шаҳридаги ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ишини ташкил этади, мувофиқлаштиради ва ўқув-методик жиҳатдан таъминлайди.

14. Касб-ҳунарга ўқитиш марказига Қорақалпоғистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари бошлиқлари тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

Касб-ҳунарга ўқитиш маркази директорининг Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

15. Директор:

касб-хунарга ўқитиш маркази фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, ўқувчиларнинг ўқиши ва амалиёт ўташи, ўқув режалари ва дастурлари бажарилиши, молия-хўжалик фаолияти амалга оширилиши учун жавоб беради;

касб-хунарга ўқитиш маркази номидан иш кўради, унинг манфаатларини ифода этади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг мол-мулкани тасарруф этади ва шартномалар тузади;

касб-хунарга ўқитиш маркази ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади, ўқув муассасасига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

ўз ваколатлари доирасида касб-хунарга ўқитиш маркази ўқувчилари ва ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

касб-хунарга ўқитиш маркази ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқув-амалиёт ва касбга йўналтириш ишларини такомиллаштириш, малакали ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари билан бутлаш ҳамда касб-хунарга ўқитиш маркази фаолияти бўйича айрим масалаларни кўриб чиқиш учун давлат бошқаруви органларига таклифлар киритади;

ўқитувчи, бошқарув, хизмат кўрсатувчи, техник ва бошқа ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади.

Директор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

16. Касб-хунарга ўқитиш маркази ҳузурида коллегиял орган ҳисобланадиган Ўқув-методик кенгаш ташкил этилади.

Ўқув-методик кенгашнинг асосий вазифа ва функциялари касб-хунарга ўқитиш марказининг уставида белгиланади.

Касб-хунарга ўқитиш марказининг раҳбар ва мутахассис ходимларига, шу жумладан ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталари ва бошқа ходимларига қўйиладиган лавозим малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг ҳудудий меҳнат органлари томонидан белгиланади.

5-боб. Касб-хунарга ўқитишни ташкил этиш ва касб-хунарга ўқитиш жараёни қатнашчилари

17. Касб-хунарга ўқитиш марказида ҳудудий меҳнат органлари томонидан рўйхатга олинган ишсиз ва иш қидираётган шахслар, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда «laboг-migration» дастурий мажмуасида рўйхатга олинган фуқароларни тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри шартномага асосан бепул амалга оширилади.

18. Мазкур Низомнинг 17-бандида назарда тутилгандан ташқари шахсларни тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш, касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фуқароларнинг ўз маблағлари, буюртмачилар маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

19. Касб-хунарга ўқитиш қуйидаги турлар бўйича амалга оширилади: узок муддатли ўқитиш — ўқув жараёни ўттиз ҳафтадан қирқ ҳафтагача давом этади;

ўрта муддатли ўқитиш — ўқув жараёни беш ҳафтадан йигирма беш ҳафтагача давом этади;

қисқа муддатли ўқитиш — ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади; ишлаб чиқаришда касбга ўқитиш — ўқув жараёни иш берувчида бир вақтнинг ўзида олиб бориладиган меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, бир нафар ўқувчи учун келгусида иш берувчида ишга жойлаштирилган ҳолда касбга тайёрлашдан (стажировкадан) ўтиши йигирма беш ҳафтагача давом этади;

мақсадли ўқитиш — ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади.

Узок муддатли ҳамда ўрта муддатли касбга ўқитиш касб-хунарга ўқитиш маркази, иш берувчи, маҳаллий меҳнат органи ва ишсиз шахс ўртасида тузиладиган тўрт томонлама шартнома асосида амалга оширилади.

Агар ишсиз шахс ўқиш тугагач, жисмоний ва юридик шахслар учун иш ҳақини (меҳнат даромадини) олишга қаратилган хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича меҳнат фаолиятини мустақил равишда амалга ошириш мажбуриятини ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишни ўз зиммасига оладиган бўлса, ўрта муддатли ўқитишга доир шартнома тузилаётганда иш берувчининг иштирок этиши талаб қилинмайди.

Бундай ҳолатда касб-хунарга ўқитиш касб-хунарга ўқитиш маркази, маҳаллий меҳнат органи ва ишсиз шахс ўртасида тузиладиган ижтимоий шартномага асосан ташкил этилади.

20. Ўқувчилар, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари таркиби ва иш берувчилар касб-хунарга ўқитиш маркази таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланадилар.

21. Касб-хунарга ўқитиш маркази ўқувчилари ўқув марказининг ички тартиб-қоидаларига риоя қилишлари шарт.

22. Касб-хунарга ўқитиш марказига қабул қилинган ўқувчилар: касб-хунар, хорижий тиллар ва тадбиркорликка ўқиш; ташкилотларда эгаллаётган касбий кўникмаларига мос бўлган йўналишлар бўйича амалиёт ўташ;

касб-хунарга ўқитиш марказининг моддий-техник базаси ва мол-мулкидан фойдаланиш;

ўқувчилар турар жойида яшаш;

белгиланган тартибда ўқишни бошқа ўқув марказига кўчиришга ҳақли.

23. Маҳаллий меҳнат органлари томонидан белгиланган тартибда йўлланма асосида юборилган ўқувчиларга ўқиш даврида стипендия тўланиши

ҳамда ушбу даврни меҳнат стажига қўшиш фуқароларга (ишсизларга) давлат томонидан моддий ёрдам беришга оид кафолатлар ҳисобланади.

24. Ўқитувчилар таркибини, ишлаб чиқариш таълими усталари ва бошқарув, хизмат кўрсатувчи, техник ва бошқа ходимларни касб-хунарга ўқитиш марказига ишга қабул қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ҳуқуқлари ва вазифалари қонунчилик ҳужжатларига ва касб-хунарга ўқитиш маркази уставига мувофиқ белгиланади.

6-боб. Касб-хунарга ўқитиш маркази фаолиятини молиявий ва моддий таъминлаш

26. Касб-хунарга ўқитиш марказининг фаолияти:

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

хўжалик фаолияти ва уставдаги вазифаларига мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

шартнома асосида фуқароларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, тадбиркорлик ва хорижий тилларга ўқитиш фаолиятидан тушган маблағлар;

касбий малакаларни баҳолаш маркази фаолиятидан келиб тушган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат ташкилотлари кредитлари ва грантлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

27. Касб-хунарга ўқитиш маркази белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

28. Касб-хунарга ўқитиш маркази таркибий тузилмаси, штатлар жадвали, раҳбар, ўқитувчи ва бошқа барча ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, устама, рағбатлантириш ва мукофотлаш миқдори Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Шартнома асосида фуқароларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, тадбиркорлик ва хорижий тилларга ўқитиш, касбий малакаларни баҳолаш маркази ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа хўжалик фаолиятидан тушган маблағлар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари бошлиқлари билан келишилган ҳолда, касб-хунарга ўқитиш марказининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув-методик фаолиятини такомиллаштириш, ўқув қуроллари ва хом ашё харид қилиш, ходимларни рағбатлантириш учун сарфланиши мумкин.

29. Касб-хунарга ўқитиш маркази тасдиқланган йўналишларга (мута-

хассисликларга) мувофиқ ўқув жараёни учун асбоб-ускуна ва жиҳозлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан харид қилинади.

30. Ўқув жараёнида ишлаб чиқарилган ярим тайёр, тайёр маҳсулотларни (товар, иш, хизматларни) ушбу марказларга ўз ҳудудида жойлашган кўргазмали павильонлар ва ярмаркалар ҳамда электрон тижорат орқали намойиш қилиш ва сотишга (тушган маблағларни ўқув жараёни учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ва хом ашё материалларини харид қилиш, ходимлар малакасини ошириш ва уларни рағбатлантириш учун сарфлашга йўналтириш шarti билан) рухсат этилади.

31. Касб-ҳунарга ўқитиш маркази маблағлари, бинолари, иншоотлари, асбоб-ускуналари ва бошқа товар-моддий қийматликлари касб-ҳунарга ўқитиш марказига бириктирилган мулк ҳисобланади ва улардан конунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланади.

32. Касб-ҳунарга ўқитиш марказининг айрим йўналишларини (касб, ихтисосликларини) ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш бўйича махсус устахоналарни қўшимча жиҳозлаш Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

33. Касб-ҳунарга ўқитиш маркази белгиланган тартибда ўз ишлари натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистик ва бухгалтерия ҳисоботларини юритади.

34. Касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг тузилмаси, штатлар жадвали, раҳбар, ўқитувчи ва бошқа ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Бунда раҳбарлар, ходимлар ва ўқитувчилар меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича ўрта махсус профессионал таълим муассасаларининг раҳбарлари, ходимлари ва ўқитувчиларига тенглаштирилади.

7-боб. Касб-ҳунарга ўқитиш масканлари фаолиятини ташкил этиш тартиби

35. Касб-ҳунарга ўқитиш масканлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги ўқув марказлари филиаллари (таркибий бўлинмалари) (кейинги ўринларда — масканлар) сифатида ташкил этилади.

Масканлар Қорақалпоғистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари бошлиқлари буйруқларига мувофиқ ушбу ҳудуддаги касб-ҳунарга ўқитиш марказларига алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинма сифатида бириктирилади.

36. Масканлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тартибда ажратиладиган маҳалла гузарлари, таълим муассасалари ёки ҳудуддаги бошқа ташкилотлар биноларидаги алоҳида жойларда ташкил этилади.

37. Масканларда меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида мураккаб жиҳоз ва кўникма талаб этилмайдиган йўналишлар (тикувчилик, ошпазлик, қандолатчилик, саргарошлик, компьютер саводхонлиги, тадбиркорлик асослари ҳамда бошқа касб ва мутахассисликлар) бўйича уч ойдан ошмаган, шунингдек, ўқитиш қуввати бир вақтнинг ўзида 15 кишидан ошмаган ҳолда қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади.

38. Ўқув курсларига меҳнат органлари йўлланмаси асосида юборилган ишсиз шахслар белгиланган тартибда бепул ўқитилади, шунингдек, ушбу тоифага кирмайдиган аҳоли қатлами учун ўқув курслари пулли асосда ташкил этилиши ҳам мумкин.

39. Масканларда ўқитиладиган йўналишлар (мутахассисликлар), уларнинг ўқув режа ва дастурлари, дарс жадваллари ва ўқув жараёнига тегишли бошқа ҳужжатлар масканга бириктирилган касб-ҳунарга ўқитиш маркази томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари кўрсатмасига мувофиқ тасдиқланади.

40. Масканларда касб-ҳунарга ўқитиш фаолиятини амалга оширадиган ишлаб чиқариш таълими усталари масканлар жойлашган ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар ёки марказдаги таълим усталари орасидан танлаб олинади ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бириктирилган ўқув марказига ишга қабул қилинади.

41. Масканларда фаолият юритувчи ишлаб чиқариш таълими усталари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кўрсатмасига асосан бошқа муассасаларда малака оширади.

42. Масканларга улар бириктирилган касб-ҳунарга ўқитиш маркази умумий раҳбарлик қилади ҳамда уларнинг фаолияти юзасидан барча масалаларни мувофиқлаштириб боради.

43. Масканларни тамомлаган битирувчиларга масканлар бириктирилган касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг тегишли ўқишни тамомлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат (сертификат) берилади.

44. Масканларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, уларга жиҳоз, асбоб-ускуна, ўқув қуроллари, хом ашё, концевария моллари ҳамда ўқув жараёнига тегишли бошқа барча моддий қимматликларни харид қилиш, сақлаш ва бошқа харажатлар ушбу масканларга бириктирилган касб-ҳунарга ўқитиш маркази талабномаси асосида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари томонидан Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манба маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

45. Масканлардаги мавжуд жиҳоз, асбоб-ускуна, ўқув қуроллари ва бошқа товар-моддий қимматликлар ушбу масканларга бириктирилган касб-ҳунарга ўқитиш марказининг мол-мулки ҳисобланади.

Ушбу мол-мулкни асраб-авайлаш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича

моддий жавобгар шахс ушбу масканларда ўқитиш фаолиятини амалга оширувчи ишлаб чиқариш таълими устасидир.

46. Масканларнинг мол-мулки ва бошқа моддий қимматликларини сақлаш, асраб-авайлаш бўйича ушбу масканларга бириктирилган касб-хунарга ўқитиш марказлари барча чора-тадбирларни, шу жумладан, техника хавфсизлиги, ёнғинга қарши сигнализация, видеокузатув, ёритиш тизими, темир панжарали ойна ўрнатиш ҳамда бошқа ишларни ташкил этади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан масканлар мол-мулки ва бошқа моддий қимматликларини сақлаш учун қоровул ва фаррош штатлари масканларга бириктирилган касб-хунарга ўқитиш маркази томонидан таъминланади.

47. Масканларда ўқув жараёнларини ташкил этиш ва олиб бориш тартиб-таомиллари, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги йўриқномалари, ички тартиб-қоидалар ва масканлар фаолиятига доир бошқа ички ҳужжатлар ушбу масканларга бириктирилган касб-хунарга ўқитиш маркази томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

48. Масканлар фаолияти ушбу масканларга бириктирилган касб-хунарга ўқитиш марказининг харажатлар сметаси асосида Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари, ўқиш учун тўловлар, халқаро молия институтлари кредитлари ва грантлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа молиявий манбалар ҳисобидан молиявий таъминланади.

8-боб. Яқунловчи қоида

49. Касб-хунарга ўқитиш марказлари ва масканларни қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарорига
З-ИЛОВА

Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом маҳаллий меҳнат органларида белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган (кейинги ўринларда — ишсиз шахслар) ҳамда иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган (кейинги ўринларда — иш қидираётган шахслар), шунингдек, «labor-migration» дастурий мажмуа-

сида рўйхатга олинган шахслар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахсларни меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжлари асосида касб-хунарга ўқитишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ишсиз ва иш қидираётган, шу жумладан «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га кирган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш (кейинги ўринларда — касб-хунарга ўқитиш) қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

касби (мутахассислиги) мавжуд бўлмаганда;

мавжуд касбий кўникмаларига мақбул иш йўқлиги сабабли касбни (мутахассисликни) ўзгартириш зарур бўлганда;

касбий кўникмалари мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги, касбига (мутахассислигига) доир талаблар ўзгартирилганлиги боис малака ошириши зарур бўлганда;

аввалги касби (мутахассислиги) бўйича иш бажариш қобилияти йўқотилганда.

3. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш қўйидаги ўқув муассасаларида (ташкилотларда) амалга оширилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (кейинги ўринларда — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) тизимидаги «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказлари;

профессional таълим ташкилотлари;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ўқув марказлари ва бўлинмалари; давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмаларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ташкилотлари ҳамда уларнинг ҳузуридаги ўқув марказлари;

таълим фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли тартибда рухсатномага (лицензияга) эга бўлган ташкилотлар;

шоғирдларга касб ўргатиш имкониятларига эга бўлган «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлган хунармандларнинг «Уста-шоғирд» мактаблари.

4. Касб-хунарга ўқитиш жараёни ўқув муассасаси ёки корхонанинг иш ўрнида амалга оширилиши мумкин. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ташкилотларнинг иш ўрнида кўпи билан ҳар ўн нафар ўқувчиларга ушбу ташкилотнинг тажрибали бир нафар ходими — ишлаб чиқариш таълими йўриқчисини бириктирган ҳолда ўқитишга йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш соҳасида таълим жараёни ўқув устахоналарида, ўқув амалиёт-машқ майдончаларида ва битирувчилар ишга жойлаштирилиши учун мўлжалланган ташкилотларнинг ишлаб чиқариш шароитида амалга оширилишига йўл қўйилади. Ушбу мақсадларда ҳар бир ўқувчига ишлаб чиқариш таълимини бошлашдан олдин зарур асбоб, ускуна, ашёлар билан жиҳозланган иш ўрни ажратиб берилади.

Агар ўқув муассасасининг зарур ўқув-моддий базаси бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқариш соҳасида таълим жараёни ташкилотларнинг иш ўринларида амалга оширилади. Лекин, ўқув муассасаси касб-хунарга ўқитиш жараёнини мониторинг қилиб боради, ташкилотнинг малакавий комиссия-

си таркибида иштирок этади ва баҳолайди, ўқиш якуни билан ўқув муассасасининг ўқишни тамомлаганлик тўғрисидаги хужжати (сертификат, гувоҳнома, диплом) берилади.

5. Пенсия туридан қатъи назар, пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, меҳнат органларида рўйхатга олиниб, касб-хунарга ўқитишга муҳтож бўлсалар, уларни касб-хунарга ўқитиш мумкин.

Ушбу тоифадаги фуқаролар ишсиз деб эътироф этилмайдилар. Бирок, маҳаллий меҳнат органларида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиниш ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Бунда уларга конунчилик ҳужжатларида белгиланган барча зарур хизматлар (касб-хунарга ўқитиш даврида стипендия тўлашдан ташқари) кўрсатилади.

2-боб. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш тартиби

6. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш фаолияти Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари томонидан мувофиқлаштирилади.

7. Маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган ҳамда касб-хунарга ўрганиш истагини билдирган тақдирда, конунчилик ҳужжатлари ҳамда ушбу Низомга мувофиқ ушбу шахс иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб касб-хунарга ўқитишга юборилади.

8. Маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинганлар учун мақбул келадиган ишга доир таклифлар мавжуд бўлмаган ва ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган тақдирда, иш қидираётган шахс ишсиз деб эътироф этилади ва касб-хунарга ўқитиш учун юборилиши мумкин.

9. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишни таъминлайди;

ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш тизимини шакллантиради;

ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш учун тўлаб бериладиган тўлов миқдорини белгилайди;

касб-хунарга ўқитиш фаолияти учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий базани яратди;

ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитади, шу жумладан, уларга касбий маслаҳатлар беради;

тизимдаги «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ва умумий бошқарувни амалга оширади, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиради;

ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш масалалари юзасидан халқаро ва худудлараро ҳамкорликка кўмаклашади;

ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитишнинг ўқув-методик таъминотини ташкил этишни таъминлайди.

10. Худудий меҳнат органлари:

аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларини ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитишни ташкил этишга доир фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш масалалари бўйича услубий таъминлайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

нодавлат касб-хунарга ўқитиш ташкилотлари ўртасида ишсиз ва иш қидираётган, шу жумладан, меҳнат мигрантлари ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни касб-хунарга ўқитиш учун танлов ўтказиши ва ўқитиш харажатларини қоплаш учун грант ажратади.

11. Меҳнат органларининг мутахассислари ишсиз ва иш қидираётган шахсларга касб танлаш ва касбий таълим олиш имкониятларига доир бепул маслаҳатлар беради.

Меҳнат органларига мурожаат қилган шахсларга касбий маслаҳатлар асосан меҳнат бозорининг талабларини — ишчи ходимлардан юксак савия, ижодий ташаббус, замонавий иқтисодий фикрлаш, ишнинг янги услуб ва кўникмаларини эгаллаш талабларини қўйган ҳолда, яқка тартибда суҳбатлар ўтказиш, ижтимоий, психологик ва бошқа синаб кўриш (тест) усулларидан фойдаланиб, тегишли касбга тайёрлашга доир ҳужжатларни, меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар ва бошқаларни ўрганиш, ҳар бир шахснинг соғлигини, касбий қизиқишини, қобилиятини, шахсий хусусиятларини унга тавсия қилинган ёки ўзи танланган касбнинг хусусиятларига, таълим шакли ва ўрнига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида берилади.

Касбий маслаҳат бериш орқали ёрдам кўрсатишда айрим аҳоли гуруҳларига — ёшлар, хотин-қизлар, камбағал оилалар аъзолари, чет элга кетиш истагидаги ва у ердан қайтиб келган меҳнат мигрантлари, ногиронлиги бўлган шахсларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Иш қидираётган ва ишсиз шахслар таркибидан аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига мансуб шахслар устувор тартибда касб-хунарга ўқитишдан ўтиш ҳуқуқига эга.

12. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш қуйидаги асосий босқичлардан иборат:

ўқитишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

ўқитиш ўрнини аниқлаш;

ўқитиш ва бандликка кўмаклашиш юзасидан шартномалар тузиш;

ўқув гуруҳларини бутлаш ва касбга тайёрлашга йўллаш;

касбий таълим жараёни;

касбий таълим жараёнини назорат қилиш;

касбий тайёргарликдан ўтган шахслардан малакавий имтиҳон олиш;

касбга ўқитишга доир ишларни ҳисобга олиш ва статистик ҳисобот.

13. Касб-хунарга ўқитишга бўлган эҳтиёж меҳнат бозорида ишчи кучига касбий-малакавий кесимдаги талабни ва худуднинг ривожланиш истиқболларини инобатга олиб, ишсиз ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни ишга жойлаштиришнинг мақбул вариантларини излаб топиш орқали аниқланади.

14. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан касб-хунарга ўқитиш мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган ўқув муассасалари (ташкilotлар) билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш асосида амалга оширилади.

Меҳнат органлари тузилган шартномалар асосида касб-хунарга ўқитишга муҳтож бўлган шахсларга белгиланган шаклдаги касбга ўқитишга йўланмаларни беради, ўқув муассасалари эса уларнинг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқаради.

15. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш курсли шаклда ҳамда якка тартибда ташкил қилиниши мумкин.

16. Касб-хунарга ўқитиш курсли шаклда ташкил этилганда, одатда, ўқув гуруҳларидаги тингловчилар сони беш нафардан йигирма нафаргача бўлиши мумкин.

17. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни якка тартибда касб-хунарга ўқитишда ишлаб чиқариш соҳасида таълим жараёни асосий ишидан озод қилинмаган малакали ишчи — ишлаб чиқариш таълими йўриқчиси раҳбарлигида ташкilotнинг иш ўрнида амалга оширилади.

Ишсиз аҳолини миллий хунармандчиликнинг тарихан шаклланган анъаналари асосида «Уста-шогирд» мактабларида халқ хунармандчилигининг «Уста-шогирд» анъанасига мувофиқ касб-хунар кўникмаларини ўргатиш ҳам якка тартибдаги касб-хунарга ўқитиш турига киради.

Якка тартибда касб-хунарга ўргатишда ўқувчи назарий билимлар курсини ўқитувчилардан маслаҳатлар (консультациялар) олиш йўли билан ва мустақил равишда ўрганиши ҳам мумкин.

18. Миллий ва бадий хунармандчилик касбларига фақат «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлган ва якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркор усталарнинг мактабларида амалга ўргатилади.

19. Миллий хунармандчилик касбларини ўргатадиган халқ усталари «Уста-шогирд» усулида касб-хунарга ўргатишда ўзларининг имкониятларига қараб, таълим олувчи шогирдларнинг сонини ихтиёрий равишда белгилашлари мумкин, бироқ уларнинг умумий сони ўн кишидан кўп бўлмаслиги лозим.

20. Меҳнат органлари жойларда фаолият кўрсатаётган хунармандлар ҳақида батафсил маълумотлар тўплаб, уларнинг имкониятлари, истакларини инобатга олган ҳолда иш юритадилар. Бу маълумотлар мажмуаси мунтазам равишда тўлдирилиб борилади.

21. Усталарнинг иш ўринларида хавфсизлик техникаси қоидалари бўйича шогирдларга бериладиган йўриқларни ҳисобга олиб бориш дафтари очилади. Шогирдлар хавфсизлик техникаси қоидалари бўйича йўриқ олганликлари тўғрисида ушбу дафтарга имзо чекадилар.

22. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш қуйидаги ўқитиш муддатлари бўйича амалга оширилади:

узоқ муддатли ўқитиш — ўқув жараёни ўттиз ҳафтадан қирқ ҳафтагача давом этади;

ўрта муддатли ўқитиш — ўқув жараёни беш ҳафтадан йигирма беш ҳафтагача давом этади;

қисқа муддатли ўқитиш — ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади;

ишлаб чиқаришда касбга ўқитиш — ўқув жараёни иш берувчида бир вақтнинг ўзида олиб бориладиган меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, бир нафар ўқувчи учун келгусида иш берувчида ишга жойлаштирилган ҳолда касбга тайёрлашдан (стажировкадан) ўтиши йигирма беш ҳафтагача давом этади;

мақсадли ўқитиш — ўқув жараёни тўрт ҳафтагача давом этади.

23. Ишсиз шахсларни узоқ муддатли ҳамда ўрта муддатли касб-хунарга ўқитишда мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган ўқув муассасалари (ташкилотлар), иш берувчи, маҳаллий меҳнат органи ва ишсиз шахс ўртасида тузиладиган тўрт томонлама шартнома асосида амалга оширилади.

Агар ишсиз шахс ўқиш тугагач, жисмоний ва юридик шахслар учун иш ҳақини (меҳнат даромадини) олишга қаратилган хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича меҳнат фаолиятини мустақил равишда амалга ошириш мажбуриятини ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишни ўз зиммасига оладиган бўлса, ўрта муддатли ўқитишга доир шартнома тузилаётганда иш берувчининг иштирок этиши талаб қилинмайди.

Бунда мазкур Низомнинг 3-бандида назарда тутилган касб-хунарга ўқитиш фаолиятини амалга оширувчи муассасалар (ташкилотлар) маҳаллий меҳнат органи ва ишсиз шахс ўртасида тузиладиган ижтимоий шартномага асосан ташкил этилади.

Иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитишда улар билан ишга жойлаштириш бўйича шартнома тузиш талаб этилмайди.

24. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш мазкур Низомнинг 3-бандида назарда тутилган ўқув муассасалари (ташкилотлари) билан келишилган ҳолда кундузги, кечки ва онлайн шаклда амалга оширилиши мумкин.

25. Илғор иш тажрибасини чуқур ўрганиш мақсадида камбағал оила-ларнинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг сўнгги босқичида ўқиётган битирувчи фарзандлари ташкилотларга стажировкага юборилади.

Бунда стажировка маҳаллий меҳнат органлари йўлланмаси ҳамда уч томонлама тузиладиган шартномага мувофиқ ўқувчини келгусида иш берувчида ишга жойлаштириш шarti асосида стажировкадан ўтиши йигирма беш ҳафтагача давом этиши мумкин.

Стажировка ўтаётган битирувчиларга стажировка даврида ҳар ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 35,2 фоизи миқдоридан Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан стипендия тўлаб берилади.

26. Ишчи (мутахассис)лар жумласидан бўлган ишсиз ва иш қидираётган

шахсларнинг касбий маҳоратини ошириш ва кейинчалик уларни ишга жойлаштириш, уларда мавжуд бўлган касблар бўйича ушбу гуруҳдаги фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ва ишлаб чиқариш талабларига, ишга жойлаштириш имкониятларига мувофиқ юқориқ тариф разрядларини (класс, тоифа) эгаллаш, илғор техника ва технологияларни, янги жиҳоз ва материалларни ўрганиш мақсадида уларнинг малакасини ошириш ташкил қилинади.

27. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитишнинг белгиланган тартибда ташкил этилганлиги, ўқувчилар давомати ҳамда ўқув жараёнларининг иш берувчи талабига мувофиқлиги ва унинг сифати устидан мониторинг ҳудудий меҳнат органларининг тегишли мутахассислари томонидан жойига чиққан ҳолда амалга оширилиши мумкин.

28. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш жараёни ўқув жараёни ташкил қилинган муассасада (ташкилотда) якуний малака имтиҳонини жорий тартибда топшириш билан якунланади.

Ишсиз ва иш қидираётган шахсларнинг зарур тайёргарлиги бўлган ҳолларда якуний малака имтиҳонлари, шунингдек, касб ва тегишли малака даражасини олиш учун компетенцияларни баҳолаш бўйича имтиҳонларнинг белгиланган муддатдан олдин топширилишига йўл қўйилади.

Малака имтиҳонлари комиссиясининг таркибига ўқишга йўлланма берган меҳнат органининг вакили ҳам киритилиши мумкин.

29. Касб-хунарга ўқитиш жараёнидан ўтган ва якуний малака имтиҳонларини топширган шахсларга ўқув жараёнини ташкил қилган муассаса (ташкилот)лар томонидан ўқишни тамомлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат (сертификат, гувоҳнома, диплом ва бошқалар) берилади.

30. Меҳнат органлари томонидан касб-хунарга ўқитиш учун юборилган ва ўқишни якунлаган шахсларнинг электрон меҳнат дафтарчасида ходимлар меҳнат стажини ҳисобга олиш бўйича ёзувлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилади. Бунда кўрсатилган касб-хунарга ўқитиш даври меҳнат стажига қўшилади.

31. Касб-хунарга ўқитишни амалга ошираётган муассаса (ташкилот)лар техника хавфсизлиги қоидалари билан ўқувчиларни таништириш, ўқувчилар давоматини ҳисобга олиш, битирув малака имтиҳонлари баённомаларини расмийлаштириш ва ўқишни тамомлаган битирувчига ўқишни тамомлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатни бериш мажбуриятини олади.

32. Ишсиз ва ўзини ўзи банд қилган шахсларни касб-хунарга ўқитишни таъминлай оладиган ўқув ташкилотларининг рўйхати ҳудудий меҳнат органлари томонидан белгиланади.

33. Маҳаллий меҳнат органлари томонидан касб-хунарга ўқитиш учун бошқа ҳудудларга йўлланган ўқувчилар ётоқхонага (меҳмонхонага) жойлаштирилиши мумкин.

3-боб. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитишни молиялаштириш

34. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш билан

боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга молиялаштирилади.

35. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлашга йўллаган маҳаллий меҳнат органлари касб-хунарга ўқитиш курси нархи белгиланган шартнома ҳамда ўқувчилар давомати тўғрисида тақдим этилган маълумотга мувофиқ касб-хунарга ўқитиш фаолиятини амалга оширган ўқув муассаларининг ҳисобрақамига пул маблағларини ҳар ойда ўтказиб берадилар.

36. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш учун мўлжалланган сарф-харажатлар қўйидагилардан иборат бўлади:

ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари (йўриқчилари) ва уста-хунарамандларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш;

касб-хунарга ўқитиш фаолиятини амалга оширувчи муассасада (ташкilotда) тузилган якуний малака имтиҳонлари комиссияси аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш;

бошқа худудлардан келиб ўқиётган шахсларнинг транспорт ва турар-жой билан боғлиқ харажатлар;

ўқиш даврида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда стипендиялар тўлаш (иш қидираётган шахслар бундан мустасно);

ўқув жараёни учун сарфланадиган коммунал (электр энергияси, сув, газ ва бошқалар) ва хом ашё харажатлари;

ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитишни ташкил қилиш ва амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга ўқитиш учун харажатлар сметаси жорий тартибда меҳнат органлари томонидан тасдиқланади.

4-боб. Ишсиз шахсларни касб-хунарга ўқитиш даврида стипендия тўлаш тартиби

37. Ишсиз шахсларга маҳаллий меҳнат органларининг йўлланмаси асосида касб-хунарга ўқитиш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшилиши кафолатланади.

Иш қидираётган шахслар касб-хунарга ўқитиш учун юборилганда, ушбу даврда уларга стипендия тўланмайди ҳамда ушбу давр умумий меҳнат стажига қўшилмайди.

Агар пенсиянинг туридан қатъи назар, пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлганлар меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ва касб-хунар ўрганишга мухтож бўлсалар, уларга касб-хунарга ўқитиш даврида стипендия тўланмайди, лекин уларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган барча зарур хизматлар кўрсатилиши лозим.

38. Ўқиш якунлангандан сўнг битирувчилар ўқишга юборган меҳнат органларига мазкур Низомга иловага* мувофиқ ўқишни битирганлигини тасдиқловчи варақани топширадилар.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

39. Касб-хунарга ўқитилаётган ишсиз шахсларга стипендиялар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда тўланади.

40. Ўқув машғулотларига сабабсиз қатнашмаётган, ўзлаштирмаётган ёки меҳнат ва жамоат тартибини бузаётган шахсларнинг ўқишни давом эттиришлари тўғрисидаги масала ўқув ташкилотининг раҳбарияти ва маҳаллий меҳнат органлари вакиллари билан биргаликда ҳал қилинади. Сурункасига ва сабабсиз ўқув машғулотларига қатнашмаётган ёки жамоат тартибини бузганлиги, жиноят содир қилганлиги туфайли ҳибсга олинган шахсларга стипендиялар тўлаш маҳаллий меҳнат органи ва ўқув муассасаси қабул қилган қарор асосида тўхтатиб қўйилади.

41. Ўқишни тугатган ишсиз шахс ўқув дастурида кўзда тутилган якуний малака имтиҳонларида назарий ва амалий билим ва кўникмаларининг талабга жавоб бера олмаслиги туфайли топшира олмаса, унга стипендия тўланмасдан, қўшимча машғулотлар ўтказилади ва қайта якуний малака имтиҳони олинади.

42. Ўқишни муваффақиятли якунлаган ва тегишли ҳужжат олган битирувчи ишга жойлаша олмаса, у меҳнат органларига келиши ва унга эгаллаган касби (мутахассислиги) бўйича ишга жойлашиш юзасидан ёрдам кўрсатилиши лозим.

43. Ишсиз шахслар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишни тугатгандан кейин ишга жойлашиш ёки ўзини ўзи банд қилиш имкони бўлмаса, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорда ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга.

44. Мазкур Низомнинг 22-бандида белгиланган касб-хунарга ўқитиш муддатлари мобайнида касб-хунарга ўқитишдан ўтган ишсиз шахслар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (шартнома бўйича ишга жойлаштирувчи корхонанинг тугатилиши, штатлар сонининг қисқартирилиши, технологияларнинг ўзгариши ва бошқалар) ишга жойлаша олмасалар, уларни жорий йил мобайнида меҳнат органларида яна ишсиз деб эътироф этиб, ўзлари танлаган касблар бўйича ўқишга юбориш мумкин.

Битирувчи ишсиз шахслар узрсиз сабабларга кўра танлаган касблари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланмасдан, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан жорий йил мобайнида такроран касбга ўқиш истагини билдирсалар, бундай шахсларни касбий таълим якунидан кейин 6 ой ўтгандан сўнг қайтадан касбий тайёргарликка йўллаш мумкин.

**5-боб. Ўзини ўзи банд қилганлар ҳамда «labor-migration»
дастурий мажмуасида рўйхатга олинган шахсларни
касб-хунарга ўқитишни ташкил этиш тартиби**

45. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан «labor-migration» дастурий мажмуасида рўйхатга олинган ва ташкил этилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижий мамлакатларда ишлаш учун кетаётган фуқаролар маҳаллий меҳнат органлари

томонидан иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олингандан ёхуд ишсиз шахс сифатида эътироф этилгандан сўнг касб-хунарга ўқитиш учун юборилади.

Бунда иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олингандан ёхуд ишсиз шахс сифатида эътироф этилгандан сўнг касб-хунарга ўқитиш қонунчилик ҳужжатлари ҳамда мазкур Низомга мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

46. Ўзини ўзи банд қилган шахслар мазкур Низомнинг 3-бандида қайд этилган ўқув муассаса (ташкилот)ларида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан касб-хунарга ўқитилиши мумкин.

Бунда меҳнат органлари томонидан ўзини ўзи банд қилган шахслар иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинмайдилар ҳамда ишсиз деб эътироф этилмайдилар, аммо меҳнат органлари йўлланмаси асосида ўқув муассаса (корхона, ташкилот)ларга касб-хунарга ўқитиш учун юбориладилар.

6-боб. Яқунловчи қоида

47. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарорига
4-ИЛОВА

«Энг яхши касбга тайёрлаш дастури» бўйича нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида очик танлов ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Энг яхши касбга тайёрлаш дастури» бўйича нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида очик танлов (кейинги ўринларда — танлов) ўтказиш ҳамда танлов ғолибларига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан грант ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

грант — ҳудудлардаги ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли, биринчи навбатда, камбағал оилалар аъзолари, чет элдан қайтиб келган меҳнат мигрантлари, хотин-қизлар ва ёшларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун танлов иштирокчисига танлов асосида ажратиладиган маблағлар;

касбга тайёрлаш дастури — ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли, биринчи навбатда, камбағал оилалар аъзолари, чет элдан қайтиб келган меҳнат мигрантлари, хотин-қизлар ва ёшларни бир (ёки бир неча) касб-хунарларга

тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ёхуд тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни назарда тутувчи чора-тадбирларни ўз ичига олган дастур лойиҳаси;

танлов комиссияси — танлов иштирокчиси томонидан юборилган касб-хунарга тайёрлаш дастурларини кўриб чиқиш, умумлаштириш ва баҳолаш мақсадида танлов ташкилотчилари ҳузурида тузиладиган комиссия.

3. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари танловнинг иштирокчилари (кейинги ўринларда — танлов иштирокчилари) ҳисобланади.

4. Ташкил этиш кўламига кўра танлов республика ҳамда вилоят миқёсида ўтказилади. Бунда мазкур Низомда белгиланган тартибга мувофиқ бир марта ўтказиладиган танловда касбга тайёрлаш дастурига мувофиқ қамраб олинадиган қишлоқ ва чекка жойларда ҳамда чегара ҳудудларида яшовчи ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли, айниқса, камбағал оилалар аъзолари, чет элдан қайтиб келган меҳнат мигрантлари, хотин-қизлар ва ёшларнинг сони:

500 нафаргачани ташкил этса — танлов вилоят миқёсида;

500 нафардан кўп бўлса — танлов республика миқёсида ташкил этилади ва ўтказилади.

5. Танлов республика миқёсида ўтказиладиган танловнинг республика ташкилотчиси томонидан, вилоят миқёсида ўтказиладиган танловнинг вилоят ташкилотчиси томонидан мазкур Низомга мувофиқ белгиланган тартибда ташкил этилади ҳамда мувофиқлаштирилади.

6. Танловнинг республика ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (кейинги ўринларда — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) ҳамда вилоят ташкилотчилари — тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари (кейинги ўринларда — танлов ташкилотчилари) ҳисобланади.

7. Республика ва вилоят миқёсида ўтказиладиган танлов учун бир марталик ажратиладиган грант миқдори танловда қамраб олинадиган ҳар бир шахсга нисбатан бир ой учун тўғри келадиган маблағ базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваридан ошмаслиги шарт.

8. Танлов ғолиблари танлов комиссияси томонидан мазкур Низомга иловага* мувофиқ схема бўйича аниқланади.

2-боб. Танлов комиссияси

9. Танлов ташкилотчиларига танлов иштирокчисидан тушган касб-хунарга тайёрлаш дастурларини кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш мақсадида танлов ташкилотчилари ҳузурида комиссия раиси, унинг ўринбосари ва камида беш нафар аъзодан иборат таркибда танлов комиссияси тузилади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Танлов комиссияси таркиби танлов ташкилотчиси раҳбари томонидан тасдиқланади.

10. Танлов комиссияси мажлисини унинг раиси бошқаради. Танлов комиссияси раиси бўлмаган тақдирда, мажлисни унинг ўринбосари бошқаради.

Танлов комиссияси мажлиси ундаги аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

11. Республика миқёсида ўтказиладиган танловда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари, вилоят миқёсида ўтказиладиган танловда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаси бошлиқлари танлов комиссияси раиси ҳисобланади.

12. Танлов комиссияси раиси:

танлов комиссияси фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

раис ўринбосари ва аъзолар ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

танлов комиссияси мажлисларини чақиради ва уларга раислик қилади;

танлов комиссияси мажлислари кун тартибини тасдиқлайди;

танлов комиссиясининг самарали ва шаффоф ишлашини таъминлаш бўйича бошқа вазифаларни амалга оширади.

13. Танлов комиссияси қуйидаги таркибда тузилади:

а) республика миқёсида ўтказиладиган танлов комиссияси раиси ўринбосари — Кўникма, мувофиқлик ва малакани баҳолаш миллий тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи (1 нафар);

республика миқёсида ўтказиладиган танлов комиссияси аъзолари:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси самарали ва мақсадли фойдаланиш бошқармаси бошлиғи (1 нафар);

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг вакили (1 нафар);

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги вакили (1 нафар);

Ёшлар ишлари агентлиги вакили (1 нафар);

танлов ташкилотчиси тасарруфидаги «Ишга марҳамат» мономаркази ва Касб-хунарга ўқитиш марказлари вакиллари (2 нафар).

б) вилоят миқёсида ўтказиладиган танлов комиссияси раиси ўринбосари — тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари Касбга қайта ўқитишни ташкил этиш шўъбаси мудирини (1 нафар);

вилоят миқёсида ўтказиладиган танлов комиссияси аъзолари:

тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси самарали ва мақсадли фойдаланиш шўъбаси мудирини (1 нафар);

тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг вакили (1 нафар);

тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари бошлиқларининг вакили (1 нафар);

Ёшлар ишлари агентлигининг тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг вакили (1 нафар);

танлов ташкилотчиси тасарруфидаги «Ишга марҳамат» мономаркази ва Касб-хунарга ўқитиш марказлари вакиллари (1 нафар);

танловда қамраб олинadиган ҳудудларни инобатга олган ҳолда, маҳаллий ҳокимликлардан вакиллар (ҳар бир маҳаллий ҳокимликлардан 1 нафардан).

14. Танлов комиссиясининг мажлиси унинг аъзоларига аввалдан ёзма хабарнома тарқатиш йўли билан чақирилади. Хабарномада мажлисни ўтказиш куни, вақти ва муҳокама қилинадиган масалалар тўғрисидаги аниқ маълумотлар кўрсатилади.

15. Танлов комиссияси аъзолари таркиби Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан мазкур Низомнинг 13-бандида белгилангандан бошқача таркибда тузилиши ҳам мумкин.

16. Танлов комиссияси аъзолари қўйидаги ҳолларда танлов комиссияси таркибидан муддатидан олдин чиқарилиши мумкин:

ўз аризасига кўра;

у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда;

зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда қондабузарликлар аниқланган тақдирда;

вафот этган тақдирда.

17. Танлов комиссияси мажлислари очиқ тарзда ўтказилади.

18. Танлов комиссияси мажлисларига давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлардан соҳа мутахассислари ва экспертлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

19. Танлов комиссияси қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Танлов комиссияси қарори мажлисда иштирок этган аъзоларнинг кўпчилиги овоз берган тақдирда, ваколатли ҳисобланади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, танлов комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

20. Танлов комиссияси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

танлов иштирокчиларининг касбга тайёрлаш дастурларини ўрганиш ва баҳолаш;

танлов иштирокчилари томонидан тақдим қилинган касбга тайёрлаш дастурларини маълумлаш ёки рад қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш; мажлис ўтказиш бўйича қарорлар қабул қилиш.

21. Танлов комиссияси мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиши ҳамда танлов иштирокчилари томонидан тақдим қилинган касбга тайёрлаш дастури ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш давомида маълум бўлган маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

3-боб. Танловни ўтказиш ҳақида хабардор қилиш тартиби

22. Танлов ташкилотчилари томонидан танловни ўтказиш ҳақидаги эълон танлов ўтказиладиган кундан камида 10 кун олдин оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда ҳамда танлов ташкилотчиларининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

23. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

танловнинг умумий тавсифи;

танлов ташкилотчисининг номи ва манзили;

танлов учун ажратилган маблағ миқдори ва уни молиялаштириш манбаи;

танлов иштирокчиларига қўйиладиган асосий шартлар;

лойиҳани амалга ошириш муддатлари;

танлов иштирокчиларидан ҳужжатларни қабул қилишнинг манзили, охириги куни ва вақти.

24. Танловда иштирок этиш учун ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар танлов ташкилотчиларига ариза берувчи танлов иштирокчиси томонидан бевосита, почта орқали ва электрон шаклда берилиши мумкин.

25. Танлов иштирокчиларининг танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатдан кечиктириб топширилган ҳужжатлари қабул қилинмайди ҳамда кўриб чиқилмайди.

4-боб. Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари

26. Танлов ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича берилган кетма-кетликка асосан ташкил этилади ва ўтказилади ва қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

танлов ўтказилиши тўғрисида эълон бериш;

танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни рўйхатга олиш, умумлаштириш ва танлов комиссиясига тақдим этиш;

мазкур Низомда белгиланган мезонлар бўйича танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган касбга тайёрлаш дастурларини баҳолаш ва фолибларни аниқлаш;

танлов фолиблари билан касбга тайёрлаш дастурини амалга ошириш учун грант ажратиш бўйича шартнома имзолаш;

танлов фолиблари тўғрисидаги маълумотларни тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этиш;

танлов фолибларини, зарур ҳолларда ижара тўловлари бевосита танлов фолиби томонидан тўланиши шarti билан мақбул шарт-шароитларга эга бинолар билан таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

танловнинг ўтиши ва натижаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш;

грант маблағларининг самарали сарфланиши юзасидан мониторинг олиб бориш;

ҳисоботларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш.

27. Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчилари танлов ташкилотчиларига қуйидаги ҳужжатларни (касбга ўқитиш дастурини) тақдим этадилар:

танловда иштирок этиш ҳақида ариза;

касбга тайёрлаш дастури доирасида грантни амалга ошириш бўйича юқоридаги масалалар назарда тутилган батафсил тақдимот;

касбга тайёрлаш дастури (лойиҳани амалга оширишнинг батафсил таснифи, лойиҳани амалга ошириш бўйича қамраб олинadиган ҳудуд (туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ аҳоли пункти, маҳалла, кўча номи) касб-хунарга ўқитиш соҳасидаги тажрибаси, илгари грантлар асосидаги фаолиятда қатнашганлиги тўғрисидаги маълумот, халқаро лойиҳалар ва дастурлардаги иштироки тўғрисидаги ҳамда бошқа маълумотлар);

давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

танлов иштирокчиси уставининг нусхаси;

таълим фаолиятини амалга ошириш бўйича махсус рухсатнома (лицензия) нусхаси;

кадрлар (ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари) таркиби ва уларнинг малака даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

мавжуд моддий-техника базаси тўғрисида батафсил маълумот (касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакани ошириш фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилаётган бино-иншоотлар, жихозлар ва ўқув қуроллари сони, уларнинг таснифи ва қиймати);

танлов иштирокчиси ташаббуси билан бошқа ҳужжатлар (эришган ютуқлари, ўқув-услубий, илмий-услубий материаллари ва шу кабилар) ҳам тақдим қилиниши мумкин.

Танлов ташкилотчилари танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни 3 иш куни мобайнида рўйхатга олади, умумлаштиради ва танлов комиссиясига тақдим этади.

28. Касбга тайёрлаш дастурида лойиҳани амалга ошириш шакли, механизми, даврийлиги, бошланиш ва тугаш вақти ҳамда лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижа аниқ, босқичма-босқич ва тушунарли ёритилган бўлиши лозим.

29. Танлов иштирокчиси (нодавлат таълим ташкилоти раҳбари ёки унинг номидан иш кўрувчи ишончли вакил) танлов ўтказиладиган куни танлов комиссияси олдида ўзининг касбга тайёрлаш дастури ҳақида 10 — 30 дақиқалик тақдимот қилади.

Ушбу тақдимотда касбга тайёрлаш дастурини амалга ошириш бўйича натижадорликка йўналтирилган чора-тадбирлар, шу жумладан, мазкур Низомнинг 27-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатларга асосан касбга тайёрлаш дастурини амалга ошириш имкониятлари акс эттирилади.

30. Танлов ғолиби нодавлат таълим ташкилотлари томонидан танловга

тақдим этилган касбга тайёрлаш дастурларини кўриб чиқиш, умумлаштириш ва баҳолаш натижаларига кўра аниқланади.

Танлов комиссияси томонидан касбга тайёрлаш дастурларини кўриб чиқиш, умумлаштириш ва баҳолаш танлов комиссиясига мазкур Низомга мувофиқ касбга тайёрлаш дастурлари тўлиқ ва камчиликларсиз келиб тушгандан сўнг 7 иш кунидан кечиктирмай амалга оширилиши лозим.

Белгиланган муддатда танлов комиссияси мажлиси учун ундаги аъзоларнинг камида учдан икки қисми йиғилмаган тақдирда, танлов бошқа кунга қолдирилиши мумкин, лекин комиссиянинг қолдирилган мажлиси кўпи билан 5 иш кунда қайта чақирилиши лозим.

31. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган касбга тайёрлаш дастурлари қўйидаги мезонларга асосан баҳоланади:

а) Касбга тайёрлаш дастурининг сифати — 30 баллгача:

натижаси даромадли меҳнат билан банд бўлиш имкониятини яратиб берувчи меҳнат бозорида талаб бўлган касблар ҳамда ушбу касблар бўйича ўзининг ўқув (режа) дастури ва қўлланмаларига эгаллиги — 5 баллгача; кадрлар (ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари, тренерлар) таркиби ва уларнинг малака даражаси — 5 баллгача;

танлов иштирокчисининг мазкур соҳадаги тажрибаси ва эришган ютуқлари — 10 баллгача;

ўқитиш жараёнида халқаро андозалар ва ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш имкониятларининг юқорилиги — 10 баллгача.

б) ўқув-моддий базасининг мавжудлиги — 20 баллгача:

бино-иншоотлар — 5 баллгача;

жиҳозлар, асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари, техника хавфсизлиги шартларининг мавжудлиги — 15 баллгача;

в) лойиҳани амалга ошириш самарадорлиги ва натижадорлиги даражасининг юқорилиги — 40 баллгача:

хар бир ўқувчига тўғри келадиган сарф-харажат миқдорининг камлиги — 15 баллгача;

чекка ва чегара ҳудудларида, шунингдек, қишлоқ жойларида яшовчи ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли, айниқса, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли, камбағал оилалар аъзолари, чет элдан қайтиб келган меҳнат мигрантлари, хотин-қизлар ва ёшларнинг жами касб-хунарга тайёрланадиганларга нисбатан юқори улушда қамраб олиниши — 15 баллгача;

бандликни таъминлаш кўрсаткичининг юқорилиги (иш берувчилар буюртмаси асосида ишга жойлаштириш, ўзини ўзи банд қилиш, тадбиркор сифатида ўз бизнесини бошлаши ва бандликнинг бошқа расмий шакллари) — 20 баллгача.

32. Қоида тариқасида:

касбга тайёрлаш дастурини амалга оширишнинг умумий муддати кўпи билан 50 ҳафтадан, шунингдек, касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курсларининг давомийлиги:

узоқ муддатли ўқитиш — ўқув жараёни 30 ҳафтадан 40 ҳафтагача;

ўрта муддатли ўқитиш — 5 ҳафтадан 25 ҳафтагача;

кисқа муддатли ўқитиш — 4 ҳафтагача давом этади.

33. Касбга тайёрлаш дастурларини кўриб чиқиш натижаларига кўра танлов комиссияси аъзолари ҳар бир лойиҳа бўйича баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳолаш варақасига тегишли балларни қўяди.

34. Баҳолаш варақаларидаги баллар комиссия котиби томонидан ҳисоблаб чиқилади ва танлов комиссияси раисига тақдим этилади.

35. Танлов комиссияси раиси томонидан ҳисобланган балларнинг тўғри ва ҳаққонийлиги кўздан кечирилади ҳамда жамланган баллар тўғрисидаги маълумот танлов комиссияси аъзоларига эълон қилинади.

36. Танлов натижасига кўра энг кўп балл олган танлов иштирокчиси танловда ғолиб деб топилади.

37. Танлов натижасига кўра танлов иштирокчиларининг баллари тенг бўлган тақдирда, улар ўртасида ушбу Низомда белгиланган тартиб асосида қайта танлов ўтказилади.

38. Танлов комиссияси қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади.

Танлов комиссияси йиғилишининг баённомаси танлов комиссияси котиби томонидан олиб борилади ҳамда танлов комиссияси раиси, котиби ва танлов комиссияси йиғилишида иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланади.

39. Танлов комиссияси йиғилишнинг баённомалари белгиланган тартибда танлов ташкилотчиси томонидан сақланади.

40. Танлов ғолиби тўғрисидаги маълумот танлов ўтказилган кундан бошлаб уч иш куни давомида танлов ташкилотчиси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади.

5-боб. Грант ажратиш тартиби

41. Танлов ғолиби аниқлангандан сўнг уч иш куни давомида танлов ташкилотчиси ҳамда танловда ғолиб деб топилган танлов иштирокчиси ўртасида касбга тайёрлаш дастурини амалга ошириш учун грант ажратиш бўйича шартнома тузилади.

Ушбу шартнома танлов ташкилотчиси ва танловда ғолиб деб топилган танлов иштирокчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда жавобгарлигини белгилайди.

42. Шартномада қуйидагилар назарда тутилган бўлиши керак:

касбга тайёрлаш дастурини амалга оширишнинг мақсади;

касбга тайёрлаш дастурини амалга ошириш муддатлари;

камраб олинadиган ҳудуд, аҳоли тоифаси, ўқитиладиган касблар, касбий кўникмаларни шакллантириш механизми, грант доирасида қўлланиладиган ўқув қўлланмалари ва дастурлари, фойдаланиладиган ахборот-коммуникация воситалари ва инновацион ўқитиш услубларининг тавсифи;

касбга тайёрлаш дастурини амалга ошириш учун ажратилган грант миқдори;

маблағ билан таъминлаш муддатлари;

ажратилган грант маблағларидан мақсадли фойдаланганлик юзасидан назорат шакллари;

амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботларни бериш муддатлари ва шакллари.

43. Агар танловда ғолиб деб топилган танлов иштирокчиси шартномани имзолашдан бош тортса ёки танловни ўтказиш давомида ўз фаолиятини тугатган бўлса, тугатиш, қайта ташкил этиш жараёнида бўлса ёки қонунчиликда белгиланган тартибда банкрот деб эътироф этилган бўлса, танлов ташкилотчилари касбга тайёрлаш дастурини амалга ошириш учун белгиланган грант маблағларини танловда иштирок этган ва юқори баҳо олган кейинги иштирокчига шартномани имзолашни таклиф этишга ҳақли.

6-боб. Грант маблағларининг самарали сарфланиши юзасидан мониторинг ўтказиш ва натижасига кўра мукофотлаш тартиби

44. Танлов ташкилотчилари танловда ғолиб деб топилган танлов иштирокчисига ажратилган грантлар эвазига касбга тайёрлаш дастурининг самарали амалга оширилиши бўйича мониторингини олиб боради, шунингдек, амалга оширилаётган ишларни (кўрсатилаётган хизматларни) ҳамда унинг алоҳида босқичларини жойига чиққан ҳолда мониторинг қилишга ҳақли.

45. Танлов ташкилотчилари касбга тайёрлаш дастурининг самарали амалга оширилиши бўйича мониторинг ўтказишда танлов ташкилотчиларининг тизим идоралари, шу жумладан, тасарруфдаги касб-хунарга ўқитиш марказлари, «Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда бошқа соҳа вакиллари экиперт сифатида жалб қилишга ҳақли.

46. Танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган ҳисобот маълумотларининг ҳаққонийлиги ўтказилган мониторинг натижалари, ҳудудлардаги тегишли ваколатли органлардан, шу жумладан, ҳудудий солиқ хизмати органлари ҳамда «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексидан олинган маълумотлар асосида таҳлил қилиб борилади.

47. Мазкур Низомга мувофиқ белгиланган тартибда касбга ўқитиш дастури доирасида ташкил этилган ўқув курслари битирувчиларининг расмий бандлиги таъминланган тақдирда, ҳар бир расмий бандлиги таъминланган шахслар учун танлов ташкилотчиси томонидан танлов иштирокчиси Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирланиши мумкин. Бунда:

танлов иштирокчиси ихтиёрига кўра мазкур Низомга мувофиқ белгиланган тартибда касбга ўқитиш дастури доирасида ташкил этилган ўқув курслари битирувчиларининг расмий бандлиги (ишга жойлашганлиги, ўзини ўзи банд қилганлиги, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлиги ва расмий бандликнинг бошқа шакллари) тўғрисидаги маълумотлар илова қилинган бир

марталик пул мукофоти олиш тўғрисидаги сўров хати ўқув курслари тамомлангандан сўнг 15 кун муддатда танлов ташкилотчисига тақдим этилади.

танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган ҳисобот маълумотларига биноан расмий бандлиги таъминланган битирувчилар тўғрисидаги маълумотлар мониторинг натижасида шакллантирилган маълумотлар билан таққослаш натижасида ўз тасдиғини топган тақдирда, танлов ташкилотчиларининг мониторинг ўтказган масъул таркибий бўлинмаси бошлигининг асосланган билдиришномасига биноан грант олган танлов иштирокчиси бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш учун тавсия этилиши мумкин.

48. Танлов ташкилотчиси танлов иштирокчиси томонидан битирувчиларнинг расмий бандлик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар илова қилинган хат киритилган кундан бошлаб 45 кун мабайнида битирувчиларнинг расмий бандлик ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини ўрганиб чиқади.

49. Танлов ташкилотчиси томонидан маълумотларни мазкур Низом 46 ва 48-бандларига мувофиқ тартибда кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ва ҳаққонийлигини ўрганиш натижасига кўра:

агар ушбу маълумотлар ўз тасдиғини топса, расмий бандлиги таъминланган ҳар бир фуқаро учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш учун тавсия этилади;

агар маълумотлар ўз тасдиғини топмаса, бир марталик пул мукофоти билан тақдирлашни рад этиш тўғрисидаги асосланган хат уч кун муддатда танлов иштирокчисига юборилади.

50. Бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш танлов ташкилотчисининг мониторинг ўтказган масъул таркибий бўлинмаси бошлигининг асосланган билдиришномасига биноан тегишлича Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, Қорақалпоғистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари бошлиқларининг буйруғи асосида амалга оширилади.

51. Бир марталик пул мукофоти белгиланган тартибда танлов иштирокчисининг ҳисобрақамига ўтказиб берилади.

52. Бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг мазкур Низомга мувофиқ танлов ўтказиш учун назарда тутилган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7-боб. Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш дастури доирасида касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишни ташкил этиш

53. Меҳнат органлари томонидан белгиланган тартибда ишсиз ва иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинганларни мазкур Низомга мувофиқ касбга тайёрлаш дастури доирасида касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёр-

лаш ва малакасини ошириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

54. Касбга тайёрлаш дастурини амалга оширишда ўқув курслари битирувчиларининг бандлигига кўмаклашиш мақсадида меҳнат органлари томонидан қўйидагилар амалга оширилиши мумкин:

а) тадбиркорликка жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилганлик учун давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўйидаги субсидиялардан исталган бир турини олиши:

бунда меҳнат органларидан ишсиз ва иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтганларни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлиш, тадбиркорликка ўқитиш ва кредит олишда суғурга полиси тўлови учун;

меҳнат органларидан ишсиз ва иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган шахсларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида ижарага олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини қоплаш учун субсидия ажратиш;

б) ўз бизнесини бошлаши учун имтиёзли кредит ажратишга тавсиянома бериш, бунда меҳнат органларида ишсиз сифатида рўйхатга олинган шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари раҳбарлари томонидан бериладиган имтиёзли кредитлаш бўйича тавсияномага асосан тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан гаров таъминотисиз имтиёзли шартларда кредит ажратиш.

55. Касбга тайёрлаш дастури доирасида ўқув курслари битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қароридан назарда тутилган тартибда микроқарзлар (микрокредитлар) ажратилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

56. Танловда волиб деб топилган танлов иштирокчиси мазкур Низомга мувофиқ ажратилган грантлардан белгиланган тартибда мақсадли фойдаланиш учун масъулдир.

57. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**175** Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон ва «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон фармонлари ҳамда «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 4 августдаги ПҚ–4797-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш тизимини ўқитишнинг замонавий шакллари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, юридик таълим олишга янада кенг имконият яратиш ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги ходимларни касбий малакасини, илмий ва амалий салоҳиятини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказига (кейинги ўринларда — Марказ) қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлардан дарс берадиган, олий ноюридик маълумотга эга педагог кадрларни қайта тайёрлаш;

низоларни судгача муқобил ҳал қилиш механизми сифатида медиация институтида самарали фаолият юритадиган медиаторларни тайёрлаш;

тингловчиларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасига оид касбий билим ва кўникмаларни ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлардан дарс берадиган, олий ноюридик маълумотга эга педагог кадрларни қайта тайёрлаш курслари тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқишни ташкил этиш шакли, касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқиш муддатлари ҳамда бу борадаги харажатларни қоплаш тартиби;

касбий қайта тайёрлаш курсларига қабулни ташкил этишнинг шаффоф механизми;

касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқув юкламаси ҳажми ва ўқув жараёни;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 апрелда эълон қилинган.

тингловчиларни якуний имтихондан ўтказиш, касбий қайта тайёрлаш курсларидан четлаштириш асослари ва тартиби.

3. Белгилансинки:

2030 йил 1 январдан бошлаб халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлардан фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ёки Марказда педагогик қайта тайёрлаш курсларини тугатган ва белгиланган намунадаги дипломни олган олий маълумотли шахслар дарс бериш ҳуқуқи эга бўлади. Бунда 2030 йил 1 январга қадар халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида олий ноюрidik маълумотга эга шахслар томонидан юридик фанлардан дарс беришда юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатиб, белгиланган намунадаги дипломни олган шахслар устуворликка эга бўлади;

олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатиб, белгиланган намунадаги дипломни олган шахслар тегишли мутахассислик бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг юридик хизмати билан бир қаторда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида ишлаш ҳуқуқига эга бўлади;

тадбиркорлар, давлат органлари ва ташкилотлар вакиллари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларини интеллектуал мулкни яратиш ва ҳимоя қилиш асослари, тижоратлаштириш, брендинг ва маркетингга ўқитиш Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда — ТДЮУ) ва бошқа олий таълим муассасалари юридик факультетларида қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш орқали ТДЮУ Кенгаши томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

медиаторларни тайёрлаш ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасига оид касбий билим ва кўникмаларни ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари бевосита ёки масофавий (ишдан ажралмаган ҳолда) шаклларда ташкил этилиши мумкин.

4. Марказ директори томонидан ТДЮУ билан келишилган ҳолда Марказнинг бюджетдан ташқари (қайта тайёрлаш курсларидан ўтиш учун шартнома асосида тўланадиган маблағлар ва бошқалар) маблағлари ҳисобидан:

хорижий ва маҳаллий мутахассислар иш ҳақи ва бошқа тўловларини меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олиб тўлаган ҳолда Марказда ташкил этиладиган курсларнинг ўқув жараёнларига консультант, маърузачи ва ўқитувчи сифатида жалб этилади;

Марказ ходимларига ҳар ойлик устама ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари, шунингдек, уларнинг миқдори мустақил равишда белгиланади.

5. Қуйидагилар курсларни ташкил этишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлардан дарс берадиган, олий ноюрidik маълумотга эга педагог кадрларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этишда — тингловчилар

томонидан қайта тайёрлаш курсларидан ўтиш учун шартнома асосида тўланадиган маблағлари;

интеллектуал мулк соҳасига оид курслари, шунингдек, медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этишда — вазирлик ва идоралар, бошқа ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, тингловчилар томонидан ўқув курсларида ўқиш учун шартнома асосида тўланадиган маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар Марказ орқали ёш адвокатларни танлов орқали етакчи хорижий юридик компанияларда стажировка ўташни ташкил этиш, шу жумладан, ушбу фаолиятни давлат грантлари орқали молиялаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 апрель,
189-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 6 апрелдаги 189-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлардан дарс берадиган, олий ноюридик маълумотга эга педагог кадрларни қайта тайёрлаш курслари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик ходимларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида (кейинги ўринларда — Марказ) халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлардан дарс берадиган, олий ноюридик маълумотга эга педагог кадрларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлардан дарс берадиган, олий ноюридик маълумотга эга педагог кадрларни қайта тайёрлаш курслари (кейинги ўринларда — касбий қайта тайёрлаш курслари) — халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлар бўйича юқори савияда педагогик фаолиятни олиб бориш учун етарли даражадаги билим олиш ва кўникма шакллантиришни назарда тутадиган ўқитиш шакли;

буюртманом — муайян давр учун буюртмачи томонидан педагог кадрларни касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш учун Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда — ТДЮУ)га тақдим этиладиган педагог кадрлар рўйхати;

буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва тизимида умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал давлат таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, шунингдек, нодавлат таълим ташкилотлари;

курс йўналишлари — халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ходимлари учун контингент хусусияти ҳамда ўзига хослигидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида ташкил этиладиган касбий қайта тайёрлаш курслари йўналишлари;

масофавий таълим — таълим дастурларини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда онлайн (реал вақт режимида) ҳамда оффлайн (видеомаърузалар, мавзуга доир маърузалар матни, ассесмент топшириқлари, амалиёт материаллари тахлили, кичик назорат ишини бажариш орқали тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил бажариш) режим орқали ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўзлаштириш;

педагог кадр — халқ таълими, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида юридик фанлардан дарс берувчи педагог кадр;

талабгорлар — касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш мақсадида белгиланган тартибда тасдиқланган режа-графикка мувофиқ буюртманомасосида йўналтирилган шахслар;

тингловчилар — ўқиш учун тўлов-контракт суммасини тўлаган ва касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинган шахслар.

3. Касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқиш масофавий таълим шаклида давлат ва рус тилларида амалга оширилади.

4. Касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқиш харажатлари ТДЮУ Кенгаши томонидан белгиланади ҳамда ТДЮУ ва тингловчи ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Бунда тўлов-контракт суммасини мазкур курсларда ўқиш давомида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилади.

5. Касбий қайта тайёрлаш курслари, қоида тариқасида, тўрт ойлик ТДЮУ Кенгаши томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқиш иккинчи олий маълумот олиш ҳисобланмайди.

7. Олий маълумотга эга бўлмаган педагог кадрлар касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинмайди.

2-боб. Касбий қайта тайёрлаш курсларига қабулни ташкил этиш

8. Касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқишни хоҳловчи педагог кадрлар ҳар йили 10 ноябрга қадар буюртмачига ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этадилар.

Буюртмачи ҳар йили 15 ноябрга қадар кейинги календарь йилида касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқиши режалаштирилган педагог кадрлар контингентини ТДЮУга тақдим этади.

Касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқишни хоҳловчи педагог кадрларнинг аризасини буюртмачи томондан қабул қилиш ва ТДЮУга тақдим этиш махсус веб-платформа орқали онлайн рўйхатдан ўтказишни назарда тутган ҳолда ташкиллаштирилиши мумкин.

9. Курс йўналиши ва муддати, талабгорлар рўйхати акс этирилган режа-график буюртмачи ва ТДЮУ томонидан тасдиқланиб, ҳар йили 15 декабрдан кечиктирмасдан талабгорларнинг асосий иш жойига тақдим этилади ҳамда буюртмачи томонидан тингловчилар босқичма-босқич курсларга йўналтирилади.

10. Талабгорлар томонидан курсларда таълим олиш ҳақидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

талабгорни касбий қайта тайёрлаш курсларига юбориш тўғрисида асосий иш жойидан чиқарилган буйруқ;

фуқаролик паспорти (идентификация ID-картаси) ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат нусхаси;

олий маълумот тўғрисидаги диплом (ёки дипломдан кўчирма — Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти асосида битирганлар учун) ва унинг иловаси;

3,5 x 4,5 см ўлчамдаги рангли фотосурат.

11. Касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқиш учун тўлов-контракт суммаси тўланган талабгорлар Марказ директорининг буйруғи билан тингловчи сифатида ўқишга қабул қилинади.

12. Тасдиқланган режа-графикка мувофиқ ўқув жараёни бошлангунга қадар Марказга ўқиш учун мурожаат қилмаган ёки ўқиши учун белгиланган тўлов амалга оширилмаган талабгорлар касбий қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинмайди ва бу ҳақда тегишли равишда буюртмачига, шунингдек, талабгорнинг асосий иш жойига хабар берилади.

Мазкур ҳолатда талабгор кейинги ташкил этиладиган курсларда ўқишга қабул қилиниши мумкин.

3-боб. Касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқув юкламаси ҳажми ва ўқув жараёни

13. Касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқув жараёни давомийлиги, қоида тариқасида, 18 ҳафтани ташкил этади.

Умумий ўқув вақти ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим — 16 — 18 ҳафта;

яқуний имтиҳон — 1-2 ҳафта.

14. Касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқув жараёни масофавий таълим шаклида амалга оширилиб, Марказнинг, шунингдек, масофавий таълимга оид махсус бошқа таълим платформаларида онлайн ҳамда устувор равишда оффлайн режимда ташкил қилинади.

Ўқув машғулотларининг ташкил этилиши, ўтказиш тартиби ва давомийлиги, тингловчиларнинг билимини назорат қилиш тегишли фан дастурлари билан белгиланади.

15. Ўқув жараёнида ўқув машғулотлари маъруза ва семинар шаклларида ташкил этилади.

Ўқув жараёнида, шунингдек, ўқув машғулотларининг қўшимча турлари — клиник таълим, суд мажлислари имитацияси (moot court), сайёр машғулотлар ва бошқалар ҳам қўлланилиши мумкин.

16. Ўқув жараёнида асосан дарс машғулотларини ташкил этишнинг амалиётга йўналтирилган замонавий шакллари — кейс-стади (муаммоли вазиятларни ҳал этиш), презентация, жамоада ишлаш ва бошқалар қўлланилади.

Барча турдаги ўқув машғулотларининг давомийлиги, қоида тариқасида, 80 дақиқани, ўқув машғулотлари ўртасидаги танаффус камида 10 дақиқани ташкил этади.

Ўқув жараёни, қоидага кўра, 25 кишидан ортиқ бўлмаган тингловчилардан иборат академик гуруҳларда ташкил қилинади.

17. Тингловчиларнинг фанларни ўзлаштириши махсус электрон платформа орқали амалга оширилиб, барча модулларни ўзлаштирган тингловчиларга якуний имтихонга рухсат берилади.

4-боб. Тингловчиларнинг якуний имтихони

18. Касбий қайта тайёрлаш курсларида тингловчиларнинг якуний имтихони тест синовлари шаклида амалга оширилади. Бунда, тест синовлари онлайн режимида ўтказилиши ҳам мумкин.

Тест синовларини онлайн ёки оффлайн режимида ўтказиш ТДЮУ томонидан белгиланади.

19. Якуний имтихонда тест синовлари учун ажратилган максимал балнинг 56 фоизидан кам балл тўплаган тингловчилар курсларни муваффақиятли ўзлаштирамаган ҳисобланади.

Тест синовларидан муваффақиятли ўта олмаган тингловчиларга кейинги касбий қайта тайёрлаш курслари якунида фақат бир марта қайта топширишга имкон берилади.

Бунда, тингловчилар томонидан тест синовларини такроран топшириш пуллик асосида буюртмачининг маблағлари ёки тингловчининг ўз ҳисобидан амалга оширилади.

Тест синовлари учун тўланадиган тўлов миқдори ТДЮУ Кенгаши томонидан белгиланади.

20. Якуний имтихондан муваффақиятли ўтган касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчиларига Марказ директорининг буйруғи билан мазкур Низомнинг иловасида* белгиланган намунадаги ҳамда QR-код (матрик штрих код) билан рўйхатдан ўтказиладиган диплом берилади.

21. Якуний имтихонни ўтказишга доир талаблар ТДЮУ Кенгаши томонидан белгиланади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

22. Касбий қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатган ва белгиланган намунадаги дипломни олган тингловчилар — халқ таълими тизими педагог кадрлари беш йил давомида, ўрта махсус ва профессионал таълим тизими педагог кадрлари уч йил давомида белгиланган даврийликка мувофиқ малака оширишдан озод этилади.

23. Касбий қайта тайёрлаш курсларида дарс машғулотларини олиб бориш, шунингдек, ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда назорат ишларини текшириш учун юқори малакали мутахассислар, педагоглар, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш тартибида, шартнома асосида жалб этилади.

24. Тингловчилар қуйидаги ҳолатларда касбий қайта тайёрлаш курсларидан четлаштирилади:

ўз хоҳишига кўра;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўқув режасидаги фан(лар)ни ўзлаштирмаганда;
ўқув машғулотларини узрли сабабларсиз 30 академик соатдан ортик қолдирганлиги сабабли;
яқуний имтихондан муваффақиятли ўта олмаганда;
суднинг тингловчини озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳукми қонуний кучга кирганда;
саломатлиги туфайли (тиббий маълумотнома асосида);
тингловчининг вафоти муносабати билан;
Марказ одоб-ахлоқ ва ички тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузганда.

Тингловчи касбий қайта тайёрлаш курсларидан четлатилганда, унга Марказ томонидан сабаблари кўрсатилган ҳолда маълумотнома берилади, шунингдек, бу ҳақда уни касбий қайта тайёрлашга юборган буюртмачига хабар берилади.

25. Касбий қайта тайёрлаш курслари тингловчилари курсларда таълим олишни рад этганда ёки ўқишдан четлаштирилганда ўқиш учун тўланган тўлов-контракт суммаси қайтарилмайди.

26. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

176 Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 10 февралдаги ПҚ-4592-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 10 февралдаги ПҚ-4592-сон қарорига мувофиқ:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 апрелда эълон қилинган.

а) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилганлиги;

б) Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгиланганлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушадиган тамаки махсулотлари учун акциз солиғи йиғими суммасининг 7 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

в) Жамғарма маблағларидан:

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларига асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини сотиб олишда;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича юқори технологияли мураккаб операцияларни амалга ошириш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб қилишда;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга республика ҳудудидаги давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларининг юқори технологик ташхис қўйиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш хизматларини харид қилиш харажатларини қоплашда фойдаланилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Жамғарма маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш йўналишлари;

Жамғарма маблағларини сарфлаш ва бошқариш;

Жамғармага беморлар томонидан соғломлаштиришга кўмаклашиш юзасидан мурожаат этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби;

Жамғарма маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш.

3. Жамғарма маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) буюртмасига мувофиқ онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларига асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини сотиб олишда давлат харидлари жараёнлари бўйича «O'zmedimpeks» ДУК:

давлат харидлари жараёнларини амалга ошириш бўйича Вазирлик харид комиссиясининг ишчи органи;

харидлар юзасидан шартномаларни имзолаш бўйича контрагент;

шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича агент этиб белгилансин.

Бунда давлат харидлари жараёнларининг натижаларига кўра тузилган контрактлар Жамғарма маблағлари доирасида Вазирлик ва «O'zmedimpeks» ДУК ўртасида тузиладиган воситачилик шартномалари орқали молиялаштирилади.

4. Вазирлик манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 8 апрель,
193-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 8 апрелдаги 193-сон қарорига
ИЛОВА

**Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган
касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга
кўмаклашиш жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ҳамда унинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) Молия вазирлиги Ғазначилигида алоҳида очилган шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади ва мазкур Низомда белгиланган мақсадларга сарфланади.

3. Жамғарма маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўналишлари

4. Қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушадиган тамаки махсулотлари учун акциз солиғи йиғими суммасининг 7 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

конунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Жамғарма маблағларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларига асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини сотиб олишда;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича юқори технологияли мураккаб операцияларни амалга ошириш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб қилишда;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга республика ҳудудидаги давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларининг юқори технологик ташхис қўйиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш хизматларини харид қилиш харажатларини қоплаш.

3-боб. Жамғарма маблағларини сарфлаш ва бошқариш

6. Жамғармадан маблағлар ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ таркибда шакллантирилган Жамғарма маблағларини бошқариш кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) қарорига кўра сарфланади.

7. Жамғарма маблағлари бўйича даромад ва харажатлар сметаси Кенгаш таклифлари асосида Вазирлик томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

8. Жамғарма маблағлари ҳисобидан ташхис қўйиладиган ва даволадиган онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар рўйхати Вазирлик томонидан Кенгаш билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

9. Жамғарма Кенгаши тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ ҳар йили 10 январга қадар, заруратга кўра, йил давомида бир неча маротаба Жамғарма маблағлари ҳисобидан онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни (кейинги ўринларда — беморлар) соғломлаштиришга кўмаклашиш ҳажмини (кейинги ўринларда — режалаштирилган кўмак ҳажми) тасдиқлайди.

Бунда Жамғарма Кенгаши:

а) Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар йили, заруратга кўра, йил да-

* 2-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вомида бир неча маротаба соғломлаштиришга кўмаклашиладиган беморлар рўйхатини (кейинги ўринларда — рўйхат) Вазирлик тақдим этган статистик маълумотлар ҳамда ушбу беморларга тегишли тиббиёт ходимлари томонидан қўйилган ташхис ва хулосалар асосида тасдиқлайди.

рўйхатга киритиладиган беморлар уларга қўйилган ташхис асосида уларнинг ҳолатининг енгил, ўрта оғир, оғир ва ўта оғирлигидан келиб чиқиб ажратилади;

б) Жамғарма маблағларидан беморларга:

тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларига асбоб-ускуналар, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини сотиб олиш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқади;

йил давомида бир нафар бемор учун касаллик турига қараб жамғарма маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган ёрдам ҳажми, қиймати ва етказиб бериладиган дори воситаларининг турлари юзасидан режалаштирилган кўмак ҳажмини ишлаб чиқади;

юқори технологияли мураккаб операцияларни амалга ошириш учун хорижий мутахассисларни республикага жалб қилиш учун мураккаб операциялар рўйхати, шунингдек, ушбу мутахассисларнинг келиши ва кетиши билан боғлиқ (меҳмонхона ҳамда хизмат ҳақи ва бошқалар) харажатлари миқдорини тасдиқлайди;

республика ҳудудидаги давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларидан харид қилинадиган юқори технологик ташхис қўйиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш хизмат турларини тасдиқлайди.

10. Қуйидагилар Кенгаш аъзоларининг вазифалари ҳисобланади:

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этиш;

Кенгаш томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича овоз бериш;

Кенгаш мажлисларида шахсан қатнашиш, агар қатнашиш имкони бўлмаган тақдирда, мажлис кун тартиби бўйича ўз фикрини ёзма равишда тақдим этишга ҳақлидирлар;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мақсадлар бўйича оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали, шу жумладан, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) расмий веб-сайти орқали охириги олти ой давомида амалга оширилган ишлар юзасидан йилда икки маротаба ҳисоботни эълон қилиш.

11. Кенгаш раиси:

Кенгаш мажлиси кун тартибини белгилайди ва тасдиқлайди;

Кенгаш қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Кенгаш аъзоларига юкланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан уларнинг ишини мувофиқлаштиради;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш учун бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. Кенгаш котиби:

ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мақсадларга Жамғармадан маблағ ажратишга оид мурожаатларни Кенгаш мажлисида кўриб чиқишга тайёрлаш учун Кенгашнинг аъзоларига тегишлилиги бўйича тақсимлайди;

Кенгаш мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

мажлисни ўтказиш муддатлари ва жойи бўйича Кенгаш раисига таклифлар киритади;

кун тартибидаги масалалари бўйича Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Кенгаш аъзолари ва таклиф этилган шахсларни мажлис санаси, вақти, жойи ва кун тартиби лойиҳаси бўйича хабардор қилади;

Кенгаш баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни Кенгаш аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

Кенгаш қарорлари ижросининг назоратини юритади ҳамда Кенгашга мунтазам равишда ахборот киритиб боради.

Кенгаш котиби Кенгаш аъзоси ҳисобланади.

13. Кенгаш ўз мажлисларини заруратга кўра, бироқ ҳар ойда камида бир марта ўтказиши.

14. Кенгаш мажлисларини Кенгаш раиси, у бўлмаган тақдирда эса Кенгаш раисининг ўринбосари бошқаради.

15. Кенгаш мажлиси унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда ўтказилган ҳисобланади.

16. Кенгаш мажлисини ўтказиш учун кворум ёки раис ва унинг ўринбосари бўлмаганда, Кенгаш мажлисини ўтказишнинг янги санаси эълон қилинади.

17. Кенгаш мажлисига унда кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятига кўра, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг вакиллари, тиббиёт соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар вакиллари таклиф этилиши мумкин.

18. Кенгаш қарори Кенгашнинг мажлисида қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Кенгаш раисининг ёки раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

19. Кенгаш қарорлари Кенгаш мажлиси баёни билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлисининг баёни Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

20. Вазирликнинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси Жамғарманинг ишчи органи ҳисобланади.

21. Ишчи орган:

Жамғарманинг даромадлари ва харажатларининг йиллик молиявий режасини ишлаб чиқади;

даромадлар ва харажатлар сметаларини тайёрлайди, шунингдек, уларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритади;

Жамғарма тушумларини кўпайтириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Кенгаш розилиги билан қўшимча даромадларни жалб этиш мақсадида

вақтинча бўш маблағларни белгиланган тартибда тижорат банклари депозитларига жойлаштиради;

Жамғарманинг тушумлар манбалари бўйича даромадлари ҳамда асосий харажатлари йўналишлари бўйича ҳисобини юритади;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан Кенгаш қарорлари асосида ушбу Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошисида белгиланган тадбирлар доирасида харидларни ташкил этиш бўйича буюртмалар ишлаб чиқиши ва ишлаб чиқилган буюртмаларни Кенгаш билан келишган ҳолда харид жараёнларини ташкил этилиши, шунингдек, харид жараёнлари натижаларига кўра воситачилик шартномалари тузилиши ва молиялаштирилишини таъминлайди;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисоботларини мунтазам равишда Кенгашга киритади ва Кенгаш йиғилишларида иштирок этади;

хар чорак якуни бўйича Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ҳамда Вазирликка кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этади.

22. Вазирлик:

Жамғарма маблағларини ушбу Низомга ҳамда Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметасига мувофиқ тасарруф этади;

хар йили 25 декабргача Жамғарманинг келгуси йил учун даромадлари ва харажатлари сметаларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

зарур ҳолларда, тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритади;

Кенгаш қарорига мувофиқ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган шартномаларни тузади;

Жамғарма томонидан ажратилган маблағлар бўйича, шу жумладан, шартномани узайтириш ва ўзгартириш бўйича Кенгаш билан келишган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилади;

Жамғарманинг чорак якуни бўйича даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини бажариш бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қилади.

23. Кенгаш таклифи ҳамда Вазирлик хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 сентябрдаги ПҚ–3948-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинadиган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар рўйхатида келтирилган мамлакат ва халқаро ташкилотларда рўйхатдан ўтган беморларни даволаш учун зарур бўлган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказмасдан, Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилиш ва беморларга ишлатишга рухсат берилади.

4-боб. Жамғармага беморлар томонидан соғломлаштиришга кўмаклашиш юзасидан мурожаат этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби

24. Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар йилга соғломлаштиришга кўмаклашиладиган беморлар рўйхатига киритилган беморлар томонидан режалаштирилган кўмак ҳажмига қўшимча таклифлар бўлган тақдирда, шунингдек, рўйхатга киритилмаган беморлар томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш юзасидан Марказнинг расмий веб-сайти орқали электрон мурожаат қилинади.

25. Марказ келиб тушган мурожаатларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ва таҳлил қилган ҳолда, Кенгашнинг навбатдаги мажлисига муҳокама учун киритишга масъул ҳисобланади.

26. Мурожаатлар кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун Марказ томонидан Кенгаш котибига Кенгаш мажлисидан беш кун олдин тақдим этилади.

27. Кенгаш котиби мурожаатлар Жамғарманинг тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ ҳамда тасдиқланган ушбу даромадлар ва харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш имкониятларини инобатга олган ҳолда, Кенгаш мажлисида кўриб чиқилишини таъминлайди.

28. Кўриб чиқилган мурожаатлар юзасидан Кенгаш қарорлари Кенгаш мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади ва ушбу баённомадан кўчирма Марказ томонидан уч кун муддатда мурожаат эгасига юборилади.

5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш

29. Жамғарма маблағларининг тушуми ва улардан фойдаланишнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек, ҳисоботларни тузиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлик томонидан амалга оширилади.

30. Жамғарманинг жорий молия йилида фойдаланилмаган (ўзлаштирилмаган) маблағлари кейинги молия йилига ўтади.

31. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан назорат қилинади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

32. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****177 Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш қоидаларининг 5-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2968-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ–6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2017 йил 27 декабрдаги 530-сон буйруғи (рўйхат рақами 2968, 2018 йил 6 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 10/18/2968/0660-сон) билан тасдиқланган Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш қоидаларининг 5-иловаси матнидаги «паспорт» деган сўз «биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 23 март,
85-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

178 Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларининг 5-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2967-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ–6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2017 йил 27 декабрдаги 529-сон буйруғи (рўйхат рақами 2967, 2018 йил 6 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 10/18/2967/0659-сон) билан тасдиқланган Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларининг 5-иловаси матнидаги «Паспорт» деган сўз «биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ХУДАЙБЕРГАНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 март,
86-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

179 Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2764-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 696-сон «Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 январдаги 220/2-сон қарори (рўйхат рақами 2764, 2016 йил 17 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил 7-сон, 69-модда) билан тасдиқланган Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 март,
295/11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Олий аттестация комиссияси Раёсатининг
2021 йил 31 мартдаги 295/11-сон қарорига
ИЛОВА

Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 апрелда эълон қилинган.

ни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий таълимдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ малакавий имтихонларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.».

2. 4-банддаги «олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари» деган сўзлар «илмий ташкилот ва таълим муассасалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 5-банднинг учинчи хатбошисидаги «Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасалари» деган сўзлар «Илмий ташкилот ёки таълим муассасалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ
КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

180 Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2443-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 696-сон «Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффоқлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 31 январдаги 195/5-сон қарори (рўйхат рақами 2443, 2013 йил 25 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 13-сон, 169-модда) билан тасдиқланган Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 март,
295/12-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил
31 мартдаги 295/12-сон қарорига
ИЛОВА

Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон «Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий таълимдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг (бундан буён матнда ОАК деб юритилади) эксперт кенгаши фаолиятини тартибга солиди.».

2. 6-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «(маслаҳатчиларни)» деган сўз «(консультантларни)» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари,» деган сўзлар «илмий ташкилот ва таълим муассасалари,» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 21-банддаги «маслаҳатчи» деган сўз «консультант» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 34-банднинг биринчи хатбошисидаги «(маслаҳатчиси)» деган сўз «(консультанти)» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ
КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

181 **Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2665-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 696-сон «Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффоқлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/8-сон қарори (рўйхат рақами 2665, 2015 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 15-сон, 185-модда) билан тасдиқланган Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 март,
295/13-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил
31 мартдаги 295/13-сон қарорига
ИЛОВА

**Диссертация ва диссертация авторефератини
расмийлаштириш қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий таълимдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) ҳамда фан доктори (Doctor of Sciences) диссертацияси (бундан буён матнда диссертация деб юритилади) ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидаларини белгилайди.».

2. 8-банднинг олтинчи хатбошисидаги «олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг» деган сўзлар «илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 40-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«биринчи бўлимда — тегишли илмий нашрларда чиқарилган илмий ишлар ва олинган патентлар кўрсатилади;».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ
КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

182 **Диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш бўйича услубий кўрсатмаларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2666-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 696-сон «Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/9-сон қарори (рўйхат рақами 2666, 2015 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил 15-сон, 186-модда) билан тасдиқланган Диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш бўйича услубий кўрсатмаларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раиси

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 31 март,
295/14-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил
31 мартдаги 295/14-сон қарорига
ИЛОВА

**Диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий
қилинишини баҳолаш бўйича услубий кўрсатмаларга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий таълимдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш бўйича услубий кўрсатмаларни белгилайди.»

2. 1-банддаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларининг» деган сўзлар «Олий таълимдан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2-банддаги «муассасада» деган сўз «илмий ташкилот ёки таълим муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

183 **Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163-3

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сон «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4804-сон «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4850-сон «Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2021 йил 23 мартдаги ПҚ-5033-сон «Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бўюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.05.2019 й., 10/19/3163/3221-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 9 апрель,
19-2021-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2021 йил 9 апрелдаги
19-2021-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат
жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар
ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ўн олти ёшдан то пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органлари-га мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли шахслар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно) ишсизлар деб эътироф этилади.».

2. Қўйидаги мазмундаги 2³ — 2⁷-бандлар билан тўлдирилсин:

«2³. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги ПФ-6059-сон «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ «Қоракўлчилик» уюшмаси аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун камида битта иш ўрни яратиш шarti билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдо-рида субсидиялар ажратилади.

2⁴. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривож-лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси-ни «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йи-ли»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига муво-фиқ тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган

ишсиз, шу жумладан «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар ажратилади.

2⁵. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ–4804-сон «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача;

тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўлови;

хунармандларнинг «Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун субсидия ажратилади.

2⁶. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ–4850-сон «Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар АБКМда рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун — 6 ой давомида ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан, бироқ ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробаридан ошмаган миқдорда субсидия ажратилади.

2⁷. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПҚ–5033-сон «Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ уста-шогирд анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган кулолларга шогирдлар тайёрлаши, зарур хом ашё сотиб олиши ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун субсидиялар ажратилади.».

3. 3-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3-боб. АБКМда рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳловчи иш қидираётган шахсларга ва ишсиз шахсларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шу жумладан штамплар ва муҳрлар олиш, электрон рақамли имзо олиш, тадбиркорликка ўқиш харажатларини тўлаш ва кредитни олиш чоғида суғурта полиси ҳақини тўлаш учун субсидия ажратиш»

4. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. АБКМнинг масъул ходими АБКМда рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳловчи ишсиз шахснинг мурожаатини кўриб

чиқади ва унга қуйидаги харажатларни жамғарма маблағлари ҳисобидан тўлаб берилишини таклиф қилади:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш;
кичик корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш;
микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
штамплар ва муҳрлар олиш, электрон рақамли имзо олиш;
тадбиркорликка ўқитиш;
кредит олишда суғурта полиси тўлови;

тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўлови харажатларини қоплаш;

«Қоракўлчилик» уюшмаси аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш;

«Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш;

тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат куроллари харид қилиш;

ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун;

уста-шогирд анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган кулолларга шогирдлар тайёрлаши, зарур хом ашё сотиб олиши ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш.»

5. 20 ва 21-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахс:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ёки кичик корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш ёхуд микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шу жумладан штамплар ва муҳрлар олиш, электрон рақамли имзо олиш учун 1 ой ичида Давлат хизматлари марказига ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат қилиши;

тадбиркорликка ўқиш учун 2 ой ичида тадбиркорлик бўйича ўқитиш билан шуғулланадиган тегишли муассасага ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат қилиши;

кредит олишда суғурта полиси тўловини унга ажратилган субсидия ҳисобидан амалга ошириш учун тегишли суғурта шартномасини 2 ой ичида АБКМга тақдим этиши;

тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўлови тўлаб берилиши учун ижара шартномаси тузилган кундан бошлаб 10 кун ичида тегишли ҳудуддаги АБКМга мурожаат қилиши;

«Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлишни хоҳловчи шахс «Хунарманд» уюшмасига 1 ой ичида шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат қилиши керак.

21. Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи ишсиз шахс якка тартибдаги

тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ёки кичик корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш ёхуд микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шу жумладан штамплар ва муҳрлар олиш, электрон рақамли имзо олиш учун Давлат хизматлари марказига мурожаат қилгандан кейин Давлат хизматлари маркази томонидан тегишли харажатларни тўлаб бериш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тегишли ҳудуддаги АБКМга электрон сўровнома юборади.»

6. Қуйидаги мазмундаги 3¹-боб билан тўлдирилсин:

«3¹-боб. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда «Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадали учун субсидия ажратиш

26¹. АБКМда рўйхатдан ўтган тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз шахс тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўлови харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш юзасидан АБКМга ариза билан мурожаат қилади.

Аризага биометрик паспорт ёки идентификация ID-картасининг нусхаси, тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси илова қилиши шарт.

26². АБКМнинг масъул ходими тадбиркорлик фаолиятини бошлаган шахснинг ижарага олинаётган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаб бериш учун субсидия ажратиш юзасидан тақдим этилган ҳужжатларни 5 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқади.

Тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланмаган тақдирда, масъул ходим аризачига ижарага олаётган бино ва иншоот бўйича уч томонлама тузиладиган ижара шартномасини ҳар ой тўланадиган тўлов миқдори кўрсатилган ҳолда тақдим этилиши кераклиги ҳақида хабар беради.

26³. Ижара шартномаси томонлар ўртасида имзоланганидан кейин, АБКМнинг масъул ходими ижарага олинаётган бино ва иншоотнинг ижара шартномасида кўрсатилган ҳар ой тўланадиган тўлов миқдоридан келиб чиққан ҳолда ижара тўловини тўлаб бериш тўғрисида АБКМ раҳбарининг буйруғини расмийлаштиради. Бунда, буйруқда ижара тўловчи томонидан ҳар ой учун алоҳида тўлаб берилиши керак бўлган тўлов миқдори кўрсатилиши керак.

АБКМ томонидан бино ва иншоотнинг ижараси учун уч ой давомида тўлаб бериладиган субсидия — базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 барава-ригача этиб белгиланади ва уч ойга тенг тақсимланган ҳолда ҳар бир ой учун тўлаб берилади.

26⁴. Тақдим этилган ҳужжатлар АБКМнинг масъул ходими томонидан

кўриб чиқилиши натижасида камчиликлар аниқланган тақдирда, унга субсидия бериш рад этилади.

26⁵. «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлишни хоҳловчи шахс томонидан уни уюшмага аъзо қилиш бўйича «Хунарманд» уюшмаси бадий кенгашининг қарори нусхаси, аъзолик бадали тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисоб рақами ҳамда аъзолик бадалининг миқдори АБКМга тақдим этилади ва АБКМ томонидан жамғарма маблағлари ҳисобидан зарур пул маблағлари электрон шаклда тегишли ҳисоб рақамига ўтказилади.

26⁶. «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлган шахс унга аъзолик гувоҳномаси берилган кундан бошлаб 3 иш куни ичида «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини АБКМга тақдим қилиши шарт.».

7. 27-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Мазкур Низом мақсадлари учун аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига қўйидагилар киради:

ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек кўп болали оилаларнинг ота-оналарига; умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактабларини, касб-ҳунар коллежларини ҳамда техникумларни тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;

«Меҳрибонлик» уйлариининг битирувчилари, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар;

ногиронлиги бўлган шахслар;

пенсияолди ёшидаги шахслар;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар;

одам савдосидан жабрланганлар.».

8. Қўйидаги мазмундаги 5³ — 5⁷-боблар билан тўлдирилсин:

«5³-боб. «Қорақўлчилик» уюшмаси аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш

40¹⁷. «Қорақўлчилик» уюшмаси аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатлар «Қорақўлчилик» уюшмаси, уюшма аъзоси ва АБКМ ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома асосида қоплаб берилади.

40¹⁸. «Қорақўлчилик» уюшмаси аъзоси харид қилишни режалаштираётган қўл меҳнати учун ускуналар хариди учун сарфланадиган харажатлар-

ни қоплаб бериш юзасидан тегишли ҳудуддаги АБКМга ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қўйидагилар илова қилинади:

«Қорақўлчилик» уюшмасига аъзолик гувоҳномасининг нусхаси;

мавжуд ва ташкил этиладиган иш ўринлари сони тўғрисидаги маълумот;

харид қилиш режалаштирилган ускуналар тўғрисида маълумот (ускунанинг номи ва нима учун мўлжалланганлиги, сони, нархи);

уч томонлама шартнома лойиҳаси.

40¹⁹. АБКМнинг масъул ходими 3 иш куни ичида мурожаатда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини ўрганиб чиқади.

40²⁰. АБКМнинг масъул ходими томонидан ўрганиш натижаларига кўра мурожаатда тақдим этилган маълумотлар тўғри деб топилганда, субсидия ажратиш учун уч томонлама шартнома ва АБКМ раҳбарининг базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида субсидия ажратиш тўғрисидаги буйруғи расмийлаштирилади, шунингдек бу ҳақда мурожаат муаллифига хабар берилади.

40²¹. Мурожаатни ўрганиш натижасига кўра тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда ҳамда ҳужжатларда ёлғон маълумотлар кўрсатилганлиги аниқланганда субсидия ажратиш рад этилади ва бу тўғрисида мурожаат муаллифига барча камчиликлар кўрсатилган тарзда жавоб хати юборилади.

40²². Шартнома шартлари бўйича «Қорақўлчилик» уюшмаси аъзосига қўл меҳнати учун тегишли ускуналар харид қилингандан кейин, АБКМ томонидан жамғарма маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида пул маблағлари электрон шаклда тегишли ҳисоб рақамига ўтказилади.

40²³. Мазкур Низомнинг 5³-бобида назарда тутилган субсидия тури 5¹ ва 5²-бобларда кўрсатилган субсидия туридан фойдаланган юридик ёки жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди.

**5⁴-боб. Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш
фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан
«Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га
киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак
бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш
учун субсидиялар ажратиш**

40²⁴. АБКМда рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаро ўз фаолиятини бошлаши учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар ажратилишини сўраб АБКМга ариза билан мурожаат қилади.

Аризада фуқаро ўз фаолиятини бошлаши учун керак бўладиган асбоб-

ускуна, меҳнат қуролларининг номи ва тури, сони, тахминий харид нархи ва бошқа қўшимча маълумотлар кўрсатилиши, шунингдек фуқаро касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакани ошириш ва тадбиркорлик кўникмалари курсларини тугатганлиги ҳамда якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтганлиги ёки ўзини ўзи банд қилиш истагидаги фуқаролар фаолият турлари бўйича солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилиниши лозим.

40²⁵. АБКМнинг масъул ходими фуқаронинг мурожаатини 3 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ўрганиб чиқади.

Кўриб чиқиш натижасида ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган ва унда камчиликлар ёки ёлғон маълумотлар аниқланмаган тақдирда мурожаат муаллифига ўз фаолиятини бошлашига керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратиш тўғрисида АБКМ раҳбарининг буйруғини расмийлаштиради.

Буйруқда асбоб-ускуна, меҳнат қуролларининг номи ва уларни харид қилиш учун ажратиладиган субсидия миқдори кўрсатилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш натижасида ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки унда камчиликлар мавжудлиги ёхуд ёлғон маълумотлар кўрсатилганлиги аниқланган тақдирда мурожаат муаллифига рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабар берилади.

40²⁶. АБКМнинг масъул ходими буйруқ расмийлаштирилган кундан бошлаб 5 иш кун ичида Электрон давлат харидлари портали (dxarid.uzex.uz) орқали буйруқда кўрсатилган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш бўйича буюртма беради.

40²⁷. Буюртма асосида асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуроллари етказиб берилганда, бу ҳақда АБКМ ходими қабул қилиб олган кундан бошлаб 1 иш кунидан кечиктирмай мурожаат муаллифини хабардор қилади.

40²⁸. Тегишли асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуроллари мурожаат муаллифига АБКМ ходими ва мурожаат муаллифи ўртасида тузиладиган далолатнома асосида топширилади. Далолатномада мурожаат муаллифига тақдим этилаётган асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуролларининг хусусиятидан келиб чиқиб номи, тури, маркаси, кафолат муддати, харид қилинган нархи ва вақти кўрсатилиши керак.

5⁵-боб. Тадбиркорлик субъектларига иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш

40²⁹. Тадбиркорлик субъекти иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсга мослаштирилганлиги учун субсидия ажратишни сўраб тегишли ҳудуддаги АБКМга ёзма равишда мурожаат қилади.

40³⁰. Мурожаатда ташкилотга ишга қабул қилинган ногиронлиги бўлган шахсларнинг Ф.И.О., улар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитла-

ри юзасидан давлат экспертизаси хулосаси, иш жойларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун сарфланган харажатлар миқдори тўғрисида маълумот ҳамда ташкилотнинг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисоб рақами кўрсатилади, шунингдек ногиронлиги бўлган шахснинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси илова қилинади.

40³¹. АБКМнинг масъул ходими 3 иш куни ичида мурожаатда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги, барча ҳужжатларнинг тақдим этилганлиги ҳамда ёлғон маълумотлар кўрсатилмаганлигини ўрганиб чиқади.

40³². АБКМнинг масъул ходими томонидан ўрганиш натижаларига кўра мурожаатда кўрсатилган маълумотлар тўғри ва тўлиқ, барча ҳужжатлар тақдим этилган ҳамда ёлғон маълумотлар кўрсатилмаган деб топилганда, мурожаат қилган ташкилотга ҳар бир ногиронлиги бўлган шахсга мослаштирилган иш ўринлари ва шароитлари учун харажатларини қоплаш учун тегишли миқдорда, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваридан кўп бўлмаган субсидия тўлаб бериш тўғрисида АБКМ раҳбарининг буйруғи расмийлаштирилади ва бу ҳақда мурожаат қилган ташкилотга хабар берилади.

40³³. АБКМнинг масъул ходими томонидан ўрганиш натижаларига кўра мурожаатда кўрсатилган маълумотлар тўғри ва тўлиқ эмас ёки барча ҳужжатлар тақдим этилмаган ёхуд ёлғон маълумотлар кўрсатилган деб топилганда, мурожаат қилган ташкилотга субсидия ажратишни рад этиш ҳақидаги асослантирилган хат юборилади.

40³⁴. АБКМ раҳбарининг субсидия ажратиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилингандан кейин АБКМнинг масъул ходими 3 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда жамғарма маблағлари ҳисобидан буйруқда белгиланган пул маблағларини мурожаат қилган ташкилотнинг мурожаатида кўрсатилган ҳисоб рақамига электрон шаклда ўтказилади.

5⁶-боб. Ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар АБКМда рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш

40³⁵. Ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар АБКМда рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун — 6 ой давомида ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, бироқ ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан ошмаган миқдорда субсидия ажратишни сўраб тегишли ҳудуддаги АБКМга мурожаат қилади.

40³⁶. Мурожаатда ижарачи АБКМ йўлланмаси асосида ишга қабул қилинган шахсларнинг Ф.И.О., тўлаб берилиши лозим бўлган субсидия миқдори ҳамда ташкилотнинг ҳисоб рақами кўрсатилиши, шунингдек мурожаатга ходимнинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси илова қилиниши шарт.

40³⁷. АБКМнинг масъул ходими иш берувчи томонидан субсидия ажратишни сўраб такдим этилган ҳужжатларни 5 иш куни ичида ўрганиб чиқади. Масъул ходим ҳужжатларни ўрганиб чиқишда ходимни АБКМ йўлланмаси асосида ишга қабул қилинганлиги ва узлуксиз ушбу ташкилотда ишлаётганлиги, шунингдек мазкур Низомнинг 40³⁶-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ кўрсатилганлиги ҳамда ходимнинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси такдим қилинганлигига эътибор қаратиши лозим.

40³⁸. АБКМнинг масъул ходими томонидан иш берувчи ташкилот такдим этган ҳужжатлар тўлиқлиги, унда барча зарур маълумотлар кўрсатилганлиги ва АБКМ томонидан ходим учун берилган йўлланма ҳақиқий деб топилганлиги аниқланганда мурожаатда кўрсатилган ходим учун субсидия ажратиш тўғрисида АБКМ раҳбарига ёзма шаклда таклиф киритади.

Бунда, АБКМ раҳбари масъул ходимга мурожаатда кўрсатилган ходим учун субсидия ажратиш тўғрисида розилик билдиради ва субсидия ажратиш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилади. Буйруқда ажратиладиган субсидия миқдори ва уни тўлаб бериш шартлари кўрсатилиши зарур.

40³⁹. АБКМнинг масъул ходими томонидан тегишли ҳужжатлар тўлиқ такдим этилмаган ёки унда барча зарур маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд АБКМ томонидан ходим учун берилган йўлланма ҳақиқий эмас деб топилганда, ўрганиш натижаси бўйича мурожаатда кўрсатилган ходим учун субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида мурожаат муаллифига рад этишнинг сабаблари асослантирилган ҳолда жавоб хати юборилади.

40⁴⁰. АБКМнинг масъул ходими мурожаат муаллифи томонидан такдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларни ўрганиш натижаси бўйича билдирилган таклиф ёки рад этиш асослантирилганлиги учун масъул ҳисобланади.

40⁴¹. АБКМ раҳбарининг субсидия ажратиш тўғрисидаги буйруғига асосан иш берувчи ташкилотга унинг мурожаатида кўрсатилган ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, бироқ ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан ошмаган миқдорда субсидия ажратилади ва АБКМ томонидан иш берувчига ойма-ой тўлаб борилади.

40⁴². Давлат солиқ хизмати органи томонидан АБКМ йўлланмаси билан ишга қабул қилинган шахсга иш ҳақи ҳисобланмаганлиги тўғрисида маълумот берилганда, ушбу маълумот берилган вақтдан бошлаб АБКМ томонидан ходимнинг иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун ажратилган субсидияни тўлаб бериш тўхтатилади.

57-боб. Уста-шогирд анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган кулолларга шогирдлар тайёрлаши, зарур хом ашё сотиб олиши ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун субсидиялар ажратиш

40⁴³. Уста-шогирд анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган кулол шогирдлар тайёрлаши, зарур хом ашё сотиб олиши ёки шогирдларни

иш ҳақи билан таъминлаши учун субсидия ажратишни сўраб тегишли ҳудуддаги АБКМга ариза билан мурожаат қилади.

Аризада уста-шогирд анъаналари асосида ҳунар ўрганиш истагидаги ёшларнинг Ф.И.О. ҳамда субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисоб рақам кўрсатилиши, шунингдек ушбу шахсларнинг ишга қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси илова қилиниши керак.

40⁴⁴. АБКМнинг масъул ходими кулолнинг мурожаатини 3 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқади.

Кўриб чиқиш натижасида аризада барча маълумотлар тўғри кўрсатилган, шунингдек тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, мурожаат муаллифига тегишли субсидияни ажратиш тўғрисида АБКМ раҳбарининг буйруғини расмийлаштиради.

Мурожаатни кўриб чиқиш натижасида ундаги маълумотлар тўғри кўрсатилмаган ёки тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда субсидия беришни рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда мурожаат муаллифига ёзма равишда хабар берилади.

40⁴⁵. АБКМ томонидан жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратиладиган пул маблағлари мурожаатда кўрсатилган ҳисоб рақамга электрон шаклда ўтказилади.».

9. Илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

10. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда «Хунарманд» ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмалари билан келишилган.

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2021 йил 23 март

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири

Р. МАМАТОВ

2021 йил 17 март

Ёшлар ишлари агентлиги директори

А. САЪДУЛЛАЕВ

2021 йил 16 март

*Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни
қисқартириш вазири*

Д. КУЧКАРОВ

2021 йил 18 март

*Ўрмон хўжалиги давлат
қўмитасининг раиси*

Н. БАКИРОВ

2021 йил 1 апрель

*Пиллачилик ва қоракўлчиликни
ривожлантириш қўмитаси раиси*

Б. ШАРИПОВ

2021 йил 1 апрель

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2021 йил 19 март

*«Хунарманд»
уюшмаси раиси*

У. АБДУЛЛАЕВ

2021 йил 10 март

*«Ўзбекипаксаноат»
уюшмаси раиси*

Б. ШАРИПОВ

2021 йил 16 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

184 Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан магистрал газ ўтказиш қувурлари орқали олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3295*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Энергетика вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан магистрал газ ўтказиш қувурлари орқали олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 март,
01-02/12-01-сон

Энергетика вазири

А. СУЛТАНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 февраль,
ИНЛ-841/20-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил
6 мартдаги 01-02/12-01-сон ва Энергетика
вазирлигининг 2021 йил 26 февралдаги
ИНЛ-841/20-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан
магистрал газ ўтказиш қувурлари орқали олиб
ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона
расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан магистрал газ ўтказиш қувурлари орқали олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар фойдаланилади:

магистрал газ ўтказиш қувури — Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали табиий газ олиб ўтиладиган қувур;

табиий газнинг ҳисобини юритувчи асбоблар — магистрал газ ўтказиш қувурларининг ўлчов тармоқларида табиий газ ҳажмларини аниқлаш учун ўрнатилган табиий газ ҳисоблагичлари;

ҳисоб-китоб даври — магистрал газ ўтказиш қувурлари орқали табиий газ етказиб бериш амалга ошириладиган ой;

ўлчов тармоғи — магистрал газ ўтказиш қувурларида табиий газнинг ҳисобини юритувчи асбоблар ўрнатилган жой;

шартнома соати — табиий газ етказиб бериш бўйича тузилган шартнома шартларига асосан ҳисоб-китоб даврини ёпиш вақти ва санаси;

назорат божхона пости — Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан магистрал газ ўтказиш қувурлари орқали олиб ўтиладиган табиий газ устидан божхона назоратини амалга оширадиган божхона пости;

расмийлаштирув божхона пости — Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан магистрал газ қувурлари орқали олиб ўтиладиган табиий газнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширадиган божхона пости;

божхона идентификацияси — божхона органи томонидан пломбалар, муҳрлар қўйиш, штамплар босиш, рақамли, ҳарfli тамғалар ёзиш, шунингдек бошқа божхона идентификациялаш воситаларини қўллаш орқали амалга ошириладиган божхона назорати шакли.

2. Расмийлаштирилган божхона юк декларацияси (бундан буён матнда БЮД деб юритилади) ёки муваққат божхона юк декларацияси (бундан

буён матнда МБЮД деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан табиий газни олиб ўтиш учун асос бўлади.

2-боб. Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган табиий газнинг божхона назорати

3. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан магистрал газ ўтказиш қувурлари орқали табиий газ олиб ўтилиши устидан божхона назорати назорат божхона пости ходимлари томонидан амалга оширилади.

Божхона назорати жойлари Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (бундан буён матда ДБК деб юритилади) билан келишилган ҳолда мазкур Низомнинг 1-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ белгиланади.

4. Божхона чегарасидан магистрал газ ўтказиш қувурлари орқали олиб ўтиладиган табиий газнинг божхона назорати назорат божхона пости ходимлари ва ўлчов тармоғи масъул ходимлари томонидан табиий газнинг ҳисобини юритувчи асбоблардаги кўрсаткичларни олиш, ҳисоб тизимини, қиёслаш воситалари мавжудлиги ва бут сақланганлигини, ҳисоблагичларни давлат стандартларига мувофиқлигини, божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳисобот ва маълумотларни текшириш йўли билан амалга оширилади.

5. Табиий газнинг ҳисобини юритувчи асбоблардаги кўрсаткичларни олиш ўлчов тармоғи масъул ходими томонидан ҳисоб-китоб даврининг охири кунда шартнома соатига мувофиқ назорат божхона пости ходими иштирокида амалга оширилади.

Бунда мазкур Низомнинг 2-иловасида* кўрсатилган шаклда уч нусхада далолатнома расмийлаштирилади.

Назорат божхона пости ходими далолатнома тузилгач ундаги маълумотларни ДБК Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади.

Далолатноманинг бир нусхаси ўлчов тармоғида ёки мазкур ўлчов тармоғи жойлашган жойдаги «Ўзтрансгаз» АЖнинг ҳудудий таркибий тузилмасида сақланади ва қолган икки нусхаси ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 5 санасига қадар:

божхона назорати учун расмийлаштирув божхона постига;
«Ўзтрансгаз» АЖга юборилади.

6. Ўлчов тармоғи ва табиий газнинг ҳисобини юритувчи асбоблар устидан божхона назорати бир ойда камида икки марта назорат божхона пости томонидан амалга оширилади.

7. Ўлчов тармоғида божхона қонунчилиги бузилиши ҳолати аниқланганда, назорат божхона пости ходими Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чоралар кўради.

Ҳудудий божхона органи божхона қонунчилиги бузилиши ҳолати аниқланган пайтдан эътиборан уч кундан кечиктирмасдан божхона қонунчилиги бузилиши ҳолати ҳақида расмийлаштирув божхона постини хабардор қилади.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Божхона идентификацияси воситаларини қўйиш ва олиш тартиби

8. Божхона идентификацияси воситаларини қўйиш ва олиш божхона назорати жойларида назорат божхона пости ходими томонидан ўлчов тармоғи масъул ходимлари иштирокида амалга оширилади, бундан табиий газни ҳисобга олиш тизимининг ишдан чиқиши учун хавф мавжуд бўлган ҳолатлар мустасно.

9. Табиий газнинг ҳисобини юритувчи асбобларга божхона пломбаларини қўйиш ёки уларни ечиш ва ўзгартирилишида ўлчов тармоғи ходими томонидан пломбалаш жойлари тайёрланади.

10. Назорат божхона пости ходими ушбу Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклдаги далолатномани 3 нусхада расмийлаштирган ҳолда пломбаларни қўяди ёки олиб ташлайди.

Далолатноманинг бир нусхаси назорат божхона постида, иккинчи нусхаси ўлчов тармоғида, учинчи нусхаси эса 5 кун ичида расмийлаштирув божхона постига юборилади.

11. Божхона идентификацияси фақатгина Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан ўзгартирилиши, олиб ташланиши ёки йўқ қилиниши мумкин, бундан табиий газни ҳисобга олиш тизимининг ишдан чиқиши учун хавф мавжуд бўлган ҳолатлар мустасно. Божхона пломбасининг бутлиги бузилиши ҳақида ўлчов тармоғи ходими томонидан бузилишлар аниқланган вақтдан бошлаб бир сутка мобайнида божхона органига хабар берилади ва бундай бузилиш сабаблари тўғрисида ёзма тушунтириш тақдим этади.

12. Табиий газнинг ҳисобини юритувчи асбобларни текшириш ёки алмаштириш ёхуд божхона пломбалари бутлигининг бузилишлари талаб этадиган бошқа ишларни амалга ошириш зарурияти туғилганда, божхона пломбаларининг сақланиши учун масъул шахслар назорат божхона пости ишларининг бошланиши ва якунланиши саналарини кўрсатган ҳолда ушбу ишлар олиб борилиши ҳақида олдиндан хабардор қиладилар.

13. Мазкур Низомнинг 12-бандида келтирилган ишлар бажарилганидан сўнг назорат божхона пости ходими ушбу Низомнинг 8 — 10-бандларида кўрсатилган тартибда божхона идентификацияси воситаларини қўллайди.

4-боб. Табиий газни декларациялаш ва божхона расмийлаштируви

14. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан магистрал газ ўтказиш қувурлари орқали олиб ўтилаётган табиий газ декларацияланиши керак.

Табиий газнинг божхона расмийлаштируви ДБҚ томонидан белгиланадиган расмийлаштирув божхона постларида амалга оширилади.

Табиий газни декларациялаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ рас-

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мийлаштирув божхона постига қоғозли ёки электрон шаклда БЮДни топшириш йўли билан амалга оширилади.

15. Қўйидагилар бўлмаган тақдирда, МБЮД тақдим этишга рухсат этилади:

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномалар;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
қувур транспортлари орқали ҳақиқий ўтказиладиган товарларнинг ҳажми ва қийматини аниқлаш имконияти;
контрактлар (шартномалар, келишувлар) ваколатли органларда рўйхатдан ўтказилмаганда.

16. МБЮД божхона постига расмийлаштириш учун табиий газ етказиб беришдан олдин, ҳисоб-китоб давридан олдинги ойнинг 20 санасидан кечиктирмай тақдим этилади.

МБЮД билан бир вақтда қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

табиий газ етказиб бериш учун шартнома;

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали табиий газни магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтиш бўйича мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ йиғма далолатнома.

17. МБЮДда қайд этилиши лозим бўлган маълумотлар табиий газнинг мўлжалланаётган ҳажмини ҳисобга олган ҳолда тахминий равишда кўрсатилади.

Тўлиқ БЮДни расмийлаштиришда тақдим этиладиган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни МБЮДда кўрсатилиши талаб этилмайди.

18. МБЮД Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (бундан буён матнда Йўриқнома деб юритилади) мувофиқ тўлдирилади.

19. МБЮДнинг 1, 31 ва 45-графаларининг тўлдирилиши қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

а) 1-графа «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида товарларни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади «ВД» — «вакцинчалик декларация».

Графанинг иккинчи бўлмасида Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган «Божхона режимлари таснифлагичи»га мувофиқ божхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади;

б) 31-графа «Юк жойлари ва товар тавсифи». «Маркировка ва миқдор — контейнерлар рақами — товар тавсифи».

Графада қўшимча равишда табиий газнинг ҳисобот даври муддатида олиб чиқилиши ёки олиб кирилиши мўлжалланаётганлигидан келиб чиқиб, унинг тахминий ҳажмлари кўрсатилади;

в) 45-графа «Божхона қиймати».

Графада табиий газ экспорти шартномасининг шартлари асосида божхона чегараси орқали ўтказилиши мўлжалланаётган табиий газ ҳажмига мувофиқ аниқланадиган шартли божхона қиймати қайд қилинади.

Агарда, бундай нарх МБЮД топширилгандан кейинги қайд этилган

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

санадаги биржа баҳосига боғлиқ бўлса, тахминий нархни аниқлаш учун МБЮД қабул қилинган кундаги биржа баҳоси олинади.

20. МБЮД ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва божхона расмийлаштируви тўлиқ БЮДни тақдим этиш орқали декларацияланадиган товарларга нисбатан қўлланиладиган тартибга мувофиқ божхона органи томонидан амалга оширилади.

МБЮДга тўлиқ БЮД расмийлаштирилгандан сўнг, унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

21. МБЮДни тақдим этишда тўлиқ БЮДнинг тақдим этиш муддати МБЮДда кўрсатилган ҳисоб-китоб даври тугашидан тўқсон календарь кунидан ошиб кетмаслиги лозим.

22. Тўлиқ БЮДнинг божхона расмийлаштируви муддати товар етказиб бериш ойнанинг охириг кун амалда бўлган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

БЮД билан бир вақтда қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали табиий газни магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтиш бўйича мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ йиғма далолатнома;

ҳисоб-китоб даврида табиий газни етказиб бериш тўғрисидаги шартнома тузувчининг қабул қилиш-топшириш далолатномаси.

23. Тўлиқ БЮД маълум қилинган божхона режимига мувофиқ Йўриқнома талаблари асосида қўйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

а) 1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида товарларни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади.

Графанинг иккинчи бўлмасида Божхона режимлари таснифлагичига мувофиқ божхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади.

Графанинг учинчи бўлмасида «ПВД» — «вақтинчалик декларациядан сўнг» ҳарфли белгиси кўрсатилади;

б) 7-графа. «БЮДнинг рўйхат рақами».

Графада МБЮДнинг рўйхат рақами кўрсатилади;

в) 37-графа. «Процедура».

Графанинг охириг учта рақамига — «071» коди кўрсатилади;

г) «D» — графа.

Электрон БЮДда мазкур графада табиий газ етказиб берилган ойнанинг охириг санаси кўрсатилади.

Қоғоз шаклдаги БЮДда мазкур графада божхона назорати натижалари ҳақида гувоҳлик берувчи божхона органининг тўртбурчак штампи, табиий газ етказиб берилган ойнанинг охириг санаси ва шахсий муҳри ҳамда зарур ҳолларда бошқа белгилар қўйилади. Божхона назорати натижалари ҳақидаги тўртбурчак штамп товарни ўтказиш юзасидан қарор қабул қилган божхона органи мансабдор шахсининг шахсий муҳри билан тасдиқланади.

24. БЮД ва МБЮД кўрсатилган табиий газнинг амалдаги ҳажмларида фарқ бўлганда, табиий газнинг амалда ўтказилганлиги тўғрисида декла-

рант томонидан ҳужжатлар тақдим қилишда МБЮДни қайта расмийлаштириш амалга оширилмайди.

25. Ташқи савдо божхона статистикаси ҳамда ташқи савдо операциялари мониторингини ва валюта назоратини амалга ошириш учун фақатгина тўлиқ БЮДлар ҳисобга олинади. Ташқи савдо бўйича маълумотларни тезкор равишда ҳисобга олиш мақсадлари учун МБЮДда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

5-боб. Божхона тўловларини тўлаш

26. Бир календарь ой мобайнида қувур транспорти орқали божхона чегарасидан олиб ўтилган товарлар божхона тўловлари БЮД тақдим этилган кундан кечиктирмаган ҳолда товарларни етказиб бериш ойининг охиригиги кунда амалда бўлган божхона тўловлари ставкаларига кўра Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади.

Бунда, бир календарь ой мобайнида қувур транспорти орқали божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарларнинг қиймати божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан товарларни етказиб бериш ойининг охиригиги кунда белгиланган валюталарни расмий айирбошлаш курси бўйича аниқланади.

Қувур транспортида олиб ўтиладиган товарлар учун МБЮД тақдим этилганда, божхона тўловлари МБЮД тақдим этилган кунда амалда бўлган божхона тўловлари ставкалари бўйича МБЮД қабул қилингунига қадар ёки уни қабул қилиш билан бир вақтда тўланади.

27. Маълумотларга аниқлик киритиш натижасида тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг миқдори ошадиган бўлса, уларнинг қўшимча тўлови БЮДни тақдим этиш билан бир вақтда амалга оширилиши лозим. Бу ҳолда пеня ҳисобланмайди.

6-боб. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали транзит тарзда олиб ўтиладиган табиий газнинг божхона расмийлаштируви

28. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали транзит олиб ўтиладиган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида жойлашган бошқа пунктлар ўртасида бошқа давлатлар ҳудуди орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Божхона транзити божхона режимида расмийлаштирилган табиий газ ҳажмлари учун БЮД ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай божхона органига юборилади.

БЮД билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
газ транспортировкаси бўйича хизматлар кўрсатиш шартномаси;
божхона чегараси орқали табиий газни олиб ўтиш тўғрисидаги йиғма ҳужжатлар;

ташқи савдо битимлари иштирокчилари имзолари ва муҳрлари билан тасдиқланган, табиий газни қабул қилиш-топшириш тижорат далолатномаси;

табиий газни ўлчаш жойларидан олинган, олиб кирилганлиги ва чиқилганлигини тасдиқловчи далолатномалар.

7-боб. Яқуний қоидалар

30. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

31. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2021 йил 1 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚўМИТАСИНING ҚАРОРИ

185 «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1609-3*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 6 март,
01-02/12-02-сон

Келишилди:

Энергетика вазири

А. СУЛТАНОВ

2021 йил 26 февраль

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил
6 мартдаги 01-02/12-02-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 6 июлдаги 01-02/12-12-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1609, 2006 йил 10 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 327-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 7 февралдаги 01-02/12-15-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1609-1, 2013 йил 6 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 10-сон, 137-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 27 майдаги 01-02/12-34-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтилаётган табиий газни

божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1609-2, 2016 йил 13 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 24-сон, 295-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси фавқулудда вазиятлар вазирининг 2021 йил 23 мартдаги 85-сон «Кичик ҳажмли кемаларни техник кўриқдан ўтказиш қоидаларининг 5-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2968-2.

2. Ўзбекистон Республикаси фавқулудда вазиятлар вазирининг 2021 йил 23 мартдаги 86-сон «Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларининг 5-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2967-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/11-сон «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2764-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/12-сон «Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2443-3.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/13-сон «Диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2665-2.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/14-сон «Диссертациялар илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини

баҳолаш бўйича услубий кўрсатмаларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2666-2.

7. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2021 йил 9 апрелдаги 19-2021-Б-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163-3.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 6 мартдаги 01-02/12-01-сон ва Энергетика вазирлигининг 2021 йил 26 февралдаги ИНЛ-841/20-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан магистрал газ ўтказиш қувурлари орқали олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3295.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 6 мартдаги 01-02/12-02-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1609-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 6 июлдаги 01-02/12-12-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали магистрал газ ўтказиш қувурларида олиб ўтилаётган табиий газни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1609, 2006 йил 10 август), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1609-1, 2013 йил 6 март), (рўйхат рақами 1609-2, 2016 йил 13 июнь).

2021 йил 10 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

